Лестницы и пандусы должны быть оборудованы поручнями. После каждого марша лестницы и пандуса необходимо делать горизонтальные площадки длиной не менее 1,5 м.

Велосипедная дорожка (велодорожка) — это или часть улицы или самостоятельная дорога, предназначенная преимущественно для движения велосипедного транспорта. Движение механических транспортных средств (за исключением мопедов) и гужевых повозок по велодорожке запрещено. Пешеходы могут двигаться по велодорожке только при отсутствии тротуаров, обочин пешеходных дорожек и пешеходных зон.

Велосипедные дорожки обычно отделяют от тротуаров и проезжих частей полосами зеленых насаждений.

Допускается устраивать велосипедные полосы по краю проезжей части улиц и дорог с выделением их маркировкой двойной линией. В зонах массового отдыха населения и на других озелененных территориях следует предусматривать велосипедные дорожки, изолированные от улиц, дорог и пешеходного движения. Велосипедные дорожки могут устраиваться одностороннего и двустороннего движения.



Ширина полосы должна быть не менее 1,2 м при движении в направлении транспортного потока и не менее 1,5 м при встречном движении. Ширина велосипедной полосы, устраи-

ваемой вдоль тротуара, должна быть не менее 1 м. Продольный уклон велодорожек составляет 5 – 50%, поперечный 15-25%. Покрытие тротуаров и велодорожек обычно асфальтобетонное.

Озеленение улиц и дорог. Зеленые насаждения на улицах города предназначены для защиты от:

- вредных выбросов автотранспорта;
- шума;
- облучения солнцем улиц и фасадов зданий в городах южных климатических районов;
- неблагоприятных природных факторов (оврагов, оползней и т.п.).

Они также несут и эстетическую нагрузку. На характер озеленения улиц и дорог влияют следующие факторы:

- транспортно-планировочное решение;
- ширина улиц и дорог в красных линиях;
- интенсивность движения транспортных средств и пешеходов;
- вид прилегающей застройки;
- ориентация по сторонам света;
- климатические условия;
- вид почвы.

Минимальную ширину бульваров и озелененных полос принимают согласно СП 42.133330.2011 [1] с учётом расстояний от деревьев и кустарников до сооружений и проезжих частей и инженерных коммуникаций (см. табл. 1.).

Таблица 1. Нормативная ширина полос зеленых насаждений

Полоса	Наименьшая ширина полосы, м
Газон с рядовой посадкой деревьев или деревьев в одном ряду с кустарником:	
а) однорядная посадка;	2,0
б) двухрядная посадка.	5,0
Газон с однорядной посадкой кустарника:	
а) высокого (более 1,8 м);	1,2
б) среднего размера (1,2 – 1,8 м);	1,0
в) низкого (до 1,2 м)	0,8
Газон с групповой или куртинной посадкой (свободной группой) деревьев	4,5
То же, кустарников	3,0
Газон	1,0

Поперечные уклоны зелёных зон принимают в пределах 5 – 50 %.

На горизонтальных кривых улиц и дорог зеленые насаждения не должны затруднять видимость проезжей части и тротуаров для водителей транспортных средств и пешеходов. На

пересечениях и примыканиях улиц и дорог деревья не должны быть в пределах треугольников видимости.

На тротуарах и газонах обычно осуществляют однорядную посадку, на бульварных газонах – двухрядную. Многорядная посадка применяется для укрепления защитного действия полосы озеленения от выхлопных газов автомобилей, пыли и шума, создаваемых городским транспортом. Её устраивают между проезжей частью и тротуаром. Шум-пылезащитные полосы создают из 3 - 6 рядов плотных древесно-кустарниковых насаждений. Их располагают между тротуаром и проезжей частью.

Основным элементом озеленения центральных разделительных полос является газон. При ширине разделительной полосы более 4 м допускается посадка цветов, низкого кустарника и отдельных экземпляров узкокронных деревьев.

В городах южных климатических районов, где озеленение обеспечивает затенение наиболее облучаемых пешеходных улиц, тротуаров и фасадов зданий, применяют линейную посадку деревьев с широкой и плотной кроной, при этом интервалы посадок должны обеспечивать проветривание улиц.

Освещение улиц. Все уличные объекты разделены на категории и имеют норму по средней горизонтальной освещенности покрытия: А – дороги с магистральной функцией (15-20 лк); Б – магистральные улицы районного значения (10-15 лк); В – улицы и дороги местного значения (4-6 лк).

Уличные светильники могут быть трех категорий:

- ландшафтные, выполняющие преимущественно функцию декоративного освещения дорожек, тропинок, беседок;
- общие уличные, размещаемые на высоких основах для освещения большой площади без использования рассеивателей света;
- архитектурная подсветка, выделение отдельных элементов, информационных объектов, рекламы, фонтанов.

Общие уличные светильники располагаются на опорах или тросах. Основным расположением уличных фонарей является опора (столб или мачта). Опоры для наружного освещения выбирают с учетом экономичности материала. На сегодняшний день существуют железобетонные, металлические опоры (чугун, оцинкованная сталь, алюминий), а также опоры из дерева, пластика, композитные. Независимо от вида, все опоры должны обладать повышенной прочностью и быть стойкими к климатическим воздействиям. Все виды опор должны быть рассчитаны на скорость ветра до 160 км/ч.

Для экономии в некоторых случаях используются стены зданий. Там, где использовать собственную опору экономически нецелесообразно (например, на улицах с электротранспортом), светильники размещают на опорах контактной сети. На многополосных магистралях или на дорогах с рядовой посадкой деревьев используют тросы, струны, крепежные кабели.

Схемы размещения светильников на улицах и дорогах могут быть:

- 1 – односторонняя;
- 2 – двухсторонняя шахматная;
- 3 – двухсторонняя прямоугольная;
- 4 – осевая;
- 5 – двухрядная прямоугольная по осям движения;
- 6 – двухрядная прямоугольная по осям улицы.

При размещении светильников по вариантам 1,3,4,5,6 отношение шага к высоте подвеса должно быть не более 5:1 светильников. При шахматной схеме 2, – не более 7:1.

Опоры для освещения пешеходных аллей, должны быть вне дороги. Если ширина аллей не превышает 10 м, то схема размещения – односторонняя, если более 10 м, то двухрядная шахматная или прямоугольная.

Дистанция расположения опор зависит от мощности осветительного прибора, высоты от земли, вида освещения.

На дорогах с интенсивным движением, расстояние от бордюра до опоры составляет 1 м; на дорогах обычных - 0,6 м; на дорогах без грузового и электротранспорта – 0,3 м. При отсутствии бордюра – 1,75 м.



Основная часть газосветного прибора должна быть не ниже 3 м над уровнем земли. Для лампы накаливания мощностью от 100 Вт – не ниже 4 м над уровнем земли.

Для консольных светильников допустимые углы размещения ламп – 15-30° к горизонту.

Самое большое применение и варианты исполнения имеют столбовые опоры из металла.

Они имеют в поперечном сечении полый круг или многогранник, легкие, безопасные, долговечные. По сравнению с железобетонными опорами или решетчатыми столбами, требуют меньше затрат на монтаж и эксплуатацию. Они сужаются к верху, тем самым уменьшается раскачка при порывах ветра.

Мачты освещения свыше 12 метров используются для стадионов, развязок автодорог и городских площадей.

Фундаментом опор освещения может быть бетонная основа или подземный монтажный блок. Его размеры зависят от места установки, характеристик грунта, веса, высоты и условий эксплуатации столба. Глубина заложения должна учитывать промерзание грунта. Опоры без фланца в основании устанавливаются в специальные ямы и заливаются бетоном.

Кронштейн светильника является небольшой самостоятельной опорной деталью и

предназначается для быстрого и удобного монтажа светильников. Они бывают следующих видов;

- одинарный;
- двойной;
- гусак для одного или одновременно нескольких фонарей;
- торшерного типа.

Литература:

1. Сигаев А.В. Проектирование улично – дорожной сети: Учеб. пособие для вузов. – М.: Стройиздат, 1978. 263 с.
2. Сильянов В.В. Теория транспортных потоков в проектировании дорог и организации движения. – М.: Транспорт, 1977. 303 с.
3. Кисляков В.М. Проектирование городских дорог с учетом безопасности движения автотранспорта. – М.: Транспорт, 1975.

АМИР ТЕМУР ОҚСАРОЙЛАРИ

Тўхбоева Н.М., к.и.х.и. (ТАҚИ)

В статье приводятся сведения о формировании нескольких ансамблей Ак-Сарай присущих архитектуре Центральной Азии периода правления Амира Тимура.

In this article are brought the informations about the forming of some Oqsaray's ensembles of the architecture of the Central Asia of the period of Amir Temur.

Темурийлар даври Марказий Осиё архитектурасида бир нечта – Шахрисабздаги мухташам, Самарқанддаги мўъжазрок Оқсарой, Хирот ва Хоразмдаги Оқсаройлар маълум. Амир Темурнинг Шахрисабздаги Оқсарой арки нафақат қадимий Кеш шахрининг балки Темурийлар салтанатининг маъмурий (сарой) девони бўлиб ҳисобланади. XIV аср охири XV аср бошларида жуда катта майдонни эгаллаган Оқсарой-мураккаб сарой ансамбли биноларидан ташкил топган бўлиб, ундан ҳозирги кунда фақат пештоқ қолдиқларигина сақланиб қолган. Кеш – Шахрисабз Оқсаройи янги қалъа ичида қурила бошланган. Испан элчиси Клавиho Оқсаройни турли бинолар, ташқи ва ички ҳовлилар, ичкарида боғлардан иборат, деб хайрат билан тасвирлаган.

Шарафиддин Яздий Шахрисабздаги улкан Оқсаройни дунёда бунчалик мухташам кўшк бўлмаган, деб таърифлаганда маълум ва машҳур “хоссаи шариф” биноларининг типологик жиҳатдан, яъни функционал вазифасига кўра “Оқсарой”ларнинг ҳаммаси кўшк бўлганини қатъий тасдиқлайди. Ҳозирги қолдиқлари ҳам унинг нақадат хашаматли бўлганини кўрсатади.

Бобур тасвирлаган девонхона ҳозир Оқсарой номи билан машҳур. 1404 йилда Шахрисабзни келиб кўрган испан элчиси Р. Г.Клавиho сўзлари асосида тадқиқотчилар Оқсаройнинг пештоғи девоннинг ташқи дарвозаси деб тушунишган, девон ҳовлисига пештоқ орқали ўтилган, асосий бинолар ичкарида бўлган деб фараз этишган.

Самарқанддаги Оқсарой мақбараси Амир Темур мақбарасидан жанубий – шарқда жойлашган. Унинг мақбара сифатида маълум бўлишига қарамай иморат дастлаб кўшк ёки қаср сифатида қурилиб, кейинчалик мақбарага айлантирилган деган фикрлар мавжуд. Оқсарой худди заргар кўлидан чиққандек ниҳоятда нозик ва нафис пардозланган.

Самарқанд Оқсаройи ва шаҳарнинг кўшин турадиган кичик қалъаси – “чақари – ташқари кўрғони” ўртасида жойлашган. Кейинроқ Оқсарой яқинида шахзода Жаҳонгир фарзанди Муҳаммад Султон мадраса ва хонақоҳи қад кўтарди. Ҳозир бу меъморий мажмуа “Тўрмиш” – Амир Темур мақбараси номи билан машҳур. Олимлар Самарқанд Оқсаройи чиройини беқиёс мўъжиза деб таърифлашган. Баъзилар бу бино аслида “мақбара” сифатида

қурилган, деб тахмин этишади. Шунинг учун ҳам “Оқсарой мақбараси” (русчада Мавзолей Ак-Сарай”) номи билан нотўғри талқин этишган. Қўлимиздаги жуда кўп далилларга асосланиб, Самарқанддаги шоҳона кўшкни “дастлаб шахзода Муҳаммад Султон Оқсаройи” деб аташга журъат этдик. Бизнинг фикримизча Самарқанд Оқсаройи баъзи олимлар илгари айтганидек XV асрнинг иккинчи ярмида қурилган мақбара эмас, балки Амир Темур Хоразмга қилган ҳарбий сафаридан (1372 йил) кейин қурилган тўёна кўшкдир.

“Темурбекнинг ва Улуғбек мирзонинг имороти ва бағоти Самарқанд маҳаллотида кўптур. Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлик, Кўксаройга мавсум ва машхур ва бисёр олий имораттур”.

Самарқанд Арки ичидаги Амир Темурнинг бошқа қароргоҳи – Кўксарой атрофида Бобур айтганидек Бўстонсарой, яъни бўстон сифат боғ, сарой аҳли оилалари яшайдиган ҳовли бўлган.

Самарқанд атрофида Амир Темур даврида ўндан ортик меъморий чорбоғлар пайдо бўлди. Боғларни тузиш ва асосий биноси – кўшклар архитектурасида дастлаб “Оқсарой” кўшкни учун қабул қилинган шаклу-шамойил ўртак сифатида кенг қўлланилди.

Сарой ва кўшк атамалари тарихий манбааларда кўп учрайди. Лекин ўша қадимги бинолар сақланмагани учун архитектурага оид тадқиқотларда нотўғри талқинлар мавжуд. Юқорида кузатганимиз учта “хоссаи шариф” – Хоразмдаги Амир Темур уйи, Шаҳрисабздаги Амир Темур саройи ва Самарқанддаги шахзода уйи мавжуд тарихий ҳужжатларда, халқ ривоятларида “Оқсарой” деб аталгани меъморий муаммога аниқлик киритади. “Кўшк” атамаси бинонинг функционал вазифасини, шу билан боғлиқ шаклу шамойилини билдиради. Бошқача айтганда, кўшк боғ ичида алоҳида қурилган оромгоҳ бино. Шунинг учун ҳам баъзи кўшклар Таробхона, Ишратхона, Ишратгоҳ каби номлар билан маълум. “Оқсарой” атамаси эса алоҳида кўшк биноси, атрофида ҳовли ва боғ, таркибида бошқа бинолар борлигини билдиради ва шоҳ ёки унинг вамаҳдининг хосса, яъни кичик қароргоҳи ҳисобланган. Хоразм Оқсаройи тошқалъа билан муҳофаза этилган, атрофида боғ ва ҳовлилар учун етарли жой бўлган. Самарқанд Оқсаройи ҳам кичик қалъа – чақар ичида жойлашган бўлиб, уни катта қалъа – Арк билан боғловчи Шоҳроҳ (катта йўл) хиёбони бўлган. Бу эса Оқсарой боғ ичида жойлашганидан дарак беради.

П.Ш. Зоҳидов ҳам Хоразмдаги Хоссаи ша-

риф – катта иморат XVI асрда Оқсарой номи билан тарихий манбада қайд қилинганлигини айтади. Шунга қарамай рус олимлари Оқсаройни Урганч яқинидаги бошқа тарихий манзил бўлса керак, деб тахмин этишган. Ўша Оқсаройдан сақланиб қолган пештоқни эса XIV асрда қурилган карвонсарой сифатида таърифлашган. 1379 йил баҳорида “Ҳазрат Нусратшиёр черикини йиғиштируб, Хоразм сори мутаважжих бўлди. Эски Ўқуздин ўтуб, Хоразм қалъасини ўртага олди ва эҳтиёт учун буюрдиким, яна ҳисори солғайлар. Ва барча маҳкам қилдурди... Худди шу воқеани Шомий бошқачароқ таърифлаб, меъморий аниқлик киритади.” Турклар Эски Ўғуз деганлари Кўҳна дарёдан ўтиб, шаҳарни ўраб олдилар. Икки қанотдин муҳофаза қилиб бориш ва жанг бошлаш учун лашкару кўшинларни тақсим қилди. Амир Соҳибқирон ўз хоссаи шарифи учун катта иморат тиклашни буюрди, тез орада қуриб битказдилар.”

Қамалдаги шаҳар – Хоразм қалъаси қарши-сига эҳтиёт учун янги ҳисор – алоҳида қалъа бунёд этилгани ҳаммани ҳам ҳайратга келтиради. Янги ҳисор саҳни ўша қамалдаги қалъа саҳнидан қолишмас экан. Бундай хабарни баъзилар муболаға деб ишонмаслиги мумкин. “Муҳосара муддати уч ойга чўзилди”, аниқроғи “уч ойу ўн олти кунгача шаҳар қамал эрди”. Амир Темур Қарши, Кеш – Шаҳрисабз, ҳатто Самарқанд қалъаларини ана шундай қиска муддатда (1, 1,5 ойда) тиклагани “Зафарнома”да қайд қилинган.

Ҳозирги Кўҳна Урганч шаҳрига зиёрат учун борганда сақланиб қолган маҳобатли меъморий ёдгорликлар қаторида, албатта, Тошқалъа ўртасидаги яқка “Пештоқ” харобаларини бориб томоша қиламиз. Пештоқ равоқида сақланган ниҳоятда хушбичим, кошинкорий безакларни кузатиб, беихтиёр карвонсарой ҳам шунчалик мухташам бўладими, деган хаёл келади. Экскурсиячи эса бу пештоқни қадимги карвонсарой деб таърифлайди. “Карвонсарой” атамаси таркибидаги “Сарой” сўзи қадимги ном Оқсаройга жуда яқин эмасми? Бу пештоқ аслида Амир Темур ўз назорати остида қурдирган хоссаи шариф уй – Оқсарой қолдиқлари эканлиги жуда кўп тарихий ва меъморий далиллар билан исботланди.

Оқсарой биноси қолдиқларини карвонсарой даражасида камситиш дастлаб XX аср бошларида рус адабиётида пайдо бўлди. Маҳаллий аҳоли ташландиқ бино пештоғини “Сарой” деб тушунтирган бўлса, таржимонлар орқали русларда омборни билдирувчи “сарай”га айланган. Натижада, рус олимлари талқини орқали “Кар-

вонсарой” деган ном Урганч топонимикасида ўша “Пештоқ”қа нисбатан боғланиб қолди.

Ўша бинонинг Амир Темур давридаги но-мини ҳам кейинги ёзма манба орқали аниқ-ладик. Сарой шоири Муҳаммад Солиҳ (1455-1506й.) “Шайбонийнома” асарида Шайбоний-хоннинг Урганч шаҳри қамалини тасвирлар экан, қўшин бошлиқлари қароргоҳи жойлашган икки манзил номини кўрсатиб ўтган:


*“Кўнди Арк олдида Темур Султон,
Ҳам ўшул турки бўлди фармон”.*

Ҳозирги Қўхна Урганчда Арк қолдиқлари Оққалъа номи билан маълум. Арк – Оққалъани камон ўқи етмайдиган масофада (100-150 м.) Темур Султон аскарлари камал тутиб турган-лар. Худди шунга ўхшаш масофада Оқсарой деган бино бўлган. Оққалъа ва Оқсарой айнан битта атама.


*“Келди шаҳзода Убайди хуш роӣ,
Айлади манзилини Оқсарой”.*

Шаҳзода Убайди – Муҳаммад Шайбоний-хоннинг жияни, Бухоронинг бўлғуси хони, Убайдуллахон – Қул Убайдий тахаллуси билан танилган ўзбек шоири, Урганч қамалида қат-нашган шаҳзода Оққалъа яқинидаги Оқсарой биносидан ўз аскарларини бошқариб борган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур “Бобурно-ма”да: “Ҳар икки - уч кунда бориб, Боғи Жаҳоннорада Бадиуззамон мирзоға кўрунуш қилур эрдим. Неча кундин сўнг Музаффар мирзо уйига чорлади. Музаффар мирзо Боғи Сафидда ўлтурур эди. Хадичабегим ҳам анда эди. Жаҳонгир мирзо менинг бирла борди. Ха-дичабегим қошида ош ва таом тортилгандан кейин Музаффар мирзо бизни Бобур мирзо солғон Тарабхона отлик иморатқа олиб борди. Тарабхонада чоғир мажлиси бўлди. Тарабхона боғчанинг ўртасида воқе бўлубтур, мухтасар-роқ имораттур, икки ошёналиқ, вале ширин-гина имораттур, юққориғи ошёнида такаллуф кўпрак қилибтурлар. Тўрт кунжида тўрт хужрадур. Ўзга бу тўрт хужранинг ўртаси ва мобайнлари тамом бир уй дохилидур, бир уй-дирким, хужраларнинг мобайни тўрт шаҳни-шин йўсинлук бўлубтур. Бу уйнинг ҳар зилъи мусаввардур, агарчи бу иморатни Бобур мирзо қилгандир, вале, бу тасвирларни Султон Абу-саид мирзо буюрғондур, масоф ва урушларини тасвир қилибтурлар, шимолий сариға шаҳни-шинда икки тўшак солдилар, бир – бирига рўбарў, тўшакларнинг ёнлари шимол сари эди, бир тўшакда Музаффар мирзо ва мен ўлтурдук, яна бир тўшакда Султон Масъуд мирзо ва Жаҳонгир мирзо ўлтурдилар. Музаффар мир-зонинг уйида чун меҳмон эдук, мени Музаф-фар мирзо ўзидан юққори олди”.



Оқ сарой тархи,
Г.А.Пугаченкова реконструкцияси



Шаҳрисабз бош планида қалъа деворининг
кўриниши

Ҳирот шаҳридаги Тарабхона кичикрок бўлсада кўп жихатдан Самарқанддаги Ишрат-хона – Кўшки Дилқушо ва Оқсаройни (Гўри Амир яқинида) эслатади. Тарабхона Ишратхо-на типидagi иморатларнинг асосий вазифаси боғдаги уй – жой эканлигининг аниқланиши, меъморлик тарихи учун айниқса аҳамиятлидур. Кеш – Шаҳрисабз Оқсаройи янги қалъа ичида қурила бошлаган. Испан элчиси Клавиho Оқсаройни турли бинoлар, ташки ва ички ховлилар, ичкарида боғлардан иборат, деб хайрат билан тасвирланган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” да Ҳирот шаҳридаги Оқсарой ҳақида келтиришича: “Ба-диуззамон мирзо дедиким, нега майл қилмассиз. Мен дедим, тўрғамoқтин ожиздур-

мен. Филҳол Баддиуззамон мирзо менинг олимдағи ғозни бузуб, тўрғаб олимда кўюр. Мундоқ ишларда Баддиуззамон мирзо беназир киши эди. Охир суҳбатта бир мурассаъ камар, ханжар бир чорқаб, бир тупчоқ манга берди.

Йигирма кунким, Ҳирийда эдим, ҳар кунда кўрмаган ерларни отланиб сайр қилур эдим. Ажзимиз бу сайрларда Юсуф Али кўкалтош эди. Ҳар қайси сайргоҳқа тушулса эди, Юсуф Али кўкалтош бир навъ ош тортар эди. Бу йигирма кунда машҳур сайргоҳлардин бир Султон Хусайн мирзонинг хонақоҳидин ўзга ер кўрилмаган шояд қолмади экин, Гозургоҳ ва Алишербекнинг боғчаси ва жувози қоғаз ва Тахти остона ва Пулиқоҳ ва Кахдистон ва Боғи Назаргоҳ ва Нёматобод ва Гузургоҳнинг хиёбони ва Султон Аҳмад мирзонинг ҳазираси ва Тахти Сафар ва Тахти Навоий ва Тахти Баргар ва Тахти Ҳожибек ва Шайхи Баҳоуддин Умар ва Шайх Зайниддин ва Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг мазорот ва мақобирини ва намозгоҳи Мухтор ва ҳавзи Моҳиён ва Соқи Салмон ва Биллурийким, асли Абулвалид экандур, Имом Фахр ва Боғи Хиёбон ва мирзонинг мадорис ва мақобирини ва Гавҳаршодбегимнинг мадраса ва мақбарасини ва масжиди жомени ва Боғи Зағон ва Боғи Нав ва Боғи Зубайда ва Султон Абусаид мирзо солғон дарвозаи Ироқнинг тошида Оксарой ва Пўрон ва Сўфай Тирандозон ва Чарғолон ва Мирвоҳид ва Пулимолон ва Ҳожа Тоқ ва Боғи Сафид ва Тарабхона ва Боғи Жаҳанноро ва Кўшк ва Муқаввийхона ва Савсанихона ва дувоздаҳ бурж ва Жаҳоноронинг шимол тарафидағи улуғ ҳавз ва тўрт тарафидағи тўрт иморат ва қальанинг беш дарвозаси: Дарвозаи Малик ва Дарвозаи Ироқ ва Дарвозаи Фирузо-

бод ва Дарвозаи Хуш ва Дарвозаи Қипчоқ ва Бозори Малик ва Чорсув ва Шайхулисломнинг мадрасаси ва Маликларнинг масжиди жомеи ва Боғи шаҳр ва Баддиуззамон мирзонинг Жўйи Инжил ёқасидағи мадрасаси ва Алишербекнинг ўлтурур уйларики, “Унсия” дерларким, мақбара ва масжиди жомеиники, “Қудсия” дерлар, мадраса ва хонақоҳиники, “Халосия” ва “Ихлосия” дерлар, ҳаммом ва доруш-шифосиники “Сафоия” ва “Шифоия” дерлар, борини андақ фурсатта сайр қилдим.”

Энди тарихий далиллар исботлашига кўра Оксаройларнинг ҳар бири шахсан Амир Те-мурнинг фармони, кўрсатмалари, назорати тўфайли бунёд этилган кичик саройлар бўлган.

Адабиётлар:

1. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент. 1997.
2. Бартольд В.В. Сочинения. Т. III, –М.: 1965. Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции, 1949 – 1953. Т. II, М. 1958 г.
 - а) Вактурская Н.Н. Раскопки городища Ургенч в 1952 г. (стр. 421-494);
 - б) Тургенев – Амиритов А.Г. Раскопки комплекса южных ворот и крепостной стены Таш – Калы (стр. 495-504).
 - в) Федоров – Давидов Г.А. Раскопки квартала 15 -17 вв. на городище Таш-Кала (стр. 505 – 528.)
 - г) Лапиров-Скобло М.С. Портал развалин караван сарая на городище Таш-Кала в Куны Ургенче (529542.)
3. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент, 1996.
4. Якубовский А.Ю. Развалины Ургенча. –Л.: 1930.
5. Мухаммад Солих. Шайбонийнома, Т., 1956.

ЛАНДШАФТ И ДИЗАЙН ЗИМНИХ САДОВ

Бобоева Ф.С. (руководитель кружка “Дизайн” станции молодых техников г. Самарканде)

Зимний сад давно перестал быть атрибутом роскоши. Отдельно стоящий или пристроенный к дому, он стал тем местом отдыха, где комфортно всем членам семьи. Обилие света, зелени, красивых цветов и приятных ароматов помогает людям отрешиться от насущных проблем и справиться с плохим настроением. Именно здесь человек может получить хороший заряд бодрости и положительных эмоций на весь день.

И что немаловажно, радовать уютом и теплом этот зеленый уголок будет в течение всего года: прочные прозрачные стены надежно защищают его от холодных ветров, зимней стужи

и палящей жары. В настоящее время с появлением новых технологий строительства и легких, но прочных материалов устройство зимних садов значительно упростилось. Появились возможности для их возведения не только в частных домах, но и в городских квартирах (например, на лоджии или балконе). Однако, для того чтобы обустроить подобное место отдыха, недостаточно просто возвести стены и поставить растения. Сегодня зимним садом называют сооружение, отвечающее не только строительным, но и эстетическим нормам дизайна. Другими словами, строение должно быть не только прочным, но и красивым. И если при

строительстве не возникает много вопросов, то проблема внутреннего оформления всегда была одной из самых острых. Всем хочется, чтобы зимний сад был не только теплым, но и уютным.



Оригинальность и неповторимость зимнему саду придают многими способами. Так, например, его можно оформить в каком-либо стиле, например английском пейзажном или японском. Сады украшают различными декоративными элементами (цветочницами, статуэтками, вазонами, фонариками), альпийскими горками, бассейнами, водопадами, декоративными прудами с рыбками и т. п. Однако следует помнить о том, что все элементы должны быть тщательно подобраны, сочетаться друг с другом и с общим стилевым оформлением, а не являться набором случайных деталей. Так, например, зимний сад, оформленный в виде лесной лужайки или яркого цветника, может стать естественным продолжением пейзажа за окном.

Живая природа играет важную роль в жизни человека, и потому так понятно его стремление окружить свое жилище садами, скверами, парками. Однако, климатические условия большинства европейских государств не позволяют любоваться красотами живой природы круглый год. Лучший выход, который смогли придумать в этой ситуации люди, – устроить зимние сады и оранжереи. Назвать точную дату появления первых подобных уголков природы, созданных руками человека, пожалуй, не сможет никто. Идея же создания райского сада (Эдема) на Земле восходит к глубокой древности.

Коллекции тропических новинок были изумительными. Согласно источникам, одно из таких собраний привело в восторг голландского короля Вильгельма, посетившего зимой 1240г. город Кёльн. В одном из дворцовых залов ему показали цветущий мини-сад (прототип современного зимнего сада). Это зрелище было настолько необычным, что король и его придвор-

ные обвинили садовника Альберта Магнуса, создавшего это чудо, в колдовстве.

Интерес к тропическим растениям, проявившийся в эпоху Великих географических открытий, привел к тому, что в XVII–XVIII вв. в состав команд военных кораблей или торговых судов обязательно включали ботаников – охотников за растениями. В обязанность этих людей входило определение того, является ли найденный экземпляр лекарственным или съедобным, а также принятие решения о целесообразности ввоза того или иного растения в страну.

Одним из наиболее известных ботаников той эпохи был Вильям Дэмпейер. Во время своих многочисленных путешествий к берегам Южной Америки он собрал богатую коллекцию экзотических растений. Последние годы жизни Дэмпейер провел в Англии. Здесь им была издана книга «Новое путешествие вокруг света» (1697), в которой дано первое описание таких культур, как авокадо, саподилла, звездные яблоки. Среди ботаников XVIII в. следует назвать Джона Батрама и его сына Вильяма из Филадельфии, Джорджа Форстера и др.

Как уже было сказано ранее, наступление эпохи Великих географических открытий положило начало проникновению в страны Старого Света новых экзотических видов растений (преимущественно плодовых). Диковинные фрукты, поступавшие из различных уголков земного шара, так понравились европейским монархам, причем не только своим внешним видом, но и вкусовыми качествами, что идея самостоятельного выращивания тропических растений вскоре получила широкое распространение во многих государствах Западной Европы.

Оранжереи (от франц. orange – «апельсин») – стеклянные помещения, условия в которых были приспособлены для выращивания цитрусовых культур и содержания животных, привезенных из теплых стран, – стали первым шагом на пути к осуществлению мечты о земном рае. Начало строительству оранжерей для апельсиновых и лимонных деревьев было положено в конце XVI – начале XVII вв. Подобные сооружения впервые появились в загородных домах и усадьбах английской знати, а также в садах при замках многих европейских правителей.

Как правило, в зимний период теплолюбивые цитрусовые культуры содержались в застекленных помещениях, а летом их выставляли в приусадебные парки и сады, где деревья служили великолепным украшением. Вскоре оранжереи с экзотическими растениями стали

неотъемлемой частью жизни великосветской аристократии. Представители высшего общества, в усадьбах которых не выращивались тропические культуры, считались едва ли не изгоями, отставшими от моды. Среди известных людей, занимавшихся разведением экзотических растений, можно назвать первого президента Соединенных Штатов Америки Джорджа Вашингтона. Он проводил много времени в

своей теплице на горе Вернон. Согласно источникам, в 1599 г. в Ботаническом саду Лейдена была открыта первая крупная оранжерея для померанцевых, апельсиновых и лимонных деревьев (так называемый Померанцевый домик). В 1646 г. подобные сооружения появились в Генте и Амстердаме, в 1714 г. – в Париже и Санкт-Петербурге (в Летнем саду).

УДК 725.731(575.1)

ЎРТА ОСИЁ АНЪАНАВИЙ БОҒЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мустаев Б.Б., докторант (Сам ДАҚИ)

В статье исследованы и обобщены материалы по архитектурно идейному, ландшафтно –организационным и семантическим принципам традиционных садов Средней Азии в стиле “Чорбаг”.

The article researched and compiled materials on ideological architectural, landscape and organizational and semantic principles of traditional Central Asian–style garden in “Chorbag”.

Ўрта асрларда анъанавий бўлган Темурийлар даври “Чорбоғ”ларини республикамизнинг қатор олимлари: В.Л. Вяткин, И.А. Сухарева, М.Е. Массон, Г.А. Пугаченкова, Ў. Алимов, А. Мадраимов, Д.А. Нозилов, М.С. Булатов, А.С. Уралов, К.Д. Рахимов, Л.А. Адилова, С.Н. Садиковалар ўрганганлар. Ушбу олимларнинг ишларида “Чорбоғ”ларнинг шаклланиш тарихи, қурилган вақти ва жойлари, меъморий–режавий ечимлари, боғдаги ўсимлик турлари, боғ–саройлари ва иншоотлари кенг ўрганилган. Биз мазкур мақолада ушбу ишларга таянган ҳолда Ўрта Осиё анъанавий боғларининг семантик хусусиятларини очиқ беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳаммамизга маълумки, XIV асрнинг 70–йилларидан бошлаб Самарқанд шаҳри атрофида Амир Темури, Темурийлар ва уларнинг аёнлари томонидан кўплаб боғ–саройлар бунёд этилган. Табиийки, уларни яратган меъмор ва боғбонлар уларда ўша давр боғ–парк санъатининг энг яхши намуналарини акс эттиришга интиланганлар.

Темури ва Темурийлар яратган боғлар учун кўпроқ илгаридан мавжуд манзилгоҳлар, суви етарлик боғлар, хушманзара дарахтзорлар, ўт–ўланлар қўшиб олинди, қайтадан режалаштириш асосида лойиҳаланган. Фақат айрим боғлар янгитдан ишланган. Ҳар иккала ҳолда ҳам улар учун сув манбалари ва манзарага бой жойлар танланган.

Агар биз Темурийлар бунёд этган боғларнинг меъморий–ғоявий ва яратилиш ечимларини таҳлил қиладиган бўлсак, унда Ўрта Осиё меъморий боғларининг режавий–ландшафт ечими уч хил услубда, яъни: 1) “Чорбоғ” услу-

бида тўғри мунтазам симметрик тартибда қурилган боғ–саройлар; 2) Эркин табиат кўринишидаги пейзажли боғлар; 3) Аралаш режали, яъни бир қисми мунтазам симметрик тартибда, қолган қисмлари эркин табиат кўринишидаги боғлар тарзида шаклланганлигини кўрамыз.

Тартибли мунтазам симметрик кўринишидаги “Чорбоғ” усули кўпроқ нисбатан текис ерларда жойлашган боғларга хос бўлса, эркин табиат манзараси кўринишидаги боғлар баланд–пастликда, қияликлар, тоғ этакларида жойлашган кенг майдонли сайргоҳ истироҳат боғлари ва боғ қўриқхоналар учун мос келган. Амир Темури бунёд этган Боғи Жаҳон–намо, Боғи Накши Жаҳон, Боғи Тахти Қорача боғлари ана шундай эркин табиат манзараси кўринишидаги боғлар турига кирган.

Темурийлар боғлари ҳудудини ободонлаштириш, боғлар ландшафти, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси масалаларига келсак, унда: янги боғлар кўпинча, илгаридан мавжуд боғлар ҳудудларини кенгайтириш ҳисобига барпо этилса–да, уларга экиладиган **дарахтлар тури** алоҳида эътибор билан танланган. Боғ деворлари ёнидан тортилган сайр йўлаклари ва ариқлар бўйлаб мирза–терақлар экилган. Улар ичида “Сафедори Самарқандий” тури ўзининг гўзал ранги ва шакли билан бошқа терақлардан ажралиб турган [1]. Боғ дарвозасидан то боғ марказида жойлашган ҳовуз ва саройгача кенг хиёбон тортилиб, унга боғдаги ёнбош хиёбонлар келиб қўшилган. Чорбоғ хиёбонлари, ҳовузлар ва ариқлар бўйлаб **манзарали дарахтлар:** *тол, терак, чинор, қайрағоч, сарв, арча, мажнунтол кабилар экилган. Мевали*

дарахтлардан олмаларнинг турли хил навлари, ўрик, шафтоли, анор, нок, олча, анжир, тут ва бодомлар доим эътиборда бўлган.

Гулларни танлашда уларнинг очилиш мавсумига эътибор беришган. Улар чаманларга шундай экилганки, бири очилиб тугаса, иккинчиси гуллай бошлаган. Шундай гуллардан айримларини санаб ўтамоқчи: *ҳамиша баҳор, атиргуллар, бинафшалар, савсан, нарғис, гули раъно, нулфар, шаббўй, гултоғжухўроз, аргун, садбарг, ханжарий. Богларда қўлга ўргатилган охулар, товуслар, бедана ва какликлар, ҳовузларда эса гоз ва ўрдаклар, балиқлар сузиб юрган* [1].

“Чорбоғ” услубидаги мунтазам режали боғлар тасвири акс эттирилган гиламларда миниатюраларда ўртада тўрт бурчакли, квадрат шакли ёки саккиз бурчакли сув ҳавзаси–ҳовуз ва ундан уфқнинг тўрт тарафига тортилган ариқлардан оққан сувни кўриш мумкин. Ариқлар ва ҳовузлар юзида оқ ва қизил олмалар қалқиб сузиб юрган [2]. Соя–салқин боғларда ариқ сувлари устига ўрнатилган чорпоялар, улар устига ёзилган гиламлар, хонтахталар, кўрпачалар ва ёстиқлар бўлган. Чорпоялар олдида эса дарахт шоҳларига осилган саватларда каклик ва беданалар сайраб турган [3].


Темурийлар боғлари, хусусан “Чорбоғ” услубидаги боғларнинг семантикаси ҳақида шу чоқкача илмий адабиётларда маълумот келтирилган. Темурийлар “Чорбоғ” ларининг семантикасига хос хусусият шундаки, бу боғларда манзарали дарахтсимон ўсимликлар доимо мевали дарахт ва буталар билан бирга экилган, боғ ҳудуди ташқаридан деворлар билан чегараланган [4]. Боғдаги асосий семантика–бу боғ композициясидаги ўта тартиблилик ва орасталик, атроф–муҳитдан буткул ҳолилик ва боғга жаннат рамзининг берилганлигидадир. Боғдаги жаннатий рамз–бу боғ ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, иморатлар архитектураси, боғ дизайни элементлари ва инсон орасидаги уйғунликда ўз аксини топган.

Темурийлар боғларида аттракционлар бўлганми? деган савол ҳам бизни қизиқтириши табиийдир. Бизнинг фикримча бўлган. Боғдаги ҳалганчаклар, чир атрофи зинапояли ҳовузлар, қўлга ўргатилган ёввойи ҳайвонлар ва қушлар, тирандозлик ва чавгон ўйинлари ана шундай миллий аттракционлар турига кирган.

Чорбоғнинг мумтоз тарҳини кўздан кечирсак куйидаги ғоявий ечимни кўрамоқчи. Боғ марказидаги катта жаннат ҳовузи ёки фавворадан тошиб тушган сув уфқнинг тўрт тарафига қараб йўналтирилган тўртта жаннат ариқлари

бўйлаб оқади ва тўртта жаннат боғи–“Чорбоғ”ни ташкил қилади. Ҳар бир боғ эса яна 4 та чаман–“Чорчаман”лардан иборатдир. Агар биз 1 та чаман ўлчамини бир модулга тенглаштириб оلسак, унда “Чорбоғ” меъморий модуль асосида яратилган тартибли ҳандасавий боғ бўлиб чиқади [3].

Куйидаги график тасвирларда ҳам биз “Чорбоғ” услубидаги боғларнинг меъморий модуль тизимида ишланганлигини кўрамоқчи.




1-расм.

Маълумки, Темурийлар авлоди бўлган Бобур Самарқанд, Ҳирот ва Қобул орқали Шимолий Ҳиндистонга Темурийлар боғ–парк қурилиши тамойилларини олиб кирган. Бу анъанани кейинчалик унинг ўғиллари ва неваралари–Бобурийлар ҳам давом эттирган ва ривожлантирган. Масалан, Аграда Бобурий Шох Жаҳон томонидан қурилган Тож–Маҳал макбара боғ–саройининг композициясида ҳам модулли “Чорбоғ” услуби қўлланилган [5].

Тож–Маҳал “Чорбоғи” анъанавий Ўрта Осиё “Чорбоғ”ларидан фарқ қилиб, унда боғ–

саройининг биноси боғ марказидаги ҳовуз ёнида ёки унинг ўртасида эмас, балки боғ тўрида жойлашган. “Чорбоғ” ва унинг бош хиёбони эса сарой биносига поки–поёндоз бўлиб хизмат қилган. Бош ва ёнбош хиёбонларни унинг ўртасида жойлашган фавворали каналлар ва уларнинг кесишувидаги катта ҳовуз боғ композициясининг яхлитлигини таъминлаган.

Бобурий Шоҳ Жаҳоннинг Лаҳор (Покистон)да бунёд этган Шалимар боғининг меъморий ғояси ҳам “Чорбоғ” услубига асосланган (488x210 м, уч поғонали терассасимон боғ) [6].



2-расм.

Боғда икки хил: очик ва ёпиқ хиёбонларни ҳамда уч хил: очик, ярим очик ва ёпиқ яшил боғ муҳитларини учратиш мумкин. Боғдаги асосий хиёбонлар очик, ички “Чорчаман”лар ичидаги хиёбонлар эса ёпиқ тарзда шаклланганлигини кўрамиз. Ушбу боғнинг ландшафт кўринишлари ва сув ҳавзалари ўзига хос дабдали тарзда ишланган. Шалимар боғининг асосий фарқли томони унда катта ҳовуз ҳавзасининг мавжудлиги ва унда фавворалар тизимининг яратилганлигидадир. Биз бу боғларда очик ва ёпиқ яшил кўкаламзорлар муҳитларнинг қўлланилганлигини кўрамиз.

Темурийлар ва Бобурийлар даврига хос “Чорбоғ” услубидаги меъморий боғларда қўлланилган сув дизайни қурилмалари ҳам хилма–хилдир. Биз уларнинг номларини, график кўринишлари ва функцияларини ўрганиб чикиб, қуйидаги жадвалда келтирдик: (1-жадвал).

Темурийлар даври боғлари (Самарқанд, Ҳирот) ва Бобурийлар даври боғларининг (Қобул, Агра, Дехли, Лаҳор, Фатихпур Секри, Кашмир) ландшафт ечимлари ва сув дунёсининг юқорида келтирилган кўринишларига назар солсак, уларда сув ҳавзалари, айниқса ҳовузлар боғ–саройлари ансамблининг марказини ташкил этганлигини, бу боғларда “Сув ва соя”нинг атроф–муҳит, яъни иморатлар архитектураси билан уйғунлашганини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

№	СУВ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ НОМИ	ГРАФИК КўРИНИШЛАРИ	АСОСИЙ ФУНКЦИЯСИ	ҚўЛЛАНИЛИШ ҲОЛАТИ
1	БОҒ САРОЙИНИ ЧОР ТАРАФДАН ЎРАБ ТУРГАН ҲОВУЗЛАР		Шаффов сув манзараси, мос микроклим ва боғ саройининг сувдаги аксини яратиш, сарой биносини мудофаа қилиш, ўрдак ва ғозларни боғ ландшафтига уйғунлаштириш	Сатҳи текис боғларда
2	ФАВВОРА		Сув ҳаракати ва товушидан ҳосил бўладиган ландшафт самарасига эришиш, ёқимли микроклим яратиш	Сатҳи текис ва поғонали боғларда
3	ҲОВУЗ–ФАВВОРА (канал фаввора)		ўзал сув манзараси ва мос микроклим яратиш, сув тизгини ва товушдан ҳосил бўлган завқли самарага эришиш	Сатҳи текис ва поғонали боғларда
4	ШАЛОЛА ВА ШАРШАРАЛАР		Сув қурилмаси томошаси–сувнинг оқ ёғдусидан завқланиш ва боғ муҳитида мос микроклим яратиш	Поғонали боғларда
5	ЧАДАР		Сув қурилмаси томошаси–сувнинг оқ ёғдусидан завқланиш хиссиётини туғдириш ва муҳитда мос микроклим яратиш	Поғонали боғларда
6	ЧИННИ–ХАНА		Инсон қалбини завқлантириши ва ландшафтда табиий микроклими яратиш	Поғонали боғларда
7	ЧАБУТРА		Инсон қалбига завқ ва ором бериш, очик муҳитда ёқимли микроклим ва дам олиш шароитини яратиш	Сатҳи текис ва поғонали боғларда

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, Амир Темури ва Темурийлар даври, сўнгра

Бобур ва Бобурийлар даври боғ–паркчилик санъатида “Чорбоғ” услуги етакчи мавкени эгаллаган. Чорбоғ бу модулли (микёсий) боғ бўлиб, худудий элементлари бош режавий ўққа нисбатан мунтазам симметрик жойлашган, қисмлари тўрт ва ундан кўп бўлган, бир–бирига тенг “Чорчаман” ва “Чаманлар”дан тузилган, атроф муҳитдан чегараланган тартибли боғдир. Унда кичик модул ролини чаманлар бажарса, катта модул бу чорчамандир. Чорбоғ ўзининг режавий ечимига кўра, инсон тафаккурининг энг олий тасаввуридаги “Жаннат боғи”га хос бўлган холислик назариясига, хандасавий уйғунлик ва модул тизимига асосланган.

Биз кўп йиллар давомида “Чорбоғ” услугидаги тарихий боғларнинг меъморий–ғоявий, ландшафт, боғ худудини ободонлаштириш ва сув қурилмаларининг ечимлари қандай тамойилларга асосланганлигини тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келдик:

- боғ худудини атроф–муҳитдан дарвоза ва деворлар орқали ажратиш;

- боғларнинг меъморий–режавий ва ландшафт ечимини жой рельефига мос тарзда шакллантириш: текис худудларда мунтазам режали симметрик композицияли боғлар яратиш; қияликларда мунтазам режани эркин табиат кўринишдаги режавий ечимлар билан боғлаш;

- ҳар иккала режавий ечимда мунтазам тартибли модулли симметрик чорбоғ, чорчаман, хиёбон ва чорчинор композицияларини қўллаш, нотекис боғ худудини поғоналарга бўлиб текислаш;

- боғларни кўкаламзорлаштиришда манзарали ва мевали дарахтларни қўллаш, боғда очик, ярим очик ва ёпиқ боғ муҳитларини яратиш, меъморий боғни хўжалик боғи билан мувофиқлаштириш, суғориш шаҳобчаларининг мунтазам ва тежамли тартибини белгилаш;

- боғлардаги “яшил дунёни” “сув дунёси” ва “хайвонот дунёси” билан уйғунлаштириш, ҳар бир дунёнинг экзотик турлари ва шакллари билан фойдаланиш;

- боғнинг бош биноси (сарой ёки кўшк)ни табиий ёки сунъий ишланган тагкурси, платформа ёки стилобатга жойлаштириш;

- боғ хиёбонларининг боши ва охири, кесишган жойларини гўзал меъморий композициялар (ҳовуз, фаввора, кўшк, воиш ва шу кабилар) билан безаш;

- хиёбонларни қуёш нуруни эътиборга олиб ўқ томонларига мос ҳолда очик ва ёпиқ композицияларда кўкаламзорлаштириш ва кўпроқ сояли муҳитларни ташкил қилиш;

- боғлардаги сув хавзалари (ҳовузлар, ҳовуз–фавворалар, ариқлар, боғ саройини чор атрофдан ўраб турган каналлар, шалола ва шаршаралар, чодир, чиннихона ва чабутралар)нинг боғ–саройлар ва асосий хиёбонлар марказини ташкил этиши, боғларда “сув ва соя”ни атроф–муҳит, яъни боғ иморатлари архитектураси билан уйғунлаштириш.

Агар биз келажакда Ўрта Осиё халқларининг анъанавий боғ–парк санъатига хос “Чорбоғ” услугига асосланган боғларни яратишда мазкур мақолада келтирилган тамойилларга амал қилсак, уларни тарихий меросимиз ҳисобланган Самарқанд ва бошқа тарихий шаҳарларимиздаги янги боғлар худудларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, меъморий–ландшафт ва семантик ечимларига тадбиқ этсак, ўйлаймизки, яқин келажакда нафақат Темурийлар боғларини қайта тиклашнинг, балки анъанавий ўзбек боғининг меъморий асосларини яратган бўлар эдик.

Адабиётлар:

1. Алимов У., Мадраимов А. Садово–парковое искусство Темуридов и его традиции. // Ўзбекистонда анъанавий боғ ва боғдорчилик санъати “Кеча, бугун ва келажак” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари.–Т., 2016.–С. 3–14.
2. Руи Гонзалес де Клавихо. Самарқандга–Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1046). Рус тилидан Очил Тоғаев таржимаси.–Тошкент, 2010.
3. Уралов А.С., Садикова С.Н. Ўрта Осиё анъанавий “Чорбоғ” услуги ва замонавий боғ–парк санъати.–Тошкент, 2015.
4. Пугаченкова Г.А. Среднеазиатские сады и парки XV века. // Из художественной сокровищницы Среднего Востока.–Ташкент, 1997.
5. Уралов А.С., Хожихонов М. Темурийлар маънавияти ва маданияти.–Самарқанд, 1996.
6. Рахимов К.Д., Уралов А.С. Шарқ мамлакатларининг боғ–парк санъати.–Тошкент, 2014.

УДК 725.945

БУХОРО МЕЪМОРЧИЛИГИДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА АРХИТЕКТУРАВИЙ ЕЧИМЛАР

Салимов О.М., профессор (ТАҚИ); Абдураимов Ш.М. – к.и.х., изланувчи (СамДАҚИ)

Статья посвящена к историко–планировочным развитиям старосложившимся частей города Бухары, рассматривается решение приемов строительных материалов при сооружении жилых домов и общественных зданий.

In this article was written about building materials in the place of residence, building of society and developed historical and planning the city of Bukhara.

Бухоро шаҳри Туркистон заминдаги асосий шаҳарлардан бири бўлиб, шаҳарнинг тарихий маркази унинг катта қисмини эгаллаган. Бир-бирига тутшиб кетган қадимги турар жойлар, кейинроқ вужудга келган мадраса, масжид, савдо бинолари, карвон сарой, дўкон ва бошқа жамоат биноларидан, кўча ва майдонлардан иборат эди. Биноларнинг катта кичиклиги, бир-бирига мос келиб уйғун композицион яхлитлик берган эди. Ҳозирги ҳолатда марказнинг анчагина иморати, айниқса дўкон ва карвонсарой каби биноларнинг бузилиши натижасида аввалги яхлитлик қисман йўқолган.

Шундай экан ҳозир бизгача етиб келган турар биноларни, ёдгорликларни сақлаб ва таъмирлаб, биздан кейинги авлодларга етиб боришига ҳаракат қилиш лозим.

Россияга қўшилгандан кейинги бошланган капиталистик муносабатлар жамиятнинг табақалашув жараёни янада чуқурлаштирди, шаҳарлар ривож ва уларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги ролини кучайтирди. Бу давр савдо ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва фақат Ўрта Осиёнинг турли районлари орасида эмас, балки темир йўл қурилиши натижасида Ўрта Осиё билан Россия орасидаги алоқаларнинг ўсиши ва шаҳар ҳаётининг жадал ўзгариши билан характерланади. Темир йўллар қурилишида шаҳарлар муҳим боғловчи бекатларга айланди. Шаҳарларнинг маъмурий ва маданий марказ сифатидаги роли ҳам ошди. Бу жараён шаҳар аҳолиси сонининг кескин ўсишида намоён бўлади. XIX аср охири XX аср бошларидаги Ўрта Осиё шаҳарларининг аҳоли шаҳарга айланиш давридаги энг қизғин даврни ифодалайди. Бу, Бухоро хонлиги шаҳарларида ҳам намоён бўлади. Уларда бундай бурилиш нисбатан секин тарзда кечган бўлсада, бу даврда бу ерларда ҳам шаҳар ҳаёти ривож анча тез ва ошкор тарзда рўй берди ва XIX аср охирида келиб Бухоро хонлиги шаҳарлари анча гуллаб-яшнади.

Турли муаллифлар тадқиқотлари, шунингдек Бухоро тарихий топографияси шундай хулосага олиб келдики, бу деворлар қурилиши натижасида шаҳар илгари ҳеч қачон эгаллаган катта ҳудудга эга бўлган. XVI асрдаги деворлар қурилиши вақтида қишлоқлардан иборат янги майдонлар шаҳар чегарасига қўшиб берилган. Айнан шу вақтда шаҳар чегарасига Калобод гузаридан шарқдаги, Хиёбон проспектидан ғарбдаги катта майдон қўшилган. Шаҳар

деворларининг XIII асрда монголлар томонидан вайрон этилиши натижасида бу ҳудудлар шаҳар ташқарисига чиқиб қолган. Баъзи шаҳар атрофидаги қишлоқлар девор қурилиши вақтида икки қисмга ажраб қолган, улардан бири шаҳар ичига қирган, бошқаси ундан ташқарида қолган. Шундай қилиб, ташқи ва ички Жуйбар ва Дилкушо (Жуйбари дарун ва Жуйбари берун, Дилкушойи дарун ва Дилкушойи берун) юзага келган.

Шаҳар топографиясида ва унинг алоҳида қисмлари хусусиятида уларнинг шаҳар ҳудудига секин-аста кириш тарихи ва шаҳар қурилиши томонидан эгалланиши ўз ифодасини топган. Кейинги қисмларнинг шаҳар ичига кириб қолганига тўрт юз йилдан кўпроқ вақт бўлган бўлсада, ва бу вақт ичида уларда қурилишлар бунёд этилган, улар қиёфасида бу ҳудуд қишлоқ жойи бўлган вақтдан қолган баъзи хусусиятлар сақланган. Бу хусусиятлар уларни марказий, анча қадимий районлардан тубдан ажратиб туради. Шимоли-шарқий, ғарбий ва жануби-ғарбий чеккаларда шаҳарда ягона бўлган боғлар ва экин ерлари жойлашган. Шарқий гузарларда (Дилкушойи дарун, Кўчабоғ, Жафархўжа) кичик боғларга эга кўплаб хонадонлар бўлган, баъзи жойларда томорқалар бўлган. Боғлар шаҳарнинг ғарбий қисмида ҳам бўлган; бу ерда аслзодаларнинг бир қанча йирик боғлари (чорбоғ) бўлган: амир ҳарамига тегишли Ботурхон боғи; XVIII аср ҳужжатлари бўйича аниқланган Баротбек боғи, ўша вақтларда бу жойлар ҳам ундаги боғ номи билан Чорбоғи Боқихон деб номланган. Бу боғ-парклар шубҳасиз, жуда қадимги, эҳтимол, илгари девор ташқарисида бўлган ва улар қайта қурилганидан кейин шаҳар ҳудудига қирган. Шу ернинг ўзида, Шаргирон дарвозаларига олиб борувчи йўлдан шимолда жойлашган гузарларда кичик ўлчамдаги боғлар бўлган, уларнинг эгалари бой савдогарлар бўлган. Шаҳарнинг Кунжи қалъа ("Қалъа бурчаги") деб номланувчи жануби-ғарбий бурчаги ҳайдалган ерлар, узумзорлар, экинзорлар билан эгалланган. Ғарбий деворга туташ, Сорвоно гузаридан бўш ерлар бўлиб, у ерда амирга тегишли туялар боқилган.

Бу иш шу жой аҳолисининг мажбурияти ва касб-кори бўлган, бу, жойнинг номидан ҳам кўриниб турибди (сарвоно - туялар подачиси, сарбон).

Шаҳарнинг ушбу қисми хусусиятларидан бири, бу ердаги уйлар марказий районлардаги-

лардан анча катта. Бу уйларнинг баъзилари ғазнага (хоназойи пошохи) тегишли бўлган. Худуднинг бу янги қисмида жойлашган хусусий ҳовлилар майдони жиҳатидан катта бўлган, баъзида у ерда Бухорода камдан кам ўсадиган дарахтлар ҳам ўсган.

Марказга яқин бўлган сари, шаҳар аҳолиси зичлиги ортган, шаҳристоннинг қадимги қисмида юқори даражага эришган. Шаҳристон худудидаги катта ҳовлиларда аҳоли зич бўлган, негаки мероснинг кўп маротаба бўлиниши натижасида уларнинг ҳар бирига бир қанча қариндош оилалар жойлашган. Мисол сифатида гузарда яшовчилардан бири Дегрез-Ахъёр Ахроровнинг (1950 йилда вафот этган) ҳовлисини келтириш мумкин. Уйда Ахроров оиласи икки хонада, шимолга қараган қишки, жанубга қараган ёзги хоналарда яшаган. Ёзги уйга дастлаб Ахроровнинг амакиваччасига, кейин унинг бевасига, вафотидан сўнг уларнинг ўғилларига тегишли бўлган хона туташган. Ахъёр Ахроровнинг эри билан отасиникида яшайдиган катта кизи учун кўчага олиб чиқувчи йўлак устига суфага (баланд майдонча) чиқиш йўлига эга хона қурилган. Қишки хона олдида бу ерда яшовчи оила аъзоларига хизмат кўрсатувчи кўхна вазифасини ўтовчи соябон жойлашган. Ёзги хоналар олдидаги ғишт билан кўтарилган баланд майдонча ва дарвоза олдидаги ингичка йўлакдан ташқари бу ҳовлида ҳеч қандай бўш жой йўқ.

Қадимги шаҳристон худудидаги аҳоли зичлиги тагин шунинг учун ҳам ортганки, доимий халқ йиғилиб турадиган савдо қаторларининг кўпи шу ерда. Шаҳарнинг бу қисмида дарахтлар деярли умуман бўлмаган. Фақат бир қанча масжидлар ҳовлисида, кўпинча тут ўсган. Дарахтлар шунингдек шаҳарнинг шу қисмида жойлашган ҳовузлар бўйида бўлган.

Ўзига регистонни киритган ҳолда рабоднинг анча қадимги қисми худуди ҳам ўзига хос жиҳатларга эга бўлган. Бу ерда ҳам турар жойлар зич жойлашган, аммо уйлар орасида кўпгина ҳовузлар бўлган ва улар орасида шаҳарнинг йирик ҳовузлари: Хўжа Зайниддин (Бухородаги қадимги ҳовузлардан бири), Девонбеги, Гаукушон ҳовузлари ва бошқа, қулай микроклим яратишда катта роль ўйнаган ҳовузлар бўлган. Уларнинг кирғоғида бирмунча салқин берувчи дарахтлар бўлган. Бу жиҳатдан айниқса Девонбеги ҳовузи машҳур бўлган, Лабиховуз номи билан танилган атроф жойлари бухороликларнинг сеvimли дам олиш жойи бўлган. Шаҳарнинг бу қисмидан Шохруд канали оқиб ўтган. Унинг юзага чиқиш жойида (Гаукушон мадрасаси олдида), ҳамда унинг

очиқ шимоли-ғарбий қисмида дарахтлар ўсган. Дарахтлар шаҳарнинг баъзи кўчаларида ҳам бўлган, улардан бири шундай алоҳида белгиси сабабли ҳам Қуйи дарахт номини олган, бу ном XVI асрдан маълум бўлган. Шаҳарнинг шу қисмида бир қанча майдонлар бўлган ва улар орасида улкан Регистон майдони жойлашган.

XIX аср охири XX аср бошларида шаҳарни қисмларга бўлинишининг асосий, ягона шакли, бу маҳаллаларга бўлиниши бўлган. Аммо анча йирик қисмларга бўлиниши ва қадимги бўлинишининг асоратлари ҳам сақланган.

Бухоро анча илгарийек қадимги бўлиниш аниқлигини йўқотган. Шаҳар маъмурий тузилишида бошқа шаҳарларга, масалан, Тошкентга (у ерда ҳар бир қисм алоҳида бошқарувчи - мингбоши билан бошқарилган ва ўз хазинасига эга бўлган) хос ўша аниқлик билан намоён бўлмаган Бухоронинг қисмларга бўлиниши аҳоли онгида ҳам таассурот қолдирмаган. Аммо алоҳида эскича турмуш тарзи кўринишлари тахлили Бухорода ҳам қадим ўтмишга бориб тақалувчи икки, тўрт қисмга бўлиниш анъанаси бўлганлигини тасдиқлайди.

Аммо Бухорода, асрлар оша бир жойнинг ўзида ривожланувчи бу қадим бўлиниш анча кечки феодал шаҳар ривожини билан боғлиқ, уни ўраб турган рабодлар ўсиши жараёнида беркилиб турган. Рабодлар шаҳар маркази атрофида марказлашган доира шаклида жойлашгани сабабли, бўлинишининг бу турини доиравий, деб белгилаш мумкин. Доиравий бўлиниш, масалан, фақат XIV асрдагина феодал шаҳри сифатида пайдо бўлган Қарши шаҳрига хос бўлган. Бундай бўлиниш Бухоро учун ҳам характерли. Анча илгарийек даврларда- XII асрда турли вақтларда пайдо бўлган шаҳар қисмлари деворларнинг икки қатори билан ўралган ҳолда ифодаланган. XVI асрдан бошлаб, охириги шаҳар девори қурилишидан сўнг, шаҳарнинг бу тузилиши эски девор билан ўралган худудларнинг (хисори қадим), ва янги девор билан ўралган, эски девор ташқарисида ётган худуднинг (беруни хисори қадим) ажратилишида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шаҳарнинг бундай бўлинганлиги ҳақидаги хотира замонавий бухороликларда шаҳар марказий қисми “ички шаҳар” (шаҳри дарун) бўлган деган тасаввурда сақланган.

Шаҳарга турли районлар киритилиш вақтининг турличалиги шаҳарликлар онгида Бухоро аҳолисининг шаҳристонликлар, регистонликлар, қалабодликлар ва жуйбариларга бўлиниши билан боғланиб кетади. Бунда шундай ажратишади: шаҳристон - шаҳарнинг энг қадимги қисми; регистон- рабодни ўраб турган

энг илгариги девор қурилишида шаҳарга киритилган район; Калобод райони - шаҳарга X-XII асрларда кирган; Жуйбор райони - шаҳарга фақат XVI аср охирида киритилган. Шундай қилиб, бу бўлиниш шаҳарнинг феодали даври ривожига жараёнини акс эттирган; у шаҳарнинг қадимги, кўчалар тўғри чизиқлари билан икки-тўрт қисмга бўлиниши билан боғлиқ эмас. Аммо Бухоронинг тўртга бўлиниш анъанасининг ўзи шубҳасиз жуда қадимий. Бунга бизни бошқа шаҳарлар билан ўхшашликлар ва Бухоронинг тўрт қисмга бўлинишининг ўзи ҳам синфий жамият даврига бориб тақалувчи шаҳарнинг турли қисми аҳолиси ўртасида рақобат каби қадим анъана билан боғлиқлигини тасдиқлайди.

Бухоронинг қадимий меъморчилигини экологик нуқтаи назардан таҳлил этиш ғоят қизиқарли. Тош ва пишик ғиштли обидалар чекланган бўлиб, қурилиш материали сифатида биринчи навбатда тупроқдан фойдаланиб келинган. Бухоро ҳудудининг иқлими қурғоқчил, деярли саҳро зонасида жойлашган, кескин континентал иқлим ҳукм суради. Ёзда ҳарорат 50 даража иссиқ, қишда эса 15 даража совуқни ташкил этади. Ёғин - сочин жуда кам бўлиб йилда 300 кундан ортиқ қуёшли кун ҳукм суради. Ёмғирли давлар қисқа, аммо сел ва талатасур тарзда намоеън бўлади.

Жамоат бинолари (саройлар, мактаблар, масжид ва миноралар ва ҳ.к.) пишик ғишдан барпо бўлган. Анъанавий ғишлардан (1850 йилгача) шаҳарнинг асосий майдонидаги биноларда фойдаланилган бўлиб улар (25x25x4.5 см) ўлчамга эга, кейинчалик XIX аср охири ва XX аср бошларида барпо этилган бинолар Роман ғишларидан бунёд бўлган. Устки қатлами тарошланган тошдан қопланган, шу жумладан айвонлар ва гумбазлар биноларнинг асосий деворлари ғишдан терилган.

Хом ғишдан барпо этилган биноларнинг деразалари, панжаралари ҳам лойдан ясалган, бундай тупроқдан бўлган материаллардан кенг фойдаланилган бўлиб, уй ичига ҳаво кириб чиқиши, ёруғлик билан таъминланиши амалга оширилган ва уй-жойнинг дахлсизлиги таъминланган. Бухорода рус протекторанти (подшо Николай II) даври бошланиши билан тўғри тўртбурчак шаклидаги ғишлар ўрин эгаллай бошлаган (12x24x6 см), кейин эса совет даврида (1920 йил) турли модулдаги ғишлардан фойдаланила бошланган.

Хусусий уйлар ёғоч материалдан синчли бўлиб, синчлар орасига хом ғишт ёки гувала териб боғловчи материал сифатида лойдан фойдаланилган. Сўнг усти тупроқ, кум ва со-

мондан иборат лой аралашма билан сувалган.

Биноларнинг олд томони, гумбазлар асосий эътиборга молик бинолар (масжид, мадрасалар) сирланган ғишлар ва геометрик бошқа миллий нақшлар ишланган сопол мозаикалардан барпо қилинган. Ушбу сопол санъати барча ислом меъморчилиги учун умумийдир. Қадимги даврлардан бошлаб сирланган ғишт технологиясининг қўлланилишида форс меъморчилиги таъсири сезила бошлаган, Суздаги подшо Доро саройининг машхур барельефларидаги элементлар ҳам шу жумладандир.

Бухоро усталарининг сопол буюмларидаги ранг жилоларини ҳосил қилиш учун, махсус тупроқли хом ашё, маъданлар ва маълум ишқор ҳосил қилувчи ўсимликларга мурожаат этишга тўғри келади. Сирнинг асосини шиша ҳосил қилувчи рангли материаллар ташкил қилиб, улар материалга сув ўтказмаслик ва ялтироқлик, жилоланиш хусусиятини беради. Масалан, кўк - мовий ранг ҳосил қилувчи материаллардан Лазурит кенг қўлланилган.

Қоришмалар ва сувоқлар. Анъанавий бинолардаги сувоқлар гипсининг тупроқ ёки кумли аралашмасидан бажарилган. Махсус гипс бўлмиш “ганч” дан биноларнинг ички деворларини сувашда фойдаланилган. Ганч алебастрни паст ҳароратда (260°C) қиздириш йўли орқали олинган.

Ганч сувоқ бир неча афзалликларга эга. У биноларни зилзила вақтида унга бўлган қаршилигини оширади ва тез ёрилиб кетмайди, унинг эластиклик хусусияти мавжуддир. Аммо ушбу гигроскопик материал хаддан ташқари сувли яъни нам муҳитга чидамайди.

Қурилиш ва архитектуравий ечимлар. Пахса ва синчли турар жой бинолари асосан тупроқ ва ёғочдан иборат бўлиб устки қисми сомон сувоқ билан сувалган. Деворларнинг асоси, яъни пойдевори ёғочдан бўлган текис тагсинч бўлиб у горизонтал тарзда қамиш ва сомон устига ётқизилган. Ушбу тарзда жиҳозланиши икки мақсадни кўзлаган: биринчидан қамиш ёғочни намликдан химоя қилган, сомон эса ост синчга зилзила вақтида эластик ост ёстиқ вазифасини ўтаган. Бухоро ҳудуди тез-тез содир бўлиб турувчи зилзилаларга учрайди ва уларнинг ер ости ўчоқлари Бухоро шаҳрига яқиндир.

Анъанавий уйларда бир нечта ичкари-ташқари ховлилар барпо қилинган ва улар ёз шароитларида ўтириш қулай ва салқин айвонлар билан жиҳозланган. Томлар горизонтал тарзда текис қилиб ишланган. Улар тупроқ, кум ва сомон аралашмасидан иборат лойсувоқ билан сувалган. Улардан уйга сув оқиб туш-

маслиги таъминланган. Худди шундай лойсувоқ билан уйларнинг девори сувалган. Бу ишлар томсувоқчилар ва деворсувоқчи усталар томонидан бажарилган. Шундай қилиб, кейинчалик анъанавий лой томли уйлар устига тунука томлар жиҳозланган (бу кўпгина мамлакатларда кузатилади). Бу шаҳарнинг тарихий ва эстетик кўринишини ўзгартиради. Худди шундай тарзда янги қурилаётган уйларнинг олд томонлари одатга кўра ғиштли қоплама (санатга оид) ёки бетон блоклардан бўлган қоплама билан қайта қуриляпти.

Бухоро ўзининг узоқ тарихи давомида фаол қурилиш ва қайта қурилишнинг бир неча босқичини бошдан кечирди. Қадимги давр иншоотлари замонлар ўтиши билан вайроналиклар ва янги қурилишлар остида қолиб кўп асрли маданий қатламлар билан қопланган.

Милоднинг биринчи асрларидаёқ Бухоронинг асосий ўзак қисмининг атрофи қалин девор билан ўралган. Девор йирик-йирик хом ғиштдан, баъзи қисмлари пахсадан кўтарилган. Бухоро воҳасида ўтказилган археологик қазишмалар милоддан аввалги ва кейинги биринчи асрлардаги Бухоро меъморчилиги ҳақида бир қадар тасаввур беради. Масалан, Қизилқир харобаларида йирик турар жой биноси қазиб очилди. Квадрат шаклдаги марказий зал атрофи тўғри бурчакли хоналар билан ўралган.

Сарталак- I тепалигида эса гумбази қисман сақланиб қолган бино очилди. Унда хайвонот суяклари кўмилган ўтхона мавжудлиги бу бинонинг оловга сиғиниш-зардуштийлик билан боғлиқ ибодатхона бўлганлигидан далолат беради.

Меъморчилик тараққиёти VI-VII асрлар Бухоро Суғди обидаларида яққол акс этган. Ўша давр шаҳарлари унчалик катта бўлмаса-да, улардаги турмуш тарзи юксак бўлган. Бу жиҳатдан ҳам Бухоро ўзига хосдир. Унинг дастлабки антик давр ўзаги вайрона холга келган қалъа деворлари колдиклари устига урилган янги истехком билан ўралди ҳамда илгариги қалъа-кўхандиз Аркка – шаҳ ўрдасига айлантирилди. Унга кираверишда кенг майдон – Регистон барпо этилди, унинг атрофида шаҳарнинг ўзи – шаҳристон шаклланди. Аркда мудофаа иншоотлари ва аслаҳоналардан ташқари, девонхона, хазина, қамоқхона жойлашган. VII асрда бухорохудот Бидун барпо қилган сарой композиция марказини ташкил этган. Сарой, чамаси, анча олдинги юшоқ қатламлар тўшалмаси устида қурилганлиги сабабли бўлса керак бир неча бор бузилган; ниҳоят, қатлам остига, Наршахийнинг ёзишича, “тарҳига кўра Катта Айиқ юлдузини эслатувчи” мустаҳкам қозикоёқлар қўйилгач, сарой бежавотир бўлган ва XII асргача сақланиб келган.

УДК: 72.03

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МЕЪМОРЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ (ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)

Маматмусаев Т.Ш., арх.ф.н.; Саидов М.С., доцент (ТАҚИ).

Статья посвящается вопросам развития туризма в Узбекистане, где рассматриваются использование национальных традиций в реконструкции исторических городов.

The article is about development of tourism in Uzbekistan, where shows the usage of national traditions in construction ancient cities.

Қадимдан Ўзбекистоннинг тарихий-меъморий обидалари ва уларнинг архитектураси кўплаб туристларни ўзига жалб этиб келади. Юнесконинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари айниқса юртимиз меҳмонларида катта қизиқиш уйғотади. Ушбу шаҳарлар туристик саёҳатчилик учун архитектура мажмуалари жуда қулай жойлашган ҳудуд ҳисобланади.

Лекин юртимизда жойлашган 4 мингдан ортиқ обидаларнинг 70% дан ортиғи сайёҳлик марказларининг чегарасидан ташқарида жойлашган. Натижада Ўзбекистоннинг диққатга

сазovor жойларининг кўпчилиги ушбу ҳудудларда туризм инфратузилмаси яхши ривожланмаганлиги сабабли сайёҳлик маршрутларини ташкиллаштиришда назардан четда қолиб кетмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш юзасидан бир қанча самарали ишлар олиб борилмоқда. 2016 йилнинг 2 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4861 – сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда мамлакат иқтисодиётининг страте-

гик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш мақсадида ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини - зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, кишлок, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмни, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ва бошқа шу қабилар. Шунингдек туризм фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО), хорижий мамлакатларнинг туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлари - туризм хизматлари минтақавий ва жаҳон бозорларининг фаол иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида тартибга солувчи универсал халқаро конвенциялар ва битимлардаги иштироки, туризм фаолияти амалиётига халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни жорий этиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Фармонга кўра тугатилаётган “Ўзбектуризм” Миллий компанияси негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди ва ушбу қўмита туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланди [1].

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам туризм соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб берилган. Ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини, шунингдек 2017-2021 йилларда Концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар Дастурини ҳамда “Туризм тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш, янги туристик маршрутларни яратиш, туризмнинг

замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибадорлигини кучайтириш, кекса авлод вакиллари ҳамда «Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, «Саҳоват» уйларида яшовчи яқка ёлғиз қариялар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун юртимиздаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжоларга бепул саёҳатлар уюштириш каби амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар шулар жумласидандир [2].

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) маълумотларига кўра, Ўзбекистон сайёҳликдан даромад кўрувчи давлатлар ўртасида 150-ўринни эгаллаб турибди. Шунингдек, Ўзбекистон ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМ шаклланишидаги улуши бўйича 115, инвестициялардан фойдаланиш бўйича 103 ва соҳада бандлар сони бўйича 69-ўринни банд этиб турибди. Республика ичида аҳолининг 5,6 фоизигина саёҳат қилади [4]. Бу жуда ҳам камдир албатта.

Тарихий Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида туристик имкониятлар анча катта бўлиб, ушбу ҳудудларда бугунги кунда туризм соҳаси етарли даражада ривожланган. Бу ерда архитектура ёдгорликлари бир-бирига анча яқин жойлашган. Шу сабабли бу шаҳарларда туристик маршрутларни тузиш катта қийинчиликларни келтириб чиқармайди.

Лекин меъморий обидалари бир-биридан узоқроқ жойлашган ҳудудларда туристик маршрутларни тузиш бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли ушбу жойларда туризм инфратузилмасини янада шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида бошқа туризм объектлари (музей, дам олиш масканлари, ҳунармандчилик устахоналари, шарқона бозорлар, спорт соғломлаштириш масканлари ва бошқалар)ни ҳам жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида кўплаб археологик ёдгорликлар мавжуд бўлиб, улардан туризм соҳасини янада ривожлантиришда фойдаланиш масаласи ҳам ниҳоятда долзарбдир. Ўзбекистон жуда бой туристик имкониятлар мамлақати. Фақатгина ушбу имкониятлардан тўғри, оқилона ва самарали фойдаланиш бугунги куннинг энг муҳим талабларидан биридир.

Сайёҳлар оқимининг кўпайиши жойларда яратилган шароит ва ҳавфсизликга бевосита боғлиқдир. Агар бизнинг яхши туристик объектларимиз ёки жойларимиз мавжуд бўлиб, у ерда зарур ва қулай инфратузилма (меҳмонхона, савдо дўконлари, овқатланиш масканлари, заруратхоналар)ни шакллантирмасак, ушбу

худудда туризм соҳасини ривожлантириш амри маҳолдир.

Ҳозирда Ўзбекистон архитектура ва археология ёдгорликларининг маданий, тарихий-меъморий қийматини инобатга олиб, тарихий меросдан фойдаланишнинг энг муҳим қоидалари ишлаб чиқилган:

- ёдгорликларни максимал даражада ўз ҳолича сақлаш;

- иншоотга бериладиган янги вазифани унинг тарихан шаклланган вазифасига яқинлаштириш;

- ёдгорлик ва сайёҳнинг бевосита мулоқоти учун қулай муҳит яратиш, яъни бу худудларда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш;


- тарихий ёдгорликлар анъаналарининг изчиллигини таъминлаш;

- реклама, тарғибот ва ташвиқот ишларини кенг олиб бориш.

Юқорида айтиб ўтилганидек, энг аввало алоҳида тарихий ёдгорликлар ва мажмуалардан фойдаланиш хусусиятини аниқлаб олиш зарур. Яъни улар музей ёки тарихий экспонат сифатида фаолият кўрсатадими, ёки уларни маданий-маърифий, туристик ва шу каби мақсадлар учун мослаштириш мақсадга мувофиқми.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида мавжуд тарихий ёдгорликларни жойида чуқурроқ ўрганиш, уларни сақлаш, туристик объектлар сонини ва сифатини ошириш, туристик инфратузилмани замонавий талаблар асосида ривожлантириш, соҳага малакали мутахассисларни тайёрлаш ва энг мақбул туристик маршрутлар схемасини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир.

Тарихий ва замонавий шаҳарларда эса туристик маршрутларга нафақат тарихий монументал объектларни, шунингдек мукамал архитектуравий ечимга эга бўлган замонавий бинолар, маҳалла масжидлари, йирик майдонлар, тематик боғлар, тарихий маҳаллалар, турли хил музейлар, спорт иншоотлари, йирик ишлаб чиқариш бинолари ҳамда бошқа диққатга сазовор жойларни ҳам киритиш яхши самара бериши мумкин. Шунингдек тарихий маҳаллаларда анъанавий архитектура услубларига эга намунавий кўчаларни, намунавий турар уйларни яратиш (1-расм), шарқона кўчабозорлар (2-расм), очиқ майдонларда турли хил миллий ва анъанавий халқ ўйинларини ташкил этиш ҳам туризм имкониятларини бир мунча оширишга ёрдам беради.



1-расм. Тошкентдаги Зарқайнар кўчасини қайта қуриш лойиҳа таклифи (арх. Т.Нурулин бўйича, ТАҚИ)



2-расм. Тошкентнинг Қумлоқ маҳалла маҳалла гузари ҳудудида савдо-хунармандчилик қаторини тиклаш лойиҳа таклифи (арх. Ж.Дилмухамедовнинг малакавий битирув иши, ТАҚИ)

Туристик маршрут йўналишларининг турли-туманлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Нафақат тарихий-меъморий ёки археология ёдгорликлари маршрути, шунингдек музей бинолари, замонавий бинолар, спорт соғломлаштириш иншоотлари, бозор иншоотлари, дам олиш масканлари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари каби маршрутларни ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861 – сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 – сонли фармони.
3. Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т.: 1996 й.
4. www.gazeta.uz.

УДК.725.945.72.025.5.

ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ УСУЛЛАРИ

Джумакулов Ф.У.–ассистент (СамДАҚИ)

В статье рассматривается актуальность проектирования и реконструкции исторических городов Узбекистана. Авторы дают методы разработки и определение их градостроительной структуры, характеризуют объемно-планировочные решения и их функциональную значимость. Даны рекомендации по восстановлению и реконструкции исторических городов Узбекистана.

In article the relevance of design and reconstruction of the historical cities of Uzbekistan is considered authors give methods of development and definition of their town planning structure, characterize capacity-planning solutions and their functional importance. Recommendations about restoration and reconstruction of the historical cities of Uzbekistan are made. In article the relevance of design and reconstruction of the historical cities of Uzbekistan is considered in article is considered the relevance

Тарихий шаҳар марказларини қайта тиклашда асосий йўналиш-бу, энг аввало, маданият ёдгорликларига эҳтиёткор муносабатда бўлган ҳолда. Қадимий шаҳар марказларини сақлаш ва қайта тиклашда уч асосий муаммо муҳим аҳамиятга:

- композиция асосий доминантларининг фазовий аҳамиятини сақлаш;
- турар жойлар маҳалларини қайта тиклаш ва замонавийлаштириш;
- кўча тизимини бугунги давр шаҳари талабларига мослаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, шакланган тузилиш элементлари: маъмурий ва ижтимоий бинолар, савдо ва томоша муассасалари, хизмат

кўрсатиш корхоналари, меъморий ёдгорликлар ва уларнинг муҳофаза ҳудудларини ташкил этиш шаҳарнинг функционал асосини белгилаб беради. Бундан ташқари, тарихий шаҳар марказларини қайта тиклашда қатор шаҳарсозлик, меъморчилик, бадиий ва ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳал этилади.

Режалаштиришда қатъий функционал зоналаштириш асосий вазифа ҳисобланади, дахлсиз зоналарда транспорт олиб ташланади, чунки транспорт меъморий ёдгорликларга салбий таъсир кўрсатади. Шаҳарларнинг тарихан юзага келган меъморий-бадиий қиёфасини сақлаш мақсадида ва ёдгорликларнинг яхши идрок қилиниши ҳамда фаолият кўрсатиши учун

қулай шароит яратиш мақсадида муҳофаза ҳудудларини ташкил этиш тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Тарихан юзага келган мажмуани сақлаш ва қайта тикланаётган шаҳар маркази ривожини таъминлашда режалаш лойиҳасини ишлаб чиқиш давомида юзага келувчи мураккаб ва зиддиятли вазифалардан иборат муаммолар мавжуд. Дунё амалиётида айнан баркамолликка эришган бебаҳо тарихий марказий шаҳар мажмуаларини бузиб ташлаш ҳоллари кўп бўлган. Юз йиллар давомида асосан XX аср пиёдалар йўллари негизида шаклланган тарихий марказлар автомобиль транспортига (кўп ҳолларда катта тезликликдаги ҳаракат ва юк миқдори ҳамда машиналар сонининг ортиши) мослашишга мажбур бўлади. Тарихий ва меъморий жиҳатдан қимматли бинолар турар жойларнинг замонавий талабларига жавоб бера олмаганлигидан ва марказнинг маданий-маиший ҳамда маъмурий вазифаларининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда замонавий, одатдагидек шаклланган мажмуаларни бузувчи биноларга жой бўшатиб беришга мажбур бўлади.

Тарихий марказларга замонавий вазифаларнинг кириб боришини чеклашга йўналтирилган турли маъмурий ва режаланган тадбирлари (ҳимоя зоналарини яратиш, уларда янги қурилишларни таъқиқлаш, транзит ҳаракатни йўқотиш мақсадида марказларга транспорт халқа йўллари олиб кириш ва шу кабилар) одатда ўз сунъийлигини ошқор қилиб қўяди. Бу энг аввало шу билан тушунтириладики, кўп ҳолларда тарихий марказлар бир вақтнинг ўзида шаҳарларнинг геометрик маркази бўлиб ҳам ҳисобланади, яъни умумшаҳар муассасаларини жойлаштириш учун, шунингдек аҳолининг меҳнаткаш ва маданий-маиший оқимининг ялпи кесишуви учун (агар транспорт бўлмаса, пиёда) энг афзал ва қулай жой. Шаҳар қурилишлари (асосан турар жойлар марказларининг тарихан шаклланган туташганлиги) шунингдек, уларнинг кенгайишини ҳаддан ташқари қийинлаштиради. Юзага келган танглик ҳолати шаҳарнинг янги маъмурий-ижтимоий марказини замонавий шаҳар чеккасида (масалан, Санкт Петербург, Таллинда) ёки шаҳарнинг бош режасини яратишда тарихий марказни ривожлантириш имкониятини таъминлаш мақсадида чора излашга мажбур қилади.

Таърифи келтирилган вазият энг аввало ривожланган (XX аср бошларида) Европа шаҳарлари учун хос. Осиёнинг тарихан шаклланган марказларига келсак, жумладан Ўзбекистонда, бундай танг ҳолат ҳали юзага келмаган. Бу маънода Бухоро шаҳри ажралиб туради - тарихан шаклланган такрорланмас мажмуали йирик сайёҳлик маркази. Шу билан

бирга йирик перспектив такомиллашган вилоят маркази.

Бухоронинг тарихий ўзаги ҳозирги вақтда шаҳар ҳудудининг 20 фоизга яқинини эгаллайди: ижтимоий хизмат кўрсатиш ва маъмурий муассасаларнинг 90 фоиз корхонаси тарихий ўзак чегарасида асосан маънавий эскирган иншоотларда жойлашган.

Капитал турар жой ва ижтимоий қурилиш ҳозирги вақтда шаҳарнинг жанубий ва жануби-шарқий қисмларида олиб бориляпти. Тарихий ўзакнинг ғарбий, шимолий ва қисман шарқий томонидан маҳаллий турдаги хом ғиштдан қурилган турар жой биноларининг кичик участкалари мавжуд, ҳозирги кунгача улар маълум маънода эскирган. Умуман шаҳарнинг 56,8% турар жой фондиди бир қаватли бинолар ташкил қилади (кўплари маҳаллий турдаги сомонли лойдан қурилган), 2,3,4 қаватли капитал турар жой фонди асосан шаҳарнинг жануби-шарқий ва жанубий қисмларида. Пассажир темир йўл магистрали замонавий шаҳар ҳудудидан ташқарида, тарихий ўзакдан 6-7 км масофадан ўтади. Шаҳарни ўраб турган ҳудуд инженер-геологик ва табиий-ландшафт хусусиятлари бўйича нисбатан тенг қийматли. Шаҳарда ва унинг яқинида йирик сув ҳавзалари йўқ. Бухоронинг мавжуд ҳолати таҳлили шаҳарнинг фақат жанубий ва жануби-шарқий қисмларидаги турар жой ва жамоат объектларининг ва қисман бу районларнинг транспорт тизими мустақамлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Марказни ғарб, шимол ва шарқ томондан ўраб турувчи районлар эса тўлиқ реконструкцияни ёки яқин йилларда бузиб ташлашни талаб қилади. Натижада шуни айтиш мумкинки, шаҳарнинг тарихий ўзаги замонавий вазиятда энг қизиқ кўриш нуқталари бўлган ғарбий, шимолий ва шарқий томондан “очиқ”. Тарихан қимматли қурилишларнинг айнан қисман “очиқлиги”, чамаси, Бухоронинг илгаригидан шаклланган Ўрта Осиё шаҳарлари учун типик намуналигини белгилайди. Аммо бундай ўзига хосликка қарамай, охириги шаҳар планировка лойиҳасида тарихий марказ атрофдан турар жой ва хатто саноат бинолари билан ўралган. Бунда шаҳар планировка тузилиши радиал-концентрикка яқин (тарихий ўзакка нисбатан шимолга сурилган марказ билан) хусусият касб этади. Ривожланган Европа тарихий шаҳар марказларини қайта тиклаш учун бундай типик усул яқин келажакдаги ривожланишда (тарихий марказ атрофи ўралсада, ва унда маъмурий-ижтимоий бинолар қурилиши бош режа бўйича рухсат этилмайди) мажмуанинг секин-аста вайрон бўлишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари вилоят марказида фан, билим, маънавий фаолият, ижтимоий хизмат кўрсатиш би-

лан банд аҳоли кўпаяди. Бу каби муассасалар асосан шаҳар марказида жойлашади. Шунингдек ҳозирги вақтда тарихий зонага келувчи шаҳар марказида, айниқса тарихий зонада сайёҳлар оқимининг кўплигини инobatга олиш керак, бунда транспорт ва пиёдалар тигизлиги юзага келиши мумкин.

Юзага келган вазиятда тарихий марказга келатган сайёҳлар оқимларини ҳам ишчи, ҳам маданий-маиший шаҳар замонавий марказига ажратиш имконини берувчи усулларни энг оптимал деб ҳисоблаш мумкин. Бунда сайёҳларнинг келадиган асосий пунктларини (Бухорода вокзал ва автостанция) махсус магистраллар орқали тарихий зона билан боғлаш мақсадга мувофиқ. Бу боғланишлар районларида меҳмонхоналар, кемпинглар, дам олиш зоналари ва сайёҳлар оқимига хизмат кўрсатувчи бошқа муассасаларни жойлаштириш керак. Агар шаҳарнинг тарихан шаклланган ўзаги унинг таркибига шаҳар райони сифатида кирса, бу район аҳолиси учун (ҳозирги вақтда шаҳар аҳолисининг катта фоизини ташкил қилувчи) турмуш шароитлари анча энгил таъминланиши мумкин.

Бухорони эски шаҳар қисмини қайта тиклашни назарда тутсак тарихий мараказнинг очиклиги туфайли асосли бўлиши мумкин. Лойиҳа таклифида Бухородаги вазият учун, маълум маънода юқорида қайд этилган талабларни қондирувчи режавий тузилишининг шартли схемалари ишлаб чиқилиши лозим.

Ўрта - селитеб худудлар тўғри бурчакли транспорт структурасига эга ва тарихий худуднинг жанубий томонидан ғарбий йўналишда ривожланиб боради. Янги маъмурий-ижтимоий марказ селитеб зонанинг марказий қисмида шаклланади ва ғарбий йўналишда ривожланиши мумкин. Тарихий зона шаҳарнинг шимолӣ қисмида чекка ҳолатни олади ва вокзал ҳамда бошқа худудлар билан янги марказни кесиб ўтувчи режада ёй шаклидаги транспорт магистралли орқали боғланади. Бу магистраль бўйлаб асосий сайёҳлик оқимларини йўналтириш таклиф этилиши лозим. Тарихий ўзак шимолӣ-ғарбий томонидан сайёҳлик - шаҳар аҳамиятидаги дам олиш зонаси шаклланади, у ерда сайёҳлик базалари жойлаштирилиши мумкин, чунки бу зона худудида Бухоронинг эски шаҳар манзараси яхши кўринадиган

нуқталар мавжуд. Схема шаҳарнинг сайёҳлик функцияларидан ишчи ва маданий-маиший функцияларни тўлиқ ажратишни таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида тарихий зона шаҳар марказлари билан қулай боғланади.

Хулоса. Ҳозирги вақтда Бухоро тарихий шаҳрида марказий ўзак сақланган, у алоҳида йўналишлар бўйлаб шаклланипти ва ривожланипти (ғарб ва шимолӣ-шарққа ва марказнинг ривожланиш йўналиши - шимолӣ-ғарбга). Бундай усулнинг қўлланилиши келажакда тезкор хабарни киритиш имкониятини таъминловчи қабул қилинган йўналиш бўйича шаҳарнинг эркин ривожланишини таъминлайди. Тарихий ўзак ва шаҳар темир йўл станцияси билан махсус магистрал орқали боғланади, бу станция жойлашган районда сайёҳларни жойлаштириш тавсия этилади. Бу ҳолатда эски Бухоронинг марказий жойни эгаллашига қарамай, уни қисман парк зонаси билан ўраш мумкин, эски шаҳар атрофидан ўтган янги транспорт магистраллари эса маълум даражада унинг ажралиб туришини таъминлайди.

Ривожланиш имкониятларига эга бўлган янги марказнинг мавжудлиги тарихий ўзакда келажакда маъмурий иншоотлар қуриш заруриятини йўққа чиқаради. Берилган ҳолатда ривожланаётган шаҳарда “статик ўзак”нинг мавжудлиги маълум маънода мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг қатор тарихан шаклланган шаҳарларида (Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон) маълум хусусиятлар (тарихан шаклланган ядронинг очиклиги) қатор муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи, хатто уларнинг юзага келишини бартараф қилувчи ўзига хос режалаштириш йўллари излаб топишни келтириб чиқаради.

Адабиётлар:

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.
2. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». Дарслик. 1-қисм., Тошкент, 2009 й.
3. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси». Ўқув қўлланма, Тошкент, 2015 й.
4. Якуб Вуек. Мифы и утопии архитектуры 20 века. М. Стройиздат, 1990.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА “ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА “КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ” ФАНИ ДАСТУРИ ЁРДАМИДА ИККИ ВА УЧ ЎЛЧАМЛИ ЧИЗМАЛАР ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

Абдумоннонов М., Тўхташов Б. (СамДАҚИ)

В статье высказываются мнения и суждения о проблемах выполнения самостоятельных работ и курсовых проектов, студентами профессионально-ремесленных колледжей, учреждений с использованием программы дисциплины “Компьютерная графика” в процессе обучения курсу “Начертательная геометрия и ин-

женерная графика”.

This article is about the subject of “Descriptive geometry and engineering drawings” and learning it while in the process and using the draft of “Computer drawings” to the students of colleges and doing self-training works, doing drafts by the students and problems are completed in this article.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни тарбиялаб етказиш” тўғрисидаги фармони “Таълим тўғрисидаги” қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётга тадбиқ этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ушбу дастур ҳужжатларида кадрларнинг мамлакатимизни иқтисодий равақ топишини таъминлашда ҳал қилувчи рол ўйнаши ҳисобга олинган.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг қонун қоидаларига амал қилган ҳолда, барча йўналишлар бўйича педагог кадрлар тайёрлашга киришилди. Шу жумладан мутахассис касбий таълим муҳандис-педагоглар тайёрлаш ҳам қўйилган вазифани амалга оширишнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Жамиятнинг тараққиёт даражаси, давримизнинг ахборот асрига айланиши, техникадаги ва қурилишдаги таркибий ўзгаришлар шуни кўрсатадики, ёшларни етук, вазиятни тез баҳолайдиган, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри ва оқилона қарор қабул қила оладиган малакали мутахассис кадрлар қилиб тайёрлаш учун фақат анъанавий услубларга таяниб дарс ўтиш етарли эмас. Бу эса таълим тизимида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланишни талаб этади [1].

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин иқтисодий ислоҳотлар ҳаётга изчил жорий этила бошлади. Чунончи автомобил транспорти ишлаб чиқариш саноати ривожлантирилди. Натижада ҳар хил турдаги бино иншоотлар қурилиши, темир йўл ва автомобил йўлларини қуриш ишлари амалга оширила борилди. Натижада Республикамизда автомобилсозлик, уйсозлик соҳалари яратилиб, мамлакатимиз дунёдаги илғор автомобил ва уйсозлик саноатига эга бўлган давлатлардан бирига айланди [2].

Мамлакатимизда олиб борилаётган техник ва технологик модернизация жараёни кадрларнинг техник саводхонлигига боғлиқдир. Техника ва қурилиш таълим йўналишида таҳсил олаётган ўқувчи талабалар “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанининг назарий ва амалий асосларини қайта кўриб чиқиш орқали ўқув дастурларини замонавий таълим стандартларига мослаштириш муаммоларини ечиш алгоритмлари ва услублари келтирилади.

Маълумки, бино ва иншоот қурилиши, автомобил йўл қурилиши кўп тармоқли бўлиб, қурувчи мутахассисликлари бўйича тармоқланади.

Ушбу мутахассисликларнинг назарий асослари, йўналиши ва конструктор кадрлар тайёрлаш-

нинг асоси бўлган “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанида ўргатилади ва мутахассисликлар бўйича ўқув режалари қуйидаги алгоритмлар асосида яратилган:

— ўқувчи талабаларнинг геометрик ясашларни билишлари лозим бўлган назарий ва амалий машғулотлар;

— фазовий тасаввур қилиш қобилиятларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга ёрдам берувчи ортогонал проекциялаш усуллари;

— қурилиш чизмалари ва лойиҳаларида ишлатиладиган шартликлар ҳамда соддалаштиришлар;

— чизмаларни тузиш, бажариш ва ўқиш қоидалари;

— чизма ва лойиҳаларда меъморий безакларни жойлаштириш қоидалари.

Мазкур мақолада келтирилган мавзуларнинг асоси, қурувчи мутахассислар учун “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанидан машқлар тўплами босқичма-босқич баён этилади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Таълим ва тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини ва уларнинг турмуш тарзини тубдан ўзгартириш мумкин эмас” деган кўрсатмалари асосида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётга тадбиқ этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди [2].

Жамиятнинг тараққиёт даражаси давримизнинг график ахборот асрига айланиши, техника ва қурилишдаги лойиҳа конструкторлик ишларини жадал таълим тизими моделлари асосида бажараётган кадрлар тайёрлаш учун касбий таълим тизимини модернизация қилиш талаб этилади.

Мамлакатимизда таълим тизимини модернизация қилиш қуйидаги услублар ва алгоритмлар ёрдамида бажариш моделларини тавсия этамиз:

— лойиҳа ва конструкторлик ҳужжатларининг назарий асослари бўлган “Графикавий технологиялар” фани тизими йўналишида ўқув дастурларига киритиш;

— касб-ҳунар коллежи талабаларнинг геометрик ясашларни билишлари лозим бўлган машғулотларни киритиш;

— “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси асослари” фанини ўқув дастурларига киритиш орқали ўқувчи талабаларини фазовий тасаввур қилиш қобилиятини ўстириш ва такомиллаштиришга ёрдам берувчи ортогонал проекциялаш усуллари йўналиши;

— ўқувчи талабаларни техник ва давлат стандартларини ўзлаштириш қобилиятини такомиллаштириш учун қурилиш лойиҳа чизмаларини тузишда ишлатиладиган шартлиликлар ва соддалаштиришлар билан таништириш ва ҳоказолар.

Ушбу мавзуларнинг асосини ташкил этувчи

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўргатувчи ўқув қўлланмалар орқали фанни ўзлаштиришлари учун машқлар тўплами орқали босқичма-босқич ўзлаштириш алгоритмлари яратилди. Жаҳон таълим стандартларига мос келувчи “Компьютер графикаси” график дастурлари ёрдамида икки ва уч ўлчамли чизмаларни яратишда Автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими (АЛТ) да Auto CAD, Archi CAD ва 3D max дастурларидан фойдаланиб, бино ва иншоот ҳамда автомобил транспорти йўл қурилиши учун керакли бўладиган барча чизмаларни яратиш ҳамда лойиҳа смета ҳужжатларини бажариш мумкин [5].

Ўқувчи талаба компьютерда қурилиш конструкцияларини ўзаро бир-бирига бириктириш қонуниятини билиши учун компьютер графикаси дастурлари ёрдамида қуйидаги модели ишлатилади.

Бунда чизмага тегишли бўлган параметрларини киритиш йўли билан ҳодиса жараёнлари моделларини тасаввур қилади.

Барча уч ўлчамли объектларнинг геометрик сиртлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ичи бўш ёки тўла бўлиши уларнинг геометриясига таъсир қилмайди [4].

Ҳақиқатдан ҳам сирт деганда силлиқ ва раво эгриликлардан иборат геометрик юза тушунилади, бироқ илм-фанда текислик ҳам сирт деб аталиши, фақат ушбу сиртлар эгрилиги нолга тенг эканлиги исботланган. Бундан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, текислик-текис сирт, кўпёклик эса-ёқли сирт, ёки қиррали сирт деб ҳам аталади. Эгри сирт эса-эгрилиги нолга тенг бўлмайди. Шунинг учун булар эгри сирт деб аталади [6].

Бугунги кунда геометрик моделлаштиришга бўлган эҳтиёж шундан иборатки, компьютерда турли ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш учун фазовий объектларнинг геометрик моделларига тўртинчи, бешинчи ва ҳоказо параметрларни берган ҳолда мураккаб муҳандислик масалаларнинг мақбул ечимларини топиш мумкин. Бундай моделлаштириш компьютерда геометрик моделлаштириш дейилади.

Моделлаштириш асосида автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими (АЛТ) ни яратишда AutoCAD, ArchiCAD ва 3Dmax дастурлари ёрдамида қурилиш жараёнида қурилмаларни бир-бирига таяниши ва бириктирилиши, характерли тугунларни анимация қилиш ҳамда лойиҳаланган бино ва иншоотлар учун кетган барча сарф харажатларни ҳисоблаш спецификация кўринишидаги жадвалларда бажариш мумкин бўлади [7].

Ўқув дастурларини яратилишида ўқувчи талабаларнинг фикр юритиш, тасаввур ҳосил қилиш қобилиятларини ривожлантиришда ёрдам берувчи муҳандислик ва компьютер графикаси фанидан мустақил топшириқларни бажаришлари учун

индивидуал вариантлари яратилади.

Жамият тараққиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган мамлакатлар таълим тизими асосларини ўрганиб, миллий таълим ва тарбия жараёнини янгича яратишни тақозо этади. Ушбу жараёни яратиш учун ёш авлоднинг техник саводхонлик даражасини техника ва қурилиш соҳаларини бошқарув тизимига қўллаш олиши, муҳандислик қобилиятларини такомиллаштириш, техник саводхонлик даражасини модернизация қилишга ёрдам берувчи янги ўқув адабиётлар ёрдамида электрон тизим”ни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Касб-ҳунар коллежларида ўқув фанларини, лойиҳа конструкторлик ҳужжатларини ўрганишга ёрдам берувчи чизма геометрия ва муҳандислик компьютер графикаси асослари тизимини киритиш ва тайёрлаш техника ва қурилиш йўналиши бўйича касб-ҳунар коллежларини график технологиялар тизими орқали модернизация қилиш услубларини яратиш, илмий педагогик ишларни олиб бориш талаб этилади [8], [9].

Яратилган ўқув дастур олий таълим муассасаларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим бераётган ўқитувчи ва педагоглар учун ўқув услубий йўналиши бўлиб хизмат қилиши инobatга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларидан кенг фойдаланиб, анъанавий ўқитиш услубларини қўллаш билан биргаликда ноанъанавий ўқитиш услубларини қўллаб ўқувчи талабаларни техник саводхонлигини ривожлантириш, уларни мустақил равишда техника ва қурилиш соҳаларида ҳеч қандай қийинчиликларсиз барча муаммоларни бартараф этишлари учун имкониятлар яратилишига эришилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 29-август 1997 йил. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил, 9-сон, 225 модда.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т. Ўзбекистон, 1998 йил, 686-бет.
3. И.А.Каримов “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Тошкент. Шарқ, 1997 йил.
4. L.U. Rasul-zade, D.H. Mirhamidov Chizma geometriya. Toshkent, TAQI, 2015 yil
5. M. Abdumonnonov, Qurilish chizmachiligi. O'quv qo'llanma. Samarqand, 2015 yil.
6. Рисхибоев Т. “Компьютер графикаси” ўқув қўлланма. Т. 2006 йил.
7. George Young. “Descriptive geometry”. New York, 2013.
8. <http://koet.srktu.ru/vestnik/2012/2014-4/2/2.html>.
9. <http://www.ziyonet.uz/uz/libraru>.

ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ, БИНО ВА ИНШОТЛАР СТРОИТЕЛЬНЫЕ КОНСТРУКЦИИ, ЗДАНИЯ И СООРУЖЕНИЯ

УДК: 38.3

ОБЪЕМНО-ПЛАНИРОВОЧНЫЕ И КОНСТРУКТИВНЫЕ РЕШЕНИЯ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ ЗДАНИЯ

Тулаков Э.С., д.т.н.; Насреддинов А.Ш. магистрант (СамГАСИ)

Анализ отечественного и зарубежного опыта проектирования и строительства промышленных зданий показывает, что наряду с энергоэффективностью, такие здания обеспечивают требования по современным конкурентоспособным технологическим решениям, по санитарно-техническому обеспечению, обеспечению современных социальных условий для работы и отдыха людей, в том числе для инвалидов.

Analysis of domestic and foreign experience in the design and construction of industrial buildings shows that along with energy efficiency, such buildings provide requirements for modern competitive technological solutions.

Важным требованием является обеспечение экологической безопасности при эксплуатации зданий. Энергосберегающие конструкции зданий, вместе с эффективным сохранением заданного микроклимата в помещениях и снижением ресурсоемкости при их изготовлении, также должны быть экологически безопасными за счет использования новых технологий. Обеспечению экологически чистой среды должны способствовать системы инженерного обеспечения.

Объемно-планировочные и конструктивные решения промышленных зданий, в целях энергосбережения, разрабатываются с учетом:

- оптимальной ориентации зданий по сторонам света, функционального зонирования помещений, в том числе по температурно-влажностным параметрам микроклимата;

- удельного уменьшения объемов и площадей зданий на основе новых унифицированных решений;

- формирования зданий из модулей с учетом последующего блокирования, позволяющего сократить площади ограждающих конструкций;

- оптимизации соотношений площадей светопрозрачных и глухих ограждений с учетом ориентации таких ограждений по сторонам света;

- разработки новых многослойных ограждающих конструкций (вентилируемых, гелиоактивных, регулируемых и др.) и полимерных светопрозрачных ограждений;

- разработки несущих конструкций на основе современной энергосберегающей машинной технологии.

Внесенные изменения в теплотехнические нормы значительно повысили требования к

теплотехническим характеристикам наружных ограждений, ограничили площади светопрозрачных конструкций. С учетом этого, существенно расширилась номенклатура эффективных теплоизоляционных материалов и энергосберегающих светопропускающих изделий. В их числе, - окна из поливинилхлорида, стеклопластика, алюминия с термовставками, специальные виды утеплителя с отражающим эффектом, стеклопакеты с селективными свойствами и др.

Инженерные системы являются основными потребителями энергии в процессе эксплуатации промышленных зданий. Основными направлениями совершенствования инженерных систем являются: применение технических решений и оборудования, позволяющих устранить или сократить избыточные затраты на нагрев, охлаждение и вентиляцию помещений; устранение или сокращение избыточного водопотребления и освещения.

В промышленных зданиях, наряду с мероприятиями и техническими решениями, принятыми в гражданском строительстве (сокращение трансмиссионных и инфильтрационных потерь, сокращение расходов тепла на отопление и вентиляцию, сокращение расхода воды и тепла на горячее водоснабжение), используется ряд иных технических решений. Так, избыточные тепловыделения могут быть использованы для обогрева холодных зон и участков (прямое использование, установка утилизаторов, устройство оазисов с помощью теплонасосов). В промышленных зданиях с теплонедостатками в холодный период года, сокращение расходов тепла осуществляется точно с помощью инфракрасного газового отопления, локального отопления, при помощи завес и т. д. Сокраще-

ние воздухообмена осуществляется с помощью местных отсосов и рециркуляции, а также компенсационных укрытий.

Одной из задач формирования новых типов зданий, является поиск оптимального стоимостного соотношения между стоимостью теплозащиты ограждающих конструкций и энергозатратами, необходимыми для функционирования инженерных систем.

К новым типам зданий следует отнести промышленные здания, в которых полностью или частично используются возобновляемые источники энергии: тепло земли и водоемов; энергия ветра и солнца.

Таким образом, концепция формирования новых типов энергоэффективных промышленных зданий заключается в обеспечении архитектурно-строительными и инженерными решениями современных конкурентоспособных технологий при строжайшем соблюдении комплекса экологических требований: экономии земельных территорий при строительстве и реконструкции зданий; эффективной нейтрализации вредных выделений и шумов от технологического и инженерного оборудования; обеспечении комфортных условий работы и отдыха.

Одним из современных принципов формирования новых типов зданий является их многофункциональность. По такому принципу в ЦНИИпромзданий разработаны многоэтажные здания с ядрами жесткости, в которых размещены инженерные коммуникации и лифты. Разновидностью таких зданий являются многоэтажные здания с непрерывным перекрытием по вертикальной спирали и многоэтажные здания для интегрированного размещения нескольких предприятий.

При проектировании промышленных зданий, их объемно-планировочные и конструктивные решения принимаются на основе технологических решений. Так, производство лекарственных препаратов в Ташкентской области осуществляется в одноэтажных корпусах большой протяженности с горизонтальным размещением технологических процессов (рис. 1). Менее энергоемким является выполняемый ЦНИИпромзданий проект завода по производству инфузионных растворов в Ташкенте, в котором технологические процессы осуществляются в многоэтажном здании по вертикали (рис. 2). Благодаря резкому снижению соотношения площади ограждающих конструкций к объему здания, энергозатраты на 1 м^3 снизятся на 10–15%, по сравнению с аналогом.

При проектировании промышленных зда-

ний благодаря оптимизации инженерных систем можно существенно (на 30–40%) снизить энергозатраты по сравнению с аналогами. Так, в качестве энергоэффективных систем отопления можно использовать лучистые системы, предназначенные для обогрева отдельных зон и участков. Системы газового лучистого отопления с темными излучателями отечественного производства по проекту ЦНИИпромзданий применены в ремонтно-экипировочном депо «Ташкент–Москва».



Рисунок 1. Завод готовых лекарственных препаратов (Ташкентская область).



Рисунок 2. Завод по производству инфузионных растворов (Ташкент).

Основным резервом сокращения энергопотребления системами вентиляции является уменьшение воздухообмена, в том числе с помощью системы локализирующей вентиляции и воздушных и воздушно-тепловых завес. Так, применение комбинированных воздушно-тепловых завес у ворот уменьшает расход энергии в 2 раза.

Проект системы воздушного отопления с направляющими соплами был разработан институтом для стеллажного склада комплекса «Шерленд» площадью более 25 тыс. м^2 . Планируемое годовое сокращение расхода тепла на отопление, по сравнению с аналогом, составит около 25%.

Выводы: Анализ отечественного и зарубежного опыта проектирования и строительства промышленных зданий показывает, что наряду с энергоэффективностью такие здания обеспечивают требования по современным

конкурентоспособным технологическим решением. К новым типам зданий следует отнести промышленные здания, в которых полностью или частично используются возобновляемые источники энергии: тепло земли и водоемов; энергия ветра и солнца.

Литература:

1. ҚМҚ 2.01.04-97* - «Строительная теплотехника». Тошкент: 2011 г.
2. Щипачева Е.В. Проектирование энергоэффек-

тивных гражданских зданий в условиях сухого жаркого климата. Учебное пособие - ТТЙМИ, 2008 й.

3. Беляев В.С., Хохлова Л.П. Проектирование энергоэкономичных и энергоактивных гражданских зданий: Учебное пособие. М.: Высшая школа, 1991, -255 с.

4. Бадьин Г. М. Строительство и реконструкция малоэтажного энерго-эффективного дома. — СПб.: БХВ-Петербург, 2011. — 432 с.:

УДК 624.012

ПРИМЕНЕНИЕ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА КАФЕДРЕ «СТРОИТЕЛЬНЫЕ КОНСТРУКЦИИ»

Фридман Г.С. к.т.н., доцент; **Косимов Т.К.** к.т.н., доцент **Туракулова Ш.** асс. (СамГАСИ)

Мақола «Қурилиш конструкциялари» кафедрасида замонавий компьютер технологияларини қўллаш бўйича эришилган асосий ютуқлар таҳлили келтирилган. Бу ишланмалар «Қурилиш конструкциялари»га оид фанлар ишчи дастурига киритилган ҳолда курс лойиҳалари битирув малакавий ишлар ва магистрик диссертацияларини бажаришда кенг қўламда қўлланиб келинмоқда. Илмий тадқиқот ишлари бўйича ҳам бир қатор давлат грантлари, шартнома асосидаги инновацион тадқиқот ишларида амалда қўлланилмоқда.

In paper survey of the basic achievements of chair «Building designs» in a scope of computer production engineering is resulted. In educational process this production engineering is switched on in curriculums on building designs, used in course designing, and also in exhaust works of bachelors and masters. In scientific work a number of grants and contractual works also with application of this production engineering is executed.

Строительству принадлежит ключевая роль в экономической жизни Узбекистана. При этом, важная роль отводится совершенствованию проектной базы строительства с тем, чтобы и сами проекты, и строительные технологии носили инновационный характер.

зилия 86 %, Чили, Колумбия, Парагвай, Перу, Венесуэла каби давлатларда 50% атрофида сув энергиясидан фойдаланилмоқда. Парагвай ва Бразилия ўртасида жойлашган Итаипу дамбаси 12600 МВт қувват энергияни сувдан ишлаб чиқармоқда. Ўзбекистонда эса гидроэнергия 11% га яқин даражада аҳоли эҳтиёжини қондирмоқда. Лекин бу энергия катта қувватли 3 Мвтдан 600 Мвтгача гидротурбиналардан иборат бўлиб кичик сув хавзалари ёки оқим қуввати нисбатан кам (5- 500 л/сек) дарё, сойларда қўллаш имконияти йўқ. Кейинги йилларда дунёнинг кўпгина давлатларида, кичик сув оқимларидан энергия олишга кизиқиш кучайиб бормоқда. Чунки кичик гидроэлектростанциялар кам харажат, экологик тоза ва кичик тоғ сойларидаги қишлоқлар ҳамда чўпонларнинг хонадонларини энергия билан таъминлаш учун қулайдир. Тоғли ҳудудлар аҳолисини энергия билан таъминлаш Ўзбекистон учун муҳим. Тоғли ҳудудлардан деҳқончиликда фойдаланиш имкониятини кенгайтиради, насослар билан суғориш имкониятини яратади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда кичик ГЭСлар қуриш, кичик сув оқимларидан электр энергияси олиш, қайта тикланувчи энергитикани ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб муаммола-

ридан биридир. Шунинг учун биз ушбу ишимизда кучсиз ва кам оқимли сой ҳамда дарёларда кам қувватли (1-20 кВт) микроГЭСларни тоғ зоналарида табиий оқим шароитидан келиб чиққан ҳолда аҳоли зичрок яшайдиган, шунингдек узоқ қишлоқлар учун энергия ишлаб чиқариш имкониятларини асослаш ва яратишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Гидроэнергия - сув массасини оқиш йўлида механик энергияни бажарадиган иши энергиясининг ҳисоблайдиган йўналишдир. Гидроэлектростанция (ГЭС) – сув оқимини оқиш ёки баландликдан тушиш пайтида кинетик ёки потенциал энергияни электр энергиясига айлантириб беради. ГЭС қуввати физиканинг потенциал энергия формуласидан аниқланади. Ушбу формулага кўра сувнинг потенциал, кинетик энергиясидан олинадиган электр қуввати асосан электрогенераторнинг фойдали иш коэффициентини, сув оқимининг тезлиги $m^3/сек$, унинг тушиш баландлиги метрларда аниқланади.

Ишлаб чиқариладиган энергия турларидан гидроэнергетика - оддий иссиқлик электр станцияларидан қарийб 2 марта кўп фойдали иш коэффициентини (ФИК)га эга бўлганлиги учун унда ҳосил қилинадиган энергия энг арзон ҳисобланади. ГЭС гидроагрегат ФИК гидротурбина ва электр генератор йиғиндисидан иборат бўлиб замонавий электростанцияларда 90 % ни ташкил қилади. Электр энергиясини узлуксиз самарали ишлаб чиқариш учун йил давомида сувнинг етарли даражада таъминланганлиги ва қиялик даражаси муҳим рол ўйнайди. ГЭС нинг қувватини ошириш учун эса катта тўғонлар ва дамбалар қурилиб сув гидротехник иншоотлар ёрдамида унинг қуввати оширилади. Катта ва кичик микроГЭСларда электр энергияси ишлаб чиқариш учун бирламчи ёқилги ўрнида ўзида энергияга эга бўлган қайта тикланадиган узлуксиз сув оқимидан фойдаланилади. Гидроэнергетиканинг яна бир афзалликларидан бири, бу унинг қувватини керакли пайтда жуда қисқа вақт ичида ошириш ва камайтириш имконияти борлиги ҳамда унинг захирасини йиғиш имконияти борлигидир. Шунинг учун микроГЭСларни қуриш учун қуйидаги талабларини бажариш зарур:

- ГЭС қуриш учун топологик ва географик шартлар бажарилиши;

- табиат томонидан қайта тикланадиган бирламчи энергия захираси сув оқими етарлилиги ва унинг экологик тозаллиги;

- бошқа электростанцияларга нисбатан капитал қурилиш ишларининг қимматлиги ва уни

ишлатиш жараёнини арзонлигидир;

- асосий ишлатиладиган асбоб усқунанинг содда, қулай, арзон ва ишлаш муддатининг кўплиги;

- электр энергияси ишлаб чиқариш воситаси сувни захирага олиб қўйиб, керакли пайтда ўчириб қўйиш ёки истеъмолга қараб ўзгартиш имкониятининг борлигидир.

Юқоридаги талабларни ҳисобга олган ҳолда кичик 1-20 кВт қувватли микроГЭС лар қуриш учун қўйиладиган талабларни аниқлаш лозим:

- оқим баланлиги 2-30 m^3 , сувни минимал оқиш ҳажми чегараси 5-140 $m^3/сек$.

- истеъмолчилар қишлоқ аҳолисининг яшаш жойи 1 км гача бўлиши ва қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари (5-10 кВтгача, масалан сув насослари) ни мавжудлиги;

- юқори кучланишли узатиш линияси ва катта ҳажмдаги трансформаторларни керак эмаслиги;

- Ишлатишга қулай, содда, кичик электрогенератор, қўшимча усқуналар, уларга эҳтиёт қисмларни мавжудлиги ва уни ишлатишни осонлиги;

- Сув оқимини географик рельефи қулайлиги;

- Яқин жойда яшайдиган қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва уларни томорқасини суғориш ишларига ҳалакит бермаслиги;


- Электр энергияси йилнинг совуқ ойлари, яъни қиш кунлари, айниқса истеъмол қувват 4-5 баробар кескин ошиб, суткани қоронғи вақтни 12 соатгача узайган пайтда ишлаб чиқариш имкониятини мавжудлиги.

Қоратепа тоғ тизмаларидаги сойларнинг суви йилнинг кўп қисмида (қиш ва баҳорда) бекорга сарф бўлиб кетиши, тоғ сойларида жойлашган аҳоли пунктларининг етарли даражада электр энергияси билан таъминланганлиги ва бунинг устига аҳоли сонининг тез сураётлар билан ўсиб бораётлиги сабабли ушбу лойиҳани тузиш ва амалга ошириш заруратини туғдиради. Тоғнинг шимолий ёнбағирларида Қоратепа тоғларининг жанубий ёнбағирида эса кичик сув омборлари ва селхоналари қурилган. Бундай сув объектларида бир неча тоғ сойларининг суви йиқилади. Селхонагача бўлган масофадаги дарё сувлари электрэнергия олиш учун қулай ҳудуд ҳисобланади.


Тоғнинг Жанубий ёнбағирида жойлашган Қумдарёдага қўйиладиган сувни 1 йилда ўртача 30-40 млн. m^3 деб ҳисобласак, шу сувни тахминан бешдан бир қисми энг узун Гавхона сойидан келади. Бу сувни 80% га яқини эса совуқ ва қиш кунлари (ноябр ойдан май ойигача) бекордан-бекорга Қалқама сув омборига

бориб тушади. Говхона кишлоғидан оқиб тушадиган сувни кўп йиллик суткалик ўртача миқдори ҳисобларга қараганда 1.5-5 м³, қорли ёки ёмғир аралаш қор кунлари 30-40 м³ гача етиб борар экан. Маҳаллий сойбўйида яшайдиган аҳоли учун эса маиший (уй-рўзғор, тегирмон, жувоз) ва қишлоқ хўжалик (тоғ ёнбағирларига экинларга сув чиқарадиган насослар) эҳтиёжларига 4-10 кВт атрофидаги электр энергияси керак бўлади.

Бугунги кунда қувати 3 кВт гача вақтинча оқимга эга бўлган қўлтиқчали кичик ГЭСлар, қувати 6 кВт гача бўлган кўчма микроГЭСлар, қувати 100 кВт гача бўлган стационар микроГЭСлар қўлланилмоқда (1-3 расмлар)



1-расм. Фаол кўндаланг оқимли турбина.
1-босимли сув оқими қувури; 2-сув сарфини ўзгартирувчи қурилма; 3-ишчи филдирак.



2-расм. Фаол кўндаланг оқимли турбинанинг ишлаш характеристикаси.

УДК 628.349.94.2

СИСТЕМА ОБЕЗЗАРАЖИВАНИЯ ПИТЬЕВЫХ ВОД ГОРОДА БУХАРА

Якубов К.А., Мирзаев А.Б., Нодиров Д.М. (СамГАСИ)

Ушбу мақолада электр токи ёрдамида олинадиган сувларни натрий гипохлорити билан зарарсизлантиришни назарий асосланган. Тадқиқот объекти сифатида Бухоро шаҳри сув тозалаш иншоотлари олинган. Зарарсизлантириш самараси санитария-бактериологик кўрсаткичлар асосида олиб борилган. Тадқиқотлар натижаси мавжуд бўлган сувни зарарсизлантириш қурилмасининг паст самарага эга бўлганини кўрсатади. Бунинг сабаблари ҳосил қилинадиган реагентнинг етарли эмаслиги ҳисобланади.

The article presents theoretical calculations of water disinfection with the help of sodium hypochlorite, obtained on site with the aid of an electric current. The purification facilities of the city of Bukhara were the object of the investigation. The efficiency of decontamination was assessed using sanitary-bacteriological indicators. The results show the low efficiency of the existing decontamination system due to the low dose of the reagent.

Говхона кишлоғи юқори томони Қоратепа тоғ тизмаларини ички қисмида жойлашган бўлиб, бошланғич ва охириги қисми баландликлари фарқи 60-80 метрга боради. Қишлоқ аҳолиси (2-3,5 минг) 100 га яқин хўжалик асосан сой (дарёча) бўйида чорвачилик, деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Кейинги йилларда аҳолини 3-4 баробар кўпайиши, ишлаб чиқариш воситалари ва қишлоқ хўжалигини энергия истемолини 4-5 баробар ошишига олиб келди, Айниқса йилнинг совуқ кунлари ноябр-май ойлари энергияга бўлган табиий эҳтиёж 4-5 марта ошиб кетмоқда. Бу эса электр энергияси таъминланишида узок қишлоқларда узилишларга олиб келмоқда. Бундай ҳолат эса узок қишлоқлар аҳолисини муқобил энергия манбаларини қидиришга мажбур қилмоқда. Бундай уринишлар стихияли равишда кўп ҳолларда муваффақиятсизликка учрамоқда.

Говхона кишлоғи табиий географик шароит (сув ресурслари) ни ва аҳоли электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қисман ўрганиб чиқиб қуйидаги илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини бажаришга қарор қилинди:

- 2 йиллик гидрологик изланишлар: сой сувини оқим режимини ўрганиш тадқиқотлари.

- камида 6-8 Квт электр энергияси ишлаб чиқарадиган қурилма яратиш устида тажриба конструкторлик ишларини олиб бориб уни яратиш.

- бу энергияни аҳоли ва қишлоқ хўжалиги истемоли учун етказиб берадиган ускуналарни яратиш.


Адабиётлар:

1. Шодиметов К. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари Тошкент. 2014, 2017 йил.


Вопросы обеззараживания являются ведущим звеном в технологии подготовки питьевой воды. Традиционно на водопроводах использовался обеззараживания воды газообразным хлором, которые зарекомендовал себя как достаточно надежным дезинфицирующий агент. Нашли применение такие хлорсодержащиеся вещества, как: хлорная известь, гипохлориты и другие. Одним из методов дезинфекции воды представляется использование гипохлорита натрия, получаемого на месте потребления путем электролиза растворов поваренной соли. В течение ряда лет в НИИ КВОВ [1] проводились всесторонние исследования метода обеззараживания воды при помощи электрогенерированного гипохлорита натрия.

При электролизе на электродах при пропускании электрического тока через растворы или расплавы электролитов протекают окислительно-восстановительные реакции. Электрохимический способ получения гипохлорита натрия [NaClO] основан на получении хлора путем электролиза водного раствора хлорида натрия [NaCl] и его взаимодействии со щелочью в одном и том же аппарате - электролизере. В данном случае, когда в качестве электролита используется раствор поваренной соли, сущность процесса заключается в следующем:


На аноде идет разряд ионов хлора (процесс окисления):




Выделяющийся газообразный хлор частично растворяется в электролите [NaCl] с образованием хлорноватистой и соляной кислот:




На катоде происходит разряд молекул воды (процесс восстановления):




Атомы водорода после рекомбинации выделяются из раствора в виде газа, оставшиеся же в растворе ионы [OH⁻] образуют возле катода с ионами [Na⁺] щелочь. Вследствие перемешивания анолита с католитом происходит взаимодействие хлорноватистой кислоты со щелочью с образованием гипохлорита натрия:



Если все количество щелочи, образующееся на катоде, будет поступать к аноду, то процесс электролиза протекает только с образованием раствора гипохлорита натрия. Получающийся гипохлорит натрия в значительной степени диссоциирует с образованием ионов [ClO⁻], которые способны к дальнейшему анодному окислению с образованием хлорат-иона [ClO₃⁻]:



Концентрация ионов [ClO⁻] существенно влияет на дальнейший ход электролиза. Ионы [ClO⁻] разряжаются при значительно меньших потенциалах анода, чем ионы [Cl⁻], поэтому уже при незначительных концентрациях гипохлорита натрия на аноде начинается совместный разряд ионов [Cl⁻] и [ClO⁻]. Образование хлората может протекать и химическим путем по реакции:



Разряд ионов [Cl⁻] приводит к образованию гипохлорита натрия с постепенно увеличивающейся концентрацией, а разряд ионов [ClO⁻] уменьшает его концентрацию. При достаточной длительности электролиза скорости этих двух процессов становятся одинаковыми и дальнейший рост концентрации образующегося гипохлорита натрия прекратится.

Образующиеся газообразные продукты: хлор и водород приводят к образованию турбулентных потоков, побуждающих активное перемешивание анолита и католита. Согласно тем же исследованиям [1] максимальная теоретическая степень разложения хлорида натрия находится в пределах 40-60%, а практическое значение не превышает 12-15%. Оставшаяся часть хлорида натрия, хлораты и другие побочные соединения так остаются в растворе.

Существенную роль на эффективность процесса является материал электродов, которые должны быть нерастворимыми. Использование графитовых электродов связано с их механическим разрушением за счет окисления графита кислородом. На скорость процесса оказывает существенное влияние и температура. Процесс окисления гипохлорита с последующим образованием хлоратов замедляется при понижении температуры раствора и поэтому электролиз целесообразно вести при низких температурах - около 20-25 °С.

Результаты бактериологического анализа воды от Куюмазарского водохранилища 27.03.2017 г.

№	Место отбора проб	Общее микробное число	Коли-индекс	Патогенная микрофлора
1	Куюмазарский водовод	120 к	64	Не обнаружена
2	Водопроводная сеть г. Бухары	80 к	23	Не обнаружена
3	Требования ГОСТ O'zDST 950:2011	100	3	Отсутствует

Использование данного процесса для обеззараживания питьевых вод не всегда оправда-

на. Так, непрореагированные компоненты растворов (так называемый балласт), будут приводить к увеличению солесодержания питьевых вод. Проведенные в 2017 году бактериологические исследования по Бухарскому водопроводу показали низкую эффективность данного способа.

Таким образом, метод обеззараживания питьевых вод гипохлоритом натрия, получаемого электролизом поваренной соли, в том аппаратурном оформлении, каким образом сегодня используется на Бухарском водопроводе, не обеспечивает гарантированный обеззараживающий эффект. Видимо, это является следст-

вием того, что часть обеззараживающего агента в виде газообразного хлора быстро улетучивается, а остальная часть недостаточна для полного обеззараживания. Кроме того использование этого метода приводит к увеличению солесодержания и без того минерализованной воды.

Литература:

1. Очистка и обеззараживания сточных вод малых населенных пунктов/ Э.С. Разумовский, Г.С. Медриш, В.А. Казарян.-2-е изд. перераб. и доп.- М. Стройиздат, 1986.-173 с.

УДК.628.16.066

САМАРҚАНД ШАХРИНИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАМИНЛАШДА ЕР ОСТИ СУВЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА СУВ МАНБАЛАРИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАВСИФИ

Мирзаев А.Б. -т.ф.н, доц.; Зокиров М.З. - асс.; Рахмонов Ж.Д. - асс. (СамДАҚИ)

В статье приведены меры рационального использования и регулирования мероприятий учета подземных водных ресурсов. Указывается об отсутствии проблем в водных ресурсах для г. Самарканда и определены показатели качества подземных водных источников.

Presented in this article, Rational use of groundwater resources and take note of information on regulatory measures. The city of Samarkand on water lacks the problem of water resources and certain indicators of the quality of underground water sources.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда ер ости сувлари захира- ларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чо- ра-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ер ости сувларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни йўлга қўйиш, сама- рали мониторинг тизимини яратган ҳолда уларнинг захираларини янада кўпайтириш, ка- майиб кетиш ва ифлосланишидан муҳофаза қилиш, шунингдек, узоқ муддатли истиқболда ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлан- тириш ва модернизациялаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ва мақсадли дастурларни амал- га ошириш асосида республикамиз аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш чо- ратадбирлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида ривожланиш иқтисодиётнинг бозор муносабатларига асос- ланганлиги ва жамият ривожланиши, ундаги мавжуд табиий ресурслар, айнан сув ресурсла- ри нотекс жойлашганлиги ва чекланганлигини ҳисобга олиш шарт ва уни истеъмолчиларга қулай бўлган ҳолда ҳамда кескин танқислик- ларини олдиндан башорат қилиш талаб этила- ди [1].

Зарафшон дарёси ўзанида сув ресурслари

анча катта миқдорни ташкил этади ва “Геоло- гия ва гидрогеология” соҳаси бўйича илмий манбааларда “Зарафшон линзаси” деб номла- нади. Шунга қарамадан уларни фойдаланишга ярқли бўлган захиралари бирмунча кам, айниқса уларни истеъмолчилар аро нотекис тақсимланиши сув ресурслари етишмовчили- гини келтириб чиқаради. Қуйида дунё бўйлаб сув ресурсларини қайси ҳавзаларда жойлаш- ганлиги, уларнинг миқдори, тозалик яъни фой- даланишга ярқлилиги ҳамда уларни турлари бўйича нисбати ҳақидаги маълумотлар келти- рилган (1-жадвал).

1-жадвал

Сув ресурс- лари	Сув ҳажми, км ³	Сув ҳажми, милл куб- да	Чучук сув улу- ши, %	Жами сув улуши, %
Океанлар, денгизлар ва қўлтиқлар	1338000000	321000000	-	96.5
Музлиқлар ва доимий қорлар	24064000	5773000	68.7	1.74
Грунт суви	23400000	5614000	-	1.7
Чучук	10530000	2526000	30.1	0.76
Шўр	12870000	3088000	-	0.94
Тупроқ на-	16500	3959	0.05	0.001

Сув ресурслари	Сув ҳажми, км ³	Сув ҳажми, милл куб-да	Чучук сув улуши, %	Жами сув улуши, %
млиги				
Ер ости музликлари	300000	71970	0.86	0.022
Кўллар	176400	42320	-	0.013
Чучук	91000	21830	0.26	0.007
Шўр	85400	20490	-	0.006
Атмосфера	12900	3095	0.04	0.001
Ботқоқлик	11470	2752	0.03	0.0008
Дарёлар	2120	509	0.006	0.0002
Биологик сув	1120	269	0.003	0.0001
Жами	1386000000	332500000	-	100

Самарқанд шаҳри сув таъминоти асосан Чўпонота ва Даҳбет сув иншоотлари ҳисобидан 100%га ер ости сувларидан фойдаланиши ҳисобга олинса, қудуқларни самарали ишлаши бутун сув таъминоти тизими иши самардорлигини белгилайди. Самарқанд шаҳри асосан 7 та сув олиш иншоотларидан ичимлик сувини олиб, аҳолига, ишлаб чиқариш корхоналарига, ободончилик ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун сувни етказиб беради. Бу сув иншоотлари қуйидагилар: Чўпон Ота сув иншооти, Даҳбет сув иншооти, Мулён, Кимёгарлар сув иншооти, Фарход қўрғони сув иншооти, Хишрав сув иншооти ва “Боғи-Баланд” сув иншоотларидан иборат. Манбадан олинган сув ер ости қудуқларидан насослар ёрдамида тортиб олиниб сув сақлаш ҳовузларига ташланади, дезинфекция ишлари хлор ёрдамида амалга оширилади ва иккинчи ҳамда учунчи сув кўтариб бериш насос станциялари орқали шаҳарга етказиб берилди. Бунинг учун асосан бош насос станциялари (Чўпон ота станцияси, Даҳбет станцияси ва бошқа кичик насос станциялари) дан фойдаланилади, ҳамда шаҳар ичида сувни қўшимча кўтариб берувчи тўртинчи босқич насос станциялари мавжуд.

Сув истеъмолчиси сифатида аҳоли, саноат корхоналари, коммунал корхоналар ва ободонлаштирилиши талаб қилинган шаҳар ҳудуди

2-жадвал. Ер ости сув манбаасидаги сувнинг сифат кўрсаткичлари

№ т/р	Кўрсаткичларни номлари	Ер ости сув қабул қилиш манбалари				
		Чўпон ота	Даҳбет	Боғи-баланд	Хишров	Фарход
1	Ҳиди 20 ⁰ да балл	1хл	1хл	0	1хл	1хл
2	Ҳиди 60 ⁰ да балл	1хл	1хл	0	1хл	1хл
3	Таъми 20 ⁰ С да	0	0	0	0	0
4	Ранги, град	0	0	0	0	0
5	Лойқалиги, мг/дм ³	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган
6	Температура, град	16	15.5	16	16	15
7	Водород кўрсаткичи	7.65	7.7	7.4	7.75	7.55
8	Хлор миқдори, мг/дм ³	0.35	0.37	0.33	0.35	0.30

ҳамда уларни ёнғин хавфсизлигини ташкил қилишлар киради. Шаҳарнинг умумий аҳоли сони 504379 киши. Марказлашган ҳолда ичимлик суви билан таъминланган аҳоли сони 502865 кишини ташкил қилади. Уларни сув билан таъминланганлик даражаси 99.7%; ичимлик сув иншоотларининг қуввати - 349 минг м³/к-к; амалдаги фойдаланилаётган қуввати – 212.5 минг м³/к-к; киши бошига кунлик сув истеъмоли – 295.4 л/к-к; умумий сув тармоқлари узунлиги - 788.4 км; шу жумладан таъмир талаб - 183.9 кмни ташкил этади.

Асосий сув манбалари ва насос станциялари кўрсатилган Самарқанд шаҳрининг сув таъминоти тизими шакли 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Асосий сув манбалари ва насос станциялари кўрсатилган Самарқанд шаҳрининг сув таъминоти тизими шакли.

Самарқанд шаҳрини ичимлик сув манбалари техник – иқтисодий ҳисоблар асосида Ўзбекистон давлат стандарти 951:2011 талаблари ва меъёрларига мувофиқ танланган. “Сув ва сувдан фойдаланиш” тўғрисидаги қонунга ва “Қурилиш меъёрлари” ҳамда қоидаларига асосан сифатли ер ости сувларини биринчи навбатда ичимлик – хўжалик мақсадларда ишлатиш кўзда тутилади ҳамда уларни бошқа мақсадда фойдаланиш чегаралаб қуйилади [2].

Самарқанд шаҳрини ичимлик сув манбаларини сифат кўрсаткичлари аниқланиб, 2-жадвалда келтирилган.

9	Аммиак, мг/дм ³	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган
10	Нитритлар, мг/дм ³	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган
11	Нитратлар, мг/дм ³	10.2	10.6	13.3	13.3	15.5
12	Умумий қаттиқлик, мгэкв.дм ³	5.8	4.9	7.3	5.3	6.6
13	Ишқорийлик, мгэкв.дм ³	4.1	3.6	5.2	3.2	4.9
14	Хлоридлар, мг/дм ³	11.5	10.0	21.0	21.0	19.5
15	Қурук қолдиқ, мг/дм ³	376.0	344.0	428.8	400.0	428.0
16	Сульфатлар, мг/дм ³	98.4	72.0	115.2	100.8	96
17	Фтор, мг/дм ³	0.22	0.18	0.25	0.18	0.22
18	Темир, мг/дм ³	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган
19	Қурғошин, мг/дм ³	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган
20	Кумуш, мг/дм ³	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган
21	Марганец, мг/дм ³	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган
22	Олтин-гугурт, мг/дм ³	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган
23	Свинец, мг/дм ³	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган
24	Молибден, мг/дм ³	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган	аниқланмаган
25	Коли-индекс, мг/дм ³	3	3	3	3	3
26	ОМЧ в 1 см ³	0-1	0-2	0-5	0-2	0-2

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки - Самарқанд вилояти худудида сув ресурслари муаммоси деярли йўқ аммо келажакда бўлиши мумкин. Экологик муаммоларни олдини олишда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш технологиялари муҳим аҳамият касб этади; табиий ресурсларни қайта тикланадиган ва тикланмайдиган турлари мавжудлигини алоҳида қайд этиш лозим, лекин шунга қарамай сувни истеъмолга яроқли бўлган захиралари камайиб бормоқда. Самарқанд шаҳрига сув берадиган ер ости сув манбаларини сифат кўрсаткичлари O₂Dst 951:2011. “Марказлашган хўжалик-ичимлик сув таъминоти манбалари. Гигиеник,

техник талаблар ва тиклаш қоидалари”га асосан аниқланган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевни 2017 йил 4-майдаги “2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент, 2017 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14-июндаги 171-сонли қарори “Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида”ги низоми. Тошкент, 2013 йил.

UDK 628.16.066.7

BIRLAMCHI TINDIRGICHLARNI HISOBLASH USULI

Yakubov K.A., Mirzayev A.B., Nodirov D.M., Raxmonova Sh. (SamDAQI)

Приводятся сведения о первичных отстойниках для очистки сточных вод. Существующий метод расчета первичных отстойников не учитывает гидравлические процессы, происходящие в теле отстойника. Вся длина отстойника условно разделена на три составные части: входящая, рабочая и выходящая части. Соответственно, предлагается проводить расчет отдельных частей, а затем суммировать результаты.

Information on primary sedimentation tanks for wastewater treatment is given. The existing method of calculating primary settling tanks does not take into account the hydraulic processes taking place in the body of the settler. The entire length of the settler is conventionally divided into three constituent parts: incoming, working and outgoing parts. Accordingly, it is proposed to calculate the individual parts, and then summarize the results.

Oqova suvlarni tozalashning eng qadimiy, arzon va eng qulay usullaridan biri tindirish hisoblanadi. Tindirish davrida suv tarkibidagi og'ir muallaq zarrachalar cho'kmaga tushadi, yengillari esa suv betiga qalqib chiqadi. Tindirish jarayoni tingirgichlarda amalga oshiriladi. Tuzilishi

bo'yicha tindirgichlarning yotiq(gorizontal), tik(vertikal) va radial turlari mavjud. Biologik tozalash inshootlaridan oldin o'rnatiladigan tindirgichlar – birlamchi, keyin o'rnatiladigani esa - ikkilamchi deb nomlanadi. Ayrim stansiyalarda uchlamchi tindirgichlar ham ishlatilishi mumkin.

Tindirgich tanlashda suvning sarfi, tozalash samarasi, tuproq tuzilishi, yer osti suvlarining sathi va boshqa mahalliy sharoitlar asosida olib boriladi.

Tindirgichlarning tozalash samarasi oqova suvlarda muallaq moddalarning boshlang'ich ulushi, tindirgich tuzilishi va boshqa omillarga bog'liq. Oqovalarni tozalash samarasi (effekti) quyidagi tenglama yordamida aniqlanadi:

$$E = (S_b - S_o) * 100 / S_b$$

Bu yerda S_b – oqova tarkibidagi muallaq moddlarning boshlang'ich ulushi, g/l; S_o – tozalashdan keyin oqova tarkibidagi muallaq moddalar ulushi, g/l.

Oqovalar tarkibidagi muallaq moddalarning boshlang'ich ulushi kimyoviy taxlil yordamida yoki oqova suvlarning me'yorlari asosida hisoblanishi mumkin. Muallaq moddalarni tozalashdan keyin zaruriy pasayish miqdori tindirgichlardan keyin o'rnatiladigan inshootlar turiga bog'liq. Odatda, tindirgichlardan keyin biologik tozalash inshootlari sifatida aerotenk, biofiltr yoki shunga o'xshash inshootlar belgilanadi. Bu inshootlarga uzatilayotgan oqova suv tarkibidagi muallaq moddalar ulushi cheklangan. Biologik inshootlarga uzatiluvchi tindirilgan oqova suvlardagi muallaq modda ulushi 150 mg/l dan oshmasligi kerak, ikki bosqichli va to'la ma'danlovchi aerotenkklarga uzatiluvchi tindirilgan oqova suvlardagi muallaq modda ulushi me'yorlanmaydi [1].

Tindirgichlarni QMQ usulida hisoblashda zarur bo'lgan tozalash samarasiga mos keladigan zarrachalarning hisobli gidravlik yirikligi aniqlanadi [1]. Gidravlik yiriklikning hisobiy qiymati laboratoriya sharoitida olingan zarrachalarning cho'kmaga tushish kinetikasi asosida aniqlanadi:

$$u_o = 1000 * u_o = 1000 * H_{set} * K_{set} / t_{set} (K_{set} * H_{set} / h_1)^{n_2}$$

Bu yerda: H_{set} - tindirgich oquvchan qismining chuqurligi, m; K_{set} - tindirgich hajmidan foydalanish koeffitsiyenti;


h_1 - laboratoriya sharoitida h_1 qatlamli silindrda berilgan tozalash samarasiga mos tindirish davomiyligi(1-jadval), sek; n_2 - zarrachalarni cho'kish jarayonida yiriklashishini inobatga oluvchi daraja ko'rsatgichi (1-chizma).

Yotiq tindirgichlar. Yotiq odatda tindirgichlar oqova suvlar sarfi 15000 m³/k-k dan ortiq paytlarda ishlatiladi. Tindirgich shakli rejada tug'ri to'rtburchak bo'lib, bosh qismida cho'kma yig'ish kamerasi joylashgan. Cho'kmalar aravachali yoki metalli tirnagich yordamida kameraga yig'iladi va nasos yoki gidrostatik bosim ostida chiqarib olinadi. Ifloslangan oqovalar tindirgichning bosh qismiga eni bo'ylab taksimlanadi va tindirilgandan

sung eni bo'ylab chiqariladi. Kirish va chiqish joylarida suvga botirilgan to'siqlar o'rnatilgan. Kirishdagi to'siqning vazifasi suv oqimining energiyasini so'ndirish, chikishdagisi esa suv betiga kalkib chiqqan suzuvchi moddalarni ushlab qolishdan iborat [2].

Labortoriya sharoitida 500 mm li qatlamda tindirish davomiyligi

Tindirish samarasi	Muallaq moddalarning turiga bog'liq holda cho'kmaga tushishi davomiyligi, sek											
	Koagulyasiyalanuvchi				Yukori dispersli minerallar				Og'ir tuzilishga ega			
	mg/l ulushida											
	100	200	300	500	500	1000	2000	3000	200	300	400	
20	600	300	-	-	150	140	100	40	-	-	-	
30	900	540	320	260	180	150	120	50	-	-	-	
40	1320	650	450	390	200	180	150	60	75	60	45	
50	1900	900	640	450	240	200	180	80	120	90	60	
60	3800	1200	970	680	280	240	200	100	180	120	75	
70	-	3600	2600	1830	360	280	230	130	390	180	130	
80	-	-	-	5260	1920	690	570	370	3000	580	380	
90	-	-	-	-	-	2230	1470	1080	-	-	-	
100	-	-	-	-	-	-	3600	1850	-	-	-	



1-chizma. 1-E 50%; 2- 60% dagi shahar oqova suvlaridagi cho'kindilarning dastlabki ulushiga ko'ra daraja ko'rsatgichi n_2 ning bog'liqligi.

Tindirgichlarning gidravlik chukurligi 1,5 – 4,0 m bo'lib, uzunligining chukurlikka nisbati 8 – 12 ga teng bo'lishi kerak. Tindirgichning namunaviy kengliklari 6,0 va 9,0 m teng deb qabul qilingan. Tindirgichning tubi cho'kma yig'ish kamerasi tomonga 0,005 nishablikda bajariladi. Cho'kma yig'ish kamerasi devorlarining qiyaligi 50 - 60⁰ tashkil etishi kerak. Kameraning xajmi 8 soat davomida yig'ilgan cho'kmaga hisoblanadi. Cho'kma 0,9 – 1,5 m gidrostatik bosim ostida chiqarilishi mumkin. Namunali yotiq tindirgichlarning asosiy ko'rsatkichlari 2-jadvalda keltirilgan.

Yotiq tindirgich xisobi. Tindirgichning o'tkazish qobiliyati quyidagi tenglama bilan aniqlanadi:

$$Q_{set} = 3,6 * R_{set} * L_{set} * B_{set} * (U_o - V_{tb})$$

bu yerda

R_{set} - hajmini hisobga oluvchi koeffitsiyent;

V_{tb} - tindirgichdagi oqim tezligiga tezligi, mm/s;

L_{set} - bo'lim uzunligi, m;

B_{set} – bo'lim eni, m.

Tindirgich hajmini okimlar bo'yicha uch kismga ajratish mumkin: bosh, o'rta va quyi okimlar qismlari. Boshlangich kislardagi okim uzunligi

$$H_b = H_1 + h_0/2,15$$

bu kislarni oqim tezligi

$$V_1 = V_{ur} * H_1 / h_0$$

2-jadval. Yotiq tindirgich namunali loyihalarining asosiy ko'rsatkichlari

Namunali loyihaning tartib raqami	Bo'lim o'lchami, m			Bo'limlar soni	Tindirgichning hisobli xajmi, m ³	1,5 soatlik tin dirish davridagi o'tkazish qobiliyati m ³ /soat
	Eni	Uzunligi	qismining chuqurligi			
902-2-305	6	24	3,15	4	1740	1160
902-2-304	6	24	3,15	6	2610	1740
902-2-240	9	30	3,1	4	3200	2130
902-2-241	9	30	3,1	6	4800	3200
902-2-242	9	30	3,1	8	6400	4260

Oqim tezligiga bog'liq holda tik tezlikka ω kiymatini grafikdan kabul kilamiz. Tindirgich bosh qismini uzunligi:

$$l_1 = \sqrt[1,15]{(H_1 - h_0) / R}, m$$

Bosh kismida oqish davri:

$$t_1 = l_1 / V_1 * 1000, sek$$

Cho'kmaga tushadigan zarrachalar bosib o'tgan masofa:

$$h_1 = l_1 (U_0 - \omega), mm$$

Zarrachalarni cho'kmaga tushishi uchun zarur bo'lgan muddat:

$$t_2 = H_1 - h_1 / U_0 - \omega, sek$$

Zarur bo'lgan gorizontal masofa:

$$l_2 = t_2 * v_{ur}, m$$

Tindirgichning uchinchi kismining uzunligi:

УДК. 69.035.2 Б-79

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДАН АЖРАЛИБ ЧИКАДИГАН ГАЗ ВА ЧАНГСИМОН МОДДАЛАРНИНГ НАЗОРАТИ

Бобоева Г.С., Бурхонов. Х. (СамДАҚИ)

В статье приведены количество выделения газопылевых веществ от производственных предприятий и контроль выбросов в атмосферу.

In paper are resulted quantity of allocation of gazo-dust substances from the industrial factories and the supervisory control of atmospheric emissions.

Бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири саналган атмосфера хавосини ифлосланишдан сақлаш йўлида амалга оширилаётган саъй харакатлар ижобий самарадорлигини оширишга қаратилган. Жумладан Самарқанд Табиатни мухофаза қилиш бошқармаси томо-

$l_3 = H_1 / tg\alpha, m$
 Tindirgichning umumiy uzunligi:
 $L = l_0 + l_1 + l_2 + l_3 + l_4, m$
 Tindirgichning kengligi:
 $V = q / (H_1 * V_{ur}), m$
 Tindirgichga tushgan kecha-kunduz davomida cho'kmaning massasi:
 $G_{kur} = C * \mathcal{E} * K * Q_{cyt} / 1000 * 1000$
 Cho'kma namligi 94 – 96 % ni tashkil kilib, uning xajmi quyidagicha:

$$V_{xch} = 100 * G_{kur} / (100 - W_{xch}) * \rho, m^3$$

Tindirgich balandligini aniqlashda uning ostki kismida cho'kma yig'ilish qatlamini hisobga olish zarur. Tindirgich oxirida qatlam h_{ox} bo'lsa, boshlanishidagi qatlam qalinligi:

$$h_{bosh} = h_{ox} + iL$$

Yig'ilishi mumkin bo'lgan cho'kma hajmi:

$$V_{ost} = h_{ox} - h_{bosh} / 2 * BL, m^3$$

Cho'kma yig'ish uchun bunker qismini hajmi:

$$V_b = 1/3 h * (S_1 + \sqrt{S_1 * S_2} + S_2), m^3$$

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash lozimki, bugungi kunda amaldagi birlamchi tindirgichlarni hisoblashning QMQ uslubida hisob bajarishda ulardagi gidravlik oqimlar inobatga olinmaydi va natijada katta xatolik kelib chiqadi. Tindirgich o'lchamlari kattalashgan sari xatolik ham oshib boradi. Taklif qilinayotgan uslubda birlamchi tindirgichlarda ro'y berayotgan jarayonlarga tayangan holda uch qism alohida hisobga olinishi asoslanayapti.

Adabiyotlar:

1. QMQ 2.04.03-97. Suvoqava. Tashqi tarmoqlar va inshootlar. O'z.R-si Davlat arxitektura va qurilish qumitasi. -T.-1997.
2. Теоретические основы и технология кондиционирования воды/Кульский Л.А.-3-е изд., перераб. И доп.-Киев:Наук.думка.1980.-564 с.

- Углерод оксиди 11 та; олинди.
- Аммиак 1 та;
- Азод оксиди 10 та;
- Чанглардан 23 та таҳлилий натижалар

1-жадвал. Ташкилотлартомонидан атмосферага ташланадиган ташланмалар назорати

Т.р.	Ташкилот номи	Техник ускуна номи	Ташланма номи	Мах/ўрт мг/м ³ даги концен-трацияси	Ташланма микдори	ПДВ (ВСВ) й/с		ПДВдан ошиб кетганлиги ҳолати
1	Самарқанд станцияси вагонлар ДЕПОси	Қозонхона	СО	76,5	0,92	1,16	13,15	0,79
		Қозонхона	НО	63,5	0,26	0,35	4,028	0,75
		ДОЦ	Чанг	85,65	3,6	4,04	45,74	0,91
		ДОЦ	Чанг	29,58	0,034	0,042	0,992	0,80
		ДОЦ	Чанг	31,43	0,056	0,068	0,984	0,83
2	МЧЖ «Новатор»							
3	МЧЖ «Самарқанд-дон маҳсулотлари»		Чанг	34,4	0,092	0,102	2,47	0,90
			Чанг	28,71	0,088	0,10	2,43	0,88
			Чанг	74,7	0,094	0,13	3,24	0,72
			Чанг	82,9	0,76	0,86	6,2	0,89
			Чанг	91,8	0,80	0,85	7,1	0,94
4	МЧЖ “Ёғ мой”	-/-	Чанг	96,4	0,50	0,57	47,2	0,88
			Чанг	81,07	1,77	2,19	361,08	0,80
			Чанг	60,0	0,083	0,10	361,08	0,83
			Чанг	81,17	0,090	0,11	12,8	0,82
			Чанг	87,93	0,088	0,12	13,2	0,73
5	Самарқанд шаҳар аэропорти корхонаси	Қозонхона	СО	72,41	0,017	0,02	0,630	0,85
		Қозонхона	НО	136,7	0,077	0,11	3,525	0,70
		ДОЦ	чанг	97,44	1,13	1,7	2,484	0,66
6	“Самарқанд қурилиш материаллари комбинати”	Ғишт куйдириш печи	СО	98,2	0,19	0,27	2,518	0,73
			НО	27,0	0,091	0,10	1,7	0,91
		-/-	СО	95,1	0,22	0,28	2,670	0,92
		-/-	НО	25	0,089	0,11	1,780	0,81
		-/-	СО	87,7	0,31	0,41	2,13	0,76
			НО	24,0	0,083	0,10	1,2	0,83
7	“Жума элеватори”	Элеватор	Чанг	88,1	0,19	0,24	1,250	0,80
		Элеватор	Чанг	80,68	0,10	0,16	1,320	0,65
		Элеватор	Чанг	80,77	0,13	0,17	1,130	0,77
		Элеватор	Чанг	87,4	0,19	0,23	1,260	0,86
8	МЧЖ “Самарқанд автомобил заводи”	Қозонхона	СО	39,7	0,034	0,045	1,5	0,89
		Қозонхона	НО	18,4	0,011	0,013	0,354	0,98
		Қозонхона	СО	185,3	1,83	2,36	34,0	0,94
		Қозонхона	НО	23,4	0,21	1,88	26,6	0,88
		Бўйаш цехи	СО	50,6	0,195	0,23	13,5	0,84
			НО	37,9	0,041	0,045	0,484	0,91
			СО	95,1	1,62	1,78	8,542	0,91
9	“Жомбой-дон маҳсулотлари”	Элеватор	Чанг	69,6	0,175	0,21	1,230	0,83
		Тегирмон	Чанг	81,72	0,21	0,28	1,140	0,75
		-/-	Чанг	87,78	0,29	0,31	1,320	0,94
		-/-	Чанг	92,2	0,23	0,26	1,160	0,88
		-/-	чанг	93,2	0,198	0,21	1,450	0,95
10	АО “Самарқанд-кимё”	БГС	Аммиак	85,7	10,68	13,4	317,9	0,79
11	“Жанубий кон бошқармаси”	Қозонхона	СО	41,09	0,29	0,33	7,3	0,88
		Қозонхона	НО	19,22	0,074	0,086	1,93	0,86
		Қозонхона	СО	89,1	3,62	4,5	83,16	0,80
		Қозонхона	НО	30,7	1,56	1,79	32,79	0,87

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси билан ҳамкорликда аҳоли ва ташкилотлар аро тушунтириш ишлари ва учрашув анжуманлар ўтказиб келинади. Учрашув анжуманларини ташкил этишдан асосий мақсад, табиатни асраб авайлашдек масъулиятни ёшлар, шахслар онгига сингдиришдан иборатдир. Самарқанд шаҳрида жойлашган 4 та кузатув постларида атмосфера ҳавосининг таркибида 2017 йилда 2016 йилга нисбатдан кескин ўзгаришлар аниқланмади. Барча ингредиентларнинг атмосфера ҳавоси таркибидаги санитар гигиеник меъёрлари талаб даражасида эканлиги қайд этилиб борилади.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишдаги муаммолар доимий этиборни талаб этиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши шубҳасиз ифлосланиш кўрсаткичларини кўтариб боради. Бу эса, ўз навбатида шаҳар микёсида автотранспорт воситаларининг кўпайиши ва аҳоли зич жойлашган ҳудудларда саноат корхоналарининг атмосферага чиқинди чиқарувчи манбалар устидан назоратни янада кучайтиради.

Ҳозирги кунда атроф-муҳитнинг кескин ифлосланиши, табиатдаги экологик мувозанатни издан чиқиши, ер юзи датурли иқлимий ўзгаришлар ва фалокатларни юзага келишида қисман бўлсада бизнинг айбимиз бор. Бу эса ўз навбатида кичик халокатларга олиб келмоқда. Атмосфера ҳавосининг асосий ифлослантурувчи манбаларига барча саноат корхоналари, автотранспорт, иссиқлик электрстансиялари, ёқилғи ёқиш шохобчалари, чорва комплекслари ва шу каби манбалар қиради. Ҳар бир ман-

бада ўзига хос чиқинди газлар ҳосил бўлади ва атмосфера ҳавосига ташланади.

Масалан, қораметаллургия корхоналарида рудаларни тайёрлаш ва уларни эритиш жараёнида олтингугурт ангидриди (CO_2), чанглар; ранглиметаллургиякорхоналарида олтингугурт ангидриди (CO_2), чанглар, водородфторид (HF); кимёкорхоналарида – ноорганик, органик бирикмали чанглар, углерод диоксида (CO_2), углеродоксида (CO), аммиак (NF_3), олтингугурт ангидриди (CO_2), азотоксидлари (NO , H_2O , NO_2 , H_2O_3 , H_2O_5), водородфторид (HF), водородхлорид (HCl), водородсулфид (H_2S) ва шу каби бошқа газлар; автомобил транспортларидан ортик тур кўринишдаги захарли чиқинди газлар, шу жумладан кансероген углеводородлар, тетраэтил кўрғошин бирикмалари ҳосил бўлади ва атмосфера ҳавосига ташланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юртимиздаги ҳар бир ишлаб чиқариш корхоналар томонидан атмосферага ташлаётган ташланмалар назоратини кучайтириш, белгиланган меъёрларга қатъий амал қилиш қолаверса, атроф муҳит ифлосланишига лоқайд бўлмаслик инсон саломатлигини таъминлашга туртки бўлади.

Адабиётлар:

1. Самарқанд вилоят «Табиатни муҳофаза қилиш» Давлат кўмитаси маълумотлари.
2. Тилолов Т. “Экологиянинг долзарб муаммолари” Қарши. Насаф. 2003 й. 148-б.
3. Бетовкин А.Т. “Защита литосферы от отходов Учебное пособие” Пенза. 2005 й 189-б.

УДК.711.4.711.58.502.3

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА МОНИТОРИНГИ

Бердиқулов А.А. (СамДАҚИ)

В статье освещаются вопросы борьбы с загрязнением атмосферного воздуха в Республике Узбекистан. Даны справки о действующих законах об охране окружающей среды и атмосферного воздуха.


The pollution of atmosphere and pollution atmosphere of enterprises of industry is considered on this article. The role of this question about guard production polluting objects and improvement of these systems.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишидаги муаммолар доимий этиборни талаб этиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши шубҳасиз ифлосланишнинг ҳам ўсишига сабаб бўлади. Шаҳарларда автотранспорт воситаларининг кўпайиши ва аҳоли зич жойлашган ҳудудларда саноат корхоналарининг атмосферага чиқинди чиқарувчи манбалар устидан назоратни кучайтиришни талаб этади.

Атмосфера ҳавосига чиқинди чиқарувчи

манбаларини назорат қилиш бўлими томонидан 2016 йил давомида 364 та (2015 йил 462 та) чиқинди манбаларидан намуна олиниб, 1820 та (2015-йилда 2042 та) таҳлил бажарилган. 296 та ЧТУ манбаларининг самарадорлиги аниқланган. Бўлим ходимлари томонидан режали текшириш ва рейдларда иштирок этилиб, Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлиги учун 15 та фуқаро ва мансабдор шахсларга маъмурий иш қўзғатилиб, жарима солинди ва

ундирилди. Атмосфера ҳавосига чиқинди чиқарувчи манбаларини назорат қилиш бўлими томонидан йил давомида 364 та чиқинди манбаларидан намуна олиниб, 1820 та таҳлил бажарилган. 296 та ЧТУ манбаларининг самарадорлиги аниқланган.



1-расм. Атмосферани ифлослантувчи манбалар

Ҳисобот даврида Самарқанд шаҳри кўрсаткичларига асосан атмосфера ҳавосига чиқинди чиқарадиган манбаларни таҳлилий назорат қилиш сектори МИЗ дастурига киритилган 11 та ташкилотнинг намуналари олиниб таҳлил қилинди.

Атмосферани ифлослантувчи манбаларга: факел, тутунли қувур, сеҳнинг аерасияси, бассейни буғланиши, қувур орқали оқиб чиқиб кетишлар, қурилиш материаллардан ажралиб чиқадиган чанглар, автотранспортдан ажралиб чиқадиган тутунлар ва шамол йўналишлари қирад.

Саноат шаҳарларида ҳавони ифлослантувчи асосий моддалар олтингугурт икки оксидидир. Атмосфера ҳавосини бузувчи сабаблардан яна бири тобора кўпайиб бораётган автомобил транспортидир. Шу боис автотранспорт воситаларни янги экологик безарар ёқилги турларига ўтказиш, тежамли двигателларга ўтиш, йўл четларида кўплаб дарахтлар экиш, яшил майдонларни кўпайтириш атроф-муҳит ҳолатини яхшилашнинг муҳим омилларидан саналади.

Умуман, дунё миқёсида атмосферага ҳар йили муайян миқдорда зарарли моддалар чиқарилмоқда. Бу эса нафақат атмосфера ҳавосига, балки сув, тупроқ, инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказмоқда. Шу боис атмосфера ҳавосининг тозалиги устидан назоратни кучайтириш, саноат ишлаб чиқаришда ҳаво тозалагич мосламалардан янада самарали фойдаланиш, шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда

Кун давомида кўз ўнгимизда рўй бераётган аммо биз илғай олмайдиган ёки эътиборимиздан четда қоладиган воқеалар ҳам рўй бериб туради. Инсониятни аслида она табиат домий равишда ҳимоя қилиб боради. Атмосфера ернинг ҳимоя қатлами бўлиб, тирик организмларнинг турли ултрабинафша нурлардан, самодан тушадиган метеоритнинг заррачаларидан саклайди. Фақат атмосфера туфайли ерда ҳаёт мавжуд. Ҳаво ифлосланиб унинг кимёвий таркиби ва физик хоссалари ўзгариши билан ҳар бир организмнинг физиологик ҳолати ҳам ўзгаради.

Ўзбекистоннинг ҳаво ифлосланишига қарши курашиш ва ҳавонинг сифатини назорат қилиш соҳасидаги умумий стратегияси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонуний ҳужжатлар, дастурлар, ҳаракат режалари асосида иш кўради. И. А. Каримов ўзининг “Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида «Ўзбекистон Республикаси экологияси ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб сивилизатсиянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир» дея таъкидлаб ўтган фикрлари ҳар бир фуқарони она табиатни асраб авайлашдек инсоний қадриятларимизни нафақат ўзимизда, балким ўсиб келаётган ёш авлодлар қалбига ҳам жо айлашимизга даъват этади.

Ҳулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, юқорида келтириб ўтилган барча фикрларни таҳлил қилган ҳолда мавжуд муаммоларни ўрганиб, тегишли чораларни қўллаш лозим. Яъни атмосфера ҳавосининг ифлосланишига омил бўлган саноат корхоналаридан ажралиб чиқадиган газсимон моддаларни бартараф этиш мақсадида тозалагичларнинг ишлаш принципларини ва иншоотлар фаолиятини янада такомиллаштириш, фильтр мосламаларини замонавий турларига алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу билан биз азон қатлами емирилиб боришининг олдини олган бўламыз.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида миллий маъруза. – Тошкент: 2008. – 287 б.
2. Лейти В. Определения загрязнения воздуха в атмосфере и на рабочем столе. - Л.: Химия, 1999.
3. Аюбова И.Х., Мусаев М.Н., Жамгарян И.А. Атроф-муҳит сифат анализи ва мониторинги.- Т.: Чолпон номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2011. -256 б.

УДК 332.1

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БАРҚАРОР БОШҚАРИШНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ


Гадаев А.Н. т.ф.н, доцент; Жураева Н., магистрант; Ганиева Д. (СамДАКИ)

Ўзбекистан и остальныи Центральнo Азиатскии страны в основном используют поземныи воды; это требует устойчивого управления ими и рационального использования. В статье освещаются результаты исследований повышения эффективности сооружений системы водоснабжения.

Uzbekistan and other Central Asian countries use ground waters and it requests a sustainable management and rational using. This article devoted to the increasing of the efficiency water supply system.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё худудини сув ресурслари танқис деб бўлмади лекин уларнинг захиралари чекланган худуга киради. Худуддаги сувларнинг табиий захиралари яъни ҳавзаларни тўйиниш манбалари ҳисобланган тоғлардаги музликлар ва қор қатламлари глобал иқлим ўзгариши ҳисобига йилдан йилга камайиб бормоқда. Маълумотларга кўра (6) Марказий Осиё дарёлари учун манба бўлиб хизмат қиладиган доимий музликлар ва қор қопламаларининг тахминан 30 фоизи эриб кетган ва бу жараён яна давом этмоқда. Аксига олиб истемолчилар томонидан сувга бўлган эҳтиёж йиллар сайин ошиб бормоқда ва уни кенг масштабда ифлосланиши истемолга яроқли бўлган миқдорини камайиб кетишига олиб келмоқда. Хорижий манбалар таҳлили ва назарий тадқиқотлар натижасида табиий ресурслар ва уларга бўлган бўлган эҳтиёжни ўзгариши куйидаги ресурслар ва уларга талаб ўзгариш таҳлилий графигидан кўриш мумкин (1-расм). Сувнинг тириклик ва табиий баланс учун аҳамиятидан ташқари, у энергия манбаи, микроиқлим воситаси, транспорт ва юқлар ташишдаги асосий фойдаланилиши омили ҳамдир. Демак, сув жамият таракқиётида, унинг аъзоларини эҳтиёжларида қўлланиладиган жуда муҳим универсал ва ноёб табиий ресурсдир.

Сув ресурслари ҳолатини баҳолаш учун уни мавжудлик даражаси, ҳосил бўлиш манбалари ва албатта ишлатилиш, фойдаланиш соҳалари ҳақидаги реал ҳолатни билиш, таҳлил қилиш ва шундан кейингина бирор хулоса ёки тавсиялар бериш мумкин. Юқоридаги график асосида ушбу ресурслар қатори сувдан барқарор ривожланиш тамойиллари асосида фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Ўзбекистон ва Марказий Осиё табиий иқлим шароити, иқтисодий, ижтимоий ривожланиш ҳолати ушбу муаммо ечимида ҳисобга олиниши шарт бўлган омиллардир. Куйида муаллифлар томонидан сув ресурсларини барқарор бошқаришнинг бугунги аҳволига шу нуқтаи назардан ёндошув, муаммо ечимлари бўйича таҳлилий материаллар ва тавсиялар келтирилган.



1-расм. Табиий ресурслар ва уларга бўлган талабнинг ўзгариш графиги: 1 – истемол талаби ўзгариши; 2 – қайта тикланмайдиган ресурслар захирасининг ўзгариши; 3 – қайта тикланадиган ресурслар захирасининг ўзгариши; 4 – истемолга яроқли ресурслар миқдорини ўзгариши.

Маълумки, Республикамизда 11.47 км.куб миқдорида ички сув ресурслари бўлиб, шундан 4.82 км куб – Амударё хавзасига, 6,65 км куб – Сирдарё хавзасига тўғри келади. Сувга бўлган эҳтиёжнинг қолган 80% дан ортиғи трансчегаравий сув ресурслари ҳисобидан. Умуман, давлатимиз иқтисодиётида сарфланадиган сувлардан 88 фоизи кишлоқ хўжалигига тўғри келади. Сув ресурсларидан фойдаланиш унумдорлигини ошириш, суғориш ва коллектор–дренаж тармоқларини таъминлаш, сув хўжалиги қурилмалари ҳамда насос станцияларини модернизация қилишда Жаҳон банки ва бошқа хорижий инвесторлар ҳамда халқаро ташкилотлар ва агентликларнинг инвестициялари киритилмоқда. Шундай инвестициялардан бири Европа Иттифоқининг ТЕМПУС UZWATER халқаро гранти ҳисобланади. Чунки унга кўра, Ўзбекистоннинг ОТМ ларида сув ресурсларини барқарор бошқариш бўйича магистрлар тайёрлаш ва улар орқали жойларда экологик аҳволни ижобий ўзгартириш кўзда тутилган. Ўзбекистон ва Марказий Осиё худудида сув ресурсларини барқарор бошқаришнинг асосий талаблари жойларда сув тежамкор технологияларини

кўлланилишини ташкил этиш ва уларни доимий назоратини йўлга қўйиш талаб этилади.

Хозирда сувни кунлик меъёрий миқдорини аниқлаш, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш йўллари кидириш бўйича илмий тадқиқотлар бажариш, мавжуд иншоотлар ишини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш, янги сув тежамкор технологиялар элементлари яратиш, сув тозалаш жараёнини ўрганиш ва мукамаллаш, табиий энергетик ресурслардан ушбу соҳада кенг фойдаланиш ва бошқа жуда кўп муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Строительство, как трудовая деятельность, характеризуется повышенной опасностью выполняемых работ. Это обусловлено многими причинами. Например, в процессе строительства работникам приходится сталкиваться с большим количеством опасных и неблагоприятных факторов. Это может быть работа на высоте, работа на открытом воздухе, в том числе при неблагоприятных погодных условиях, работа с вредными и опасными веществами, в том числе горючими и взрывоопасными материалами, физически напряженная работа, связанная с подъемом тяжестей и большим количеством перемещений и т.д. Сюда же можно добавить необходимость применения в процессе строительства большого количества разнообразного оборудования, пневмо- и электроинструмента, специализированного автотранспорта и прочих агрегатов, требующих дополнительного обучения использующего их персонала и повышенного внимания при работе. Повышенная опасность строительных работ ведет к тому, что любое, даже незначительное, нарушение норм безопасности может стать причиной тяжелых травм и гибели людей, а также значительного материального ущерба. В связи с этим, очень важно практическое обеспечение охраны труда в строительстве: обязательное проведение инструктажа; полное обеспечение работающих средствами индивидуальной и коллективной защиты; недопущение к работе лиц без наряда-допуска, либо не прошедших необходимую подготовку и инструктаж; назначение ответственных лиц за безопасное проведение работ; выполнение других необходимых правил безопасности. Во время строительных работ должны строго выполняться общие требования охраны труда, отраженные в Трудовом Кодексе Республики Узбекистана и других законодательных актах, а также существующие правила и разработанные

на их основе инструкции по безопасному выполнению конкретного вида строительных работ для каждой отдельной специальности.

С другой стороны, конечным результатом строительства является объект, предназначенный для дальнейшей эксплуатации другими людьми на протяжении, как правило, длительного периода времени, исчисляемого десятилетиями. Естественно, эксплуатация этого объекта также обязана быть безопасной, в связи, с чем к возводимым объектам применяются свои, особые требования охраны труда. В первую очередь, это проверка соответствия объекта строительства, его отдельных частей, используемых материалов и технологии производства работ государственным нормативным требованиям охраны труда. Надо сказать, что такая проверка начинается еще до начала строительства, на стадии разработки проектной документации, которая также проходит обязательную государственную экспертизу. Требования выполнения норм охраны труда применительно к объектам строительства закреплены во многих законодательных актах. Например, о необходимости проведения государственной экспертизы условий труда при строительстве производственных объектов отмечается в «Законе об охране труда» Республики Узбекистана и в Трудовом Кодексе РУз. Согласно названным документам, без согласования и одобрения государственными органами охраны труда не может быть введено в эксплуатацию ни одно производственное сооружение, даже собственноручно начало строительства не правомерно без предварительного разрешения. С этой точки зрения при выполнении строительных работ, помимо перечисленных выше требований, должны также неукоснительно соблюдаться необходимые стандарты и предписания других регламентирующих документов, например, «Строительных норм и правил» (КМК).

Указанные две особенности охраны труда в строительстве тесно взаимосвязаны между собой. Нарушение норм охраны труда в процессе производства работ ведет к несоблюдению нормативных требований для конечного объекта строительства. Поэтому очень важным является обеспечение требуемых стандартов, норм и правил охраны труда на всех этапах работы, начиная с разработки проектной документации и заканчивая сдачей готового объекта строительства в эксплуатацию.

Проектирование производственных объек-

тов, разработка новых технологий, средств производства, средств коллективной и индивидуальной защиты работающих должны проводиться с учетом требований по охране труда.

Производственные здания, сооружения, оборудование, транспортные средства, которые вводятся в действие после строительства или реконструкции, а также различного рода технологические процессы должны соответствовать нормативным актам об охране труда.

Более детальные правила по соблюдению норм об охране труда при проектировании, строительстве (изготовлении) и реконструкции предприятий, объектов и средств производства формулируются в Законе «Об охране труда». В частности, Кабинету Министров предписывается определять порядок проведения экспертизы проектов, регистрации, осмотров, испытания производственных объектов. Положение о порядке проведения государственной экспертизы (проверки) проектной документации на строительство и реконструкцию производственных объектов и изготовления средств производства на соответствие их нормативным актам об охране труда, утвержденное Постановлением Кабинета Министров предусматривает проведение экспертизы, обязательной для предприятий всех форм собственности, и независимо от источников финансирования. Запрещается строительство (реконструкция, техническое переоснащение) производственных объектов без предварительной экспертизы на соответствие нормативным актам об охране труда, а также финансирование таких работ до получения положительных результатов экспертизы. Это правило имеет реальное регулятивное значение только для государственных предприятий. Предприятия негосударственных форм собственности могут расходовать прибыль по своему усмотрению, и реальных путей помешать финансированию объектов, не прошедших экспертизу на соответствие нормам охраны труда, нет.

Экспертизу проектной документации на соответствие нормам по охране труда проводят экспертно-технические центры системы охраны труда. Каждый из таких центров обслуживает отрасли, закрепленные за ним в установленном порядке.

До проведения экспертизы проектов на их соответствие требованиям по охране труда должна быть проведена государственная санитарно-гигиеническая экспертиза на соответствие проекта нормативным актам по пожарной

безопасности и экспертиза на соответствие требованиям ядерной и радиационной безопасности (на объектах, подконтрольных Министерству экологии и природных ресурсов).

На проведение работ по экспертизе проектов, собственник должен заключить договор с соответствующим экспертно-техническим центром Госгтехнадзора. В договоре определяются объемы работ по экспертизе, сроки их выполнения и размеры оплаты. Обязанность оплаты работ по проведению экспертизы, естественно, возлагается на собственника. Тарифы на выполнение работ по экспертизе проектов утверждаются Госгтехнадзором по согласованию с Минфином.

С целью обеспечения соответствия строительных объектов проектам, организуется авторский надзор. Положение об авторском надзоре проектных организаций за строительством предприятий, зданий, сооружений утверждено Государственным комитетом по строительству и архитектуре. Авторский надзор не снимает ответственности со строительного-монтажных организаций и заказчиков за соответствие строительства проектно-сметной документации. Заказчики и подрядчики должны обеспечивать соответствие нормам охраны труда производственных зданий, сооружений, оборудования, транспортных средств, вводимых в действие после строительства или реконструкции и технологических процессов.

Литература:

1. ШНК 1.03.02-04. Инструкция о составе, порядке разработки, согласования и утверждения градостроительной документации о планировании развития и застройки территорий / Госкомархитекстрой РУз. – Ташкент. 2004.
2. ШНК 1.03.01-03. Состав, порядок разработки, согласования и утверждения проектной документации на капитальное строительство предприятий, зданий и сооружений / Госкомархитекстрой РУз. – Ташкент. 2003.
3. ШНК 2.01.02-04. Пожарная безопасность зданий и сооружений.
4. КМК 3.01.05-99. Правила производства и приемки работ. Благоустройство территорий.
5. КМК 3.01.02-00. Техника безопасности в строительстве / Госкомархитекстрой РУз. – Ташкент. 2000.
6. Инструкция о порядке проведения государственной экспертизы ТЭО, проектов строительства и градостроительной документации.
7. КМК 1.03.07-96 «Положение об авторском и техническом надзоре за строительством».

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ВАЗИФАСИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИГА ТАВСИФИ**Милов А.; Норкулов О.Н.; Ильмуродов А.; Норкулов О.О. (СамДАҚИ)**

Экологик тарбияда ёшларни экологик маданиятга ўргатиш келажак учун жуда катта фойда беради.

В статье рассмотрены вопросы охраны окружающей среды и экологического воспитания молодежи.

Экология фани ўз илмий тадқиқот методларига эга. Илмий тадқиқот барча фанлар каби экология фанини ҳам такомиллашиб боришига, айрим экологик ҳодисаларни текширишга, уларни тўғри ҳал этишга ёрдам беради.

Дастлаб адабиётлар билан ишлаш методи ҳақида гапирадиган бўлсак, экологик муаммоларни тадқиқ этиш адабиётларни ўрганишдан бошланади. Ўрганиладиган ҳужжатлар ва манбаларга ҳалқ маорифига алоқадор ҳужжатлари, қонуншуносликка оид ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Шу билан бирга экология фанига оид бўлган тарихий – экологик адабиётлар, архив ҳужжатлари, экологик матбуот материаллари, дарсликлар, ўқув – методик ишланмаларни эътиборга олдик.

Экологик таълим – тарбия беришда кузатиш, интервью олиш, анкеталаштириш, ўқувчиларнинг ёзма ва ижодий ишлари, экологик ҳужжатларни ўрганиш методларидан фойдаланилади.

Кузатиш – ўрганиш лозим бўлган педогогик ҳодисани маълум мақсад нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда кузатувчи кузатиш баённомасини олиб боради. Кузатиш обектига оид бўлган аниқ факт материал тайёрланади. Кузатиш белгиланган аниқ режа асосида олиб борилади.

Сухбат – факт – далиллар тўплаш ёки кузатиш давомида тўпланган материалларга аниқлик киритиш мақсадида олиб борилади. Сухбат тадқиқотнинг мустақил ёки ёрдамчи методи сифатида қўлланилади.

Анкеталаштириш – Бу оммавий равишда материал тўплаш мақсадида анкеталар тарқатиш йўли билан амалга оширилади.

Тадқиқот учун муҳим бўлмаган материаллар ўқувчиларнинг ёзма ва бир қанча фанлар бўйича мустақил ишларни бажарган дафтарларни текшириш, ўрганиб чиқиш йўли билан турларга ажратилиши мумкин.

Мактаб ҳужжатларини ўрганиш – ўқувчиларни шахсий ҳужжатлари услубчининг хабарлари, синф журналлари, кундаликлар, йиғилиш ва мажлислар баённомалари тадқиқоти учун олиб борилаётган таълим – тарбиянинг аҳволи, даражаси ҳақида объектив ахборот манбаи

ҳисобланади.

Экологик ҳодисаларни тадқиқ қилиш жараёнида тажриба алмашиш аҳамият касб этади. Махсус ташкил этилган эксперимент муҳим аҳамият касб этади. Махсус ташкил этилган эксперимент қўлланилаётган ёки қўлланиши мумкин бўлган у ёки бу метод ва усуллар самардорлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Математик метод. Бу метод оммавий материалларни таҳлил қилишда (масалан, анкеталаштириш йўли билан тўпланган материалларни ёки маълумотларни умумлаштириш учун) қўлланилади. Бу метод эксперимент натижаларини аниқ баҳолашда ва ривожланиш қонунликлари истиқболини ишлаб чиқишга имконият беради.

Бугунги кунда инсониятни хавф остида қолдираётган ҳодисалардан бири экологик вазифалардан бири ҳисобланади. Жамиятнинг атроф муҳит билан ўзаро бузилган алоқаси кенг жамоатчилик ўртасида катта ташвиш уйғотмоқда. Инсоннинг табиий бойликлардан ҳаддан ташқари ортиқча фойдаланиши оқибатида сайёрамизнинг қиёфаси ўзгариб бормоқда. Яшил ўрмонлар сийраклашиб, ўсимлик ва ҳайвонот турлари камаймоқда, фойдали қазилмалар тугаб бормоқда. Сув хавзалари ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, чиқинди моддаларнинг ортиб бориши натижасида аҳолини озик-овқат билан таъминланиш, энергия ва ичимлик суви муаммолари борган сари мураккаблашиб бормоқда. Оқибатда, миллион-миллион йиллар давомида меъёрий турғун бўлган табиатга путур этмоқда.

Табиатнинг экологик барқарорлиги, турғунлиги ва унинг табиий қонунларининг бузулишига, инсонга экологик билимларнинг етмаслиги, табиатнинг келажакдаги экологик ҳолати қандай бўлишини олдиндан кўролмаслиги сабаб бўлмоқда.

Экологик билим – бу тирик табиатнинг тузилиши, ривожланиш, ер юзидаги тирик жонотларининг ҳолати, уларнинг бир-бири ва атроф – муҳит ўртасида бўлиб турадиган муносабатларини, табиий бойликларининг сон ва сифатини, ҳажмини, хилларини, ҳамда уларни

саклаш ва тежамкорлик билан фойдаланиш йўллари ўзлаштиришдан иборатдир.

Инсон табиатга, ўзини ўраб олган муҳитга ўз муносабатини ўзгартириши, табиат қонунларини билаши, ўрганиши ва улар асосида ўз ҳаётини ривожлантириши шарт. Табиат қонунларига мос келадиган ҳаёт йўллари ишлаб чиқишлари керак. Акс ҳолда инсон ва жамият катта табиий офатлардан ҳалок бўлади. Бир неча миллион йиллар давомида бунёд бўлган коинотнинг табиий кўриниши кейинги 10-15 йил ичида жуда оғир ҳолатга тушди, ифлосланди. Жумладан, тупроқ захарли моддалар боис “жароҳатланди”, сувлар турли моддалар билан ифлосланди ва хоказо. Бу ҳолатлар оқибатида инсон саломатлигига салбий таъсир кила бошлади.

Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири фан-техника ютуқлари асосида аҳолининг турли табақалари орасида экологик таълим-тарбия ва маданиятга оид билимларни олиш йўли билан табиат муҳофазасини тезлаштиришнинг турли чора-тадбирларини ишлаб-чиқиш ҳисобланади.

Табиатга нисбатан ҳурмат ва эътибор билан қарайдиган инсонлар, унинг ҳар бир қарич ерида бўлаётган ижобий ва салбий ўзгаришларни сезади, кузатади, табиатга ёрдам беради, яъни йиқилган бутани тиклайди, касал ҳайвонни тузатади, даволайди, ифлос сувни тозалашга ҳаракат қилади, ёнғинни ўчиради ва хоказо. Ҳозирги кунда жамият ичидаги, жамият билан табиат ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб бораётган бир даврда, ҳўжаликни турли соҳаларини ривожлантириш билан бир қаторда атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланишга оид чуқур билимли, экологик маълумотли ёшларни тарбиялаш вақти келди.

Инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ҳам табиатдан олинади, ҳаттоки инсоннинг ҳасталикдан қутулишни, саломатлигини тиклаш учун зарур бўлган дори-дармонлар ҳам она-табиатда етишган мевалар, турли гиёҳлар ва зираворлардан тайёрланади. Инсон танасида бирорта ҳам ортиқча аъзо бўлмаганидек, табиатда ҳам ортиқча яратилган бирор нарса йўқ. Уларнинг ҳаммаси ҳаёт учун зарур.

Денгиз ва дарёларга, океанларга нефть қолдиқлари қуйилиб, ер юзидаги сув экологияси тубдан издан чиқарилмоқда. Инсон учун қуёш нури, тоза ҳаво, тоза сув нақадар зарур бўлса, она замин ҳам шундай зарур, уни асраб-авайлаш инсонни ўз қўлидадир. Абу Али ибн Сино “Дунёда чанг ва тутун бўлмаганида одам-

зот минг йил умр кўриши мумкин эди”,- деб башорат қилган. Атроф – муҳитнинг тозалигини таъминлаш ўзимизга боғлиқ. Аммо, дунё миқёсидаги завод ва фабрикалар, машиналар механизмлардан ажралаётган газ, тутунлар дунёда жуда беқиёс ажралиб атмосфера ҳавосини бузмоқда.

Экологик тарбия – бу тарбияга мавҳум муҳаббат уйғотиш воситаси эмас, у инсоннинг унга бўлган оқилона муносабатини шакллантириш, меҳр-муҳаббатни барқарорлаштириш усули. Шунинг учун ҳам у кишиларга бўлган ҳурмат ва эътибор, ишонч, улар меҳнатини ва ҳаётини эъзозлаш орқали узок мураккаб йўлни босиб ўтади. Бироқ экологик тарбияни сира ҳам ишонтириш ва кўндириш, табиатни севишга чақирувчи қуруқ даъватнома сифатида тунмаслик керак, у айни вақтда, маълум даражада таъқиқ ва қаттиқ жазо ҳамдир. Аммо кишида ишонч ва эътиқод бўлмаса, бундай таъқиқлар ҳам самара бермайди, муаммолар ҳам ўзича ҳал бўлмайди. Биз “ям-яшил ўтларни топтаманг, чаманзорларни ҳароб қилманг”, дея баландпарвоз шиёрлар осиб қўйишимиз мумкин, лекин саноат корхоналари мўрисида чикаётган тутунлардан ифлосланган осмонга, ҳаво қатламига, захарланаётган қўл ва дарёларга нима деб ёза оламиз. Ҳар қалай табиатни севиш, эъзозлаш ва уни чин юракдан муҳофаза қила олиши- бизнинг ватанпарварлик ва фуқаролик бурчимиз деб билмоғимиз шарт. Бу эса экологик тарбия орқали юзага чиқади. Экологик таълим-тарбияга эътибор бермаслик – келажак авлодларимиз ҳаётига бефарқликдан бошқа нарса эмас.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1998.
2. И.А.Каримов “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. “Шарқ” 1997.
3. И.Холлиев, А. Икромов “Экология” Т. “Меҳнат”. 2001.
4. Ю.Маҳмудов “Экологиядан қўлланма” Т. “Ўқитувчи” 1994.
5. А.Тўхтаев “Экология”. Т. “Ўқитувчи” 1998.
6. Ж.Ф.Йўлдошев, С.А.Усмонов “Педагогик технология асослари”. Т. “Ўқитувчи” 2004.
7. “Таълимий педагогик технологиялар” (услубий қўлланма) “Самарқанд”, 2006.
8. П.Юсупова “Мактабгача тарбия педагогикаси” Т. “Ўқитувчи” 1993.
9. Р. Мавлонова, О.Тўраева, К. Холиқбердиев “Педагогика” Т. “Ўқитувчи” 2001.
10. Б. Фаберман “Илғор педагогик технологиялар” Т. “Фан” 2000.

ТАЪЛИМДА ЭКОЛОГИК МАСАЛАЛАРНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ**Норкулов О.Н.; Мириев А.; Норкулов О.О. (СамДАҚИ)**

Мақолада таълимдаги экологик масалаларнинг айрим жиҳатлари ёритилган, жумладан олий ўқув юртида ўқитишнинг интер-фаол усуллари кўрсатилган.

В статье рассмотрены отдельные положения, касающиеся вопросов экологии и обучения студентов высших учебных заведений с использованием интерактивных методов.

Экология ҳозирги замоннинг кенг миқийсидаги кескин ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қолмайди. Уларнинг бутун дунё миқийсида ҳал қилиш зарурдир. Шунинг учун ҳам муҳтарам президентимиз И.Каримов “Экология хавфсизлик кишилиқ жамиятининг бугунги ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳволи ва сифатини белгилаш имкониятини беради”, - деб тўғри таъкидлаб берган.

Кўриниб турибдики, табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалиқ фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этади. Шу сабабли улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши лозим.

Экология муаммоси, ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб ҳисобланади. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир.

Инсон ва табиат муносабатлари, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Шунинг учун ҳам таълим тизимида экологик таълим ва тарбия деб аталувчи мазкур масала хусусида фикр билдириш муҳимлигича қолади. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона, режали фойдаланиш ғояларини ўқувчи яхши тушуниб етгандагина бу ишни муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Экологик таълимнинг мазмуни кенг қамровли бўлиб, уларни бир фан доирасида ёки бир неча фанларни ўрганиш билан тўлиқ ёритиб бўлмайди. Чунки экологик таълим тарбия тарихий хусусиятга эга бўлиб, у барча тузумларда табиат - жамият – инсон тизимида амалга ошириб келинган.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино “Одамнинг саломатлиги ташқи шароит билан чамбарчас боғланган. Ташқи табиий шароит соғлом бўлса, унинг қўйнидаги инсон ҳам доим соғломдир”, -

деб айтган.

Экологик таълим ва тарбия бериш ҳақидаги фикрлар табиатни севишдан уни ардоқлашдаги ҳоҳиш истаклардан, маъсулият сезишдан, муаммо ҳақида мустақил тафаккур, мушоҳада қилишдан, ижобий хулосалар чиқаришдан, тасаввурларни кенгайтирувчи саёҳатлардан, об – ҳаво ва табиатни кузатишдан, меҳнат кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

Табиат, атроф-муҳит бола учун экологик предмет бўлиб ҳисобланади. Бола эса субъект сифатида кузатиш, идрок этиш, баҳолаш, ўз шахсий муносабатларини амалда намоеън этиш орқали экологик қобилиятни номоеън қилади.

Болаларда экологик билим ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш жараёнида бола шахсининг экологик билими, қобилиятини шаклланишида, яхлит гармоник ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

Экология мавзуси ҳозирги кунда долзарб мавзу ҳисобланади, унинг долзарблиги шундаки, ҳозирги вақтда ҳамма ҳам табиатга нисбатан тўғри муносабатда бўла олмайди. Уларда экологик билим, маданият, тажриба, малака ва кўникма ҳар хил шаклланган. Ҳаммада ҳам табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат етарли эмас. Шунинг учун бўлажак мутахассисларнинг экологик дунёқарашини ривожлантириш, уларнинг табиат тўғрисидаги билим ва малакаларини кенгайтириб бериш лозим. Шу жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда, узлуксиз таълим тизими мазмунига экологик тизимдаги фанлар мажмуаси киритилган. Бу фанлар боғча босқичидан болаларга кенг қамровли тарзда ўргатиб борилмоқда. Экологик билим, ҳақидаги тушунчалар болалар боғчаси тарбияланувчиларининг экологик онги ва маданиятини шакллантиришда муҳим манба бўлиб, инсоният томонидан кадрладиган, авайлаб – асрладиган табиат ва жамият ходисалари, ҳатто ҳаракат меъёрларидан иборатдир. Экологик билим негизида болаларнинг экологик маданиятини шаклланишига таъсир этадиган ғоялар мажмуаси ётади. Болаларда экологик билиб ҳақида тушунчаларни шакллантиришда фаолият муҳим рол ўйнайди. Бола соф маънавий ва

амалий экологик фаолият орқали табиат ва жамият билан муносабатга киришади.

Бу эса боланинг онги ва ҳатти ҳаракатида, қизиқиш ва майлида, ички маънавий оламида ўзгаришнинг вужудга келишига олиб келади.

Олий ўқув юртлардаги “Бўлажак мутахассисларнинг экологик дунёқарашини ривожлантиришда таълимнинг интерфаол методларидан фойдаланилмоқда ва замонавий мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон

УДК. 659.4:336.7

БАНК СОҲАСИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИ

Мирзаева Д.А., катта илмий ходим изланувчи, Мирзаев З.А., ассистент (СамДАКИ)

В статье приведены графические выражения, используемые в банковской предпринимательской деятельности, выражающее научный анализ и общие зависимости четырех элементов маркетинговой концепции, которые являются философией и стратегией рассчитанной на пользователей.

The article presents graphical expressions used in banking business, expressing the scientific analysis and general dependencies of the four elements of the marketing concept, which is a philosophy and strategy designed for users.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий-технологик модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясини концепциясини амалга оширишда миллий банк тизимининг аҳамияти бекиёсдир. Шу муносабат билан тизимнинг ривожлантиришини таъминлашнинг замонавий усулларида фойдаланиш ҳамда илғор тажрибаларни қўллаш долзарб масалага айланмоқда. Ўзбекистон Республикасини биринчи Президенти И.А.Каримов “Иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда банклар ва бошқа молия ташкилотларининг аҳамияти жуда катта, банкларсиз саноат бўлмаслиги, экспорт бўлмаслиги, банкларсиз сармоя бўлмаслигини жуда яхши биламиз. Банк соҳалари ва уларнинг тараққиёти Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида турибди” деб таъкидлаган эдилар. [1]. Ҳақиқатдан ҳам, иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан банк-кредит тизимининг барқарорлиги ва кўрсатилган банк хизматларининг қўламни кенгайтиришга боғлиқ бўлмоқда. Замонавий – банк тизимини молия бозорини кузатиш, тадқиқ қилиш ва таҳлил функцияларисиз тасаввур қилиш қийин. Маркетинг хизмати банкларда ўзига хос кўринишга эга бўлмоқда. Маркетинг концеп-

тараққиётининг пойдевори. Т. “Шарқ” 1997.

3. Холлиев И., Икромов А. Экология. –Т.: Мехнат, 2001.

4. Маҳмудов Ю. Экологиядан қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1994.

5. Тўхтаев А. Экология. –Т.: Ўқитувчи, 1998.

6. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. –Т.: Ўқитувчи” 2004.

7. “Таълимий педагогик технологиялар” (услубий қўлланма) “Самарқанд”, 2006.

8. Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси –Т.: Ўқитувчи. 1993.

9. Мавлонова Р., Тўраева О., Холикбердиев К. Педагогика. –Т.: Ўқитувчи. 2001.

10. Фаберман Б. Илғор педагогик технологиялар. –Т.: Фан. 2000.

цияси негизида банк фаолиятини мукаммаллаштириш модели шаклланади ва кейинчалик унинг ташқи ва ички муҳитни ривожлантириш бўйича чоралар ишлаб чиқилади. Банкларнинг умумий тавсифи мақсади ва вазифаларига қараб маълум бир маркетинг концепцияси танланади. Шу билан биргаликда замонавий банк тизимда алоҳида банкмаҳсулотлари (хизматлари) бўйича ҳам маркетинг концепцияси танлаши мумкин. Баъзи бир банклар эса ташқи ва ички омилларга боғлиқ тарзда дарҳол ўз концепцияларини ўзгартиради [2]. Банк муассасаларида қўлланиладиган маркетинг концепцияларини кўриб чиқадиган бўлсак, улардан қўйидагиларга эътибор қаратишлозим:

1. Ишлаб чиқариш концепцияси ёки банк технологиясини такомиллаштириш концепцияси. Ушбу концепция банк хизматларини кўрсатганда вақт ва маблағни тежашга қаратилган технологияларга асосланишни тақозо қилади. Айнан сарф-харажатларнинг пастлиги мижозга таклиф этилади.

2. Концепциянинг мижоз учун жозибадорлиги хизматни ўзгаришсиз тақдим этилишидир. Товар концепцияси, яъни банк хизматларини такомиллаштириш концепцияси, мазкур концепцияни танлаган банклар мижозларни


рақобатчиларидан ўзининг тавсифи ва сифати бўйича юқори бўлган банк хизматларига жалб этиш ва шу асосда мижозларга кўпроқ фойда келтиришни, таклиф этадилар. Банклар бу ҳолатда кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини оширишга кўп ҳаракатларини қаратадилар.

3. Савдо концепцияси, хорижий адабиётларда тижорат фаолиятини интенсификациялаштириш концепцияси деб аталади, бу маркетинг тадқиқотлари асосида керакли даражадаги мижозларни ва кўрсатиладиган хизмат ҳажмини ошириш мақсадида банк хизматлари рекламасини ва самарали маркетинг ахборотлар тизимини ташкил этишдан иборатдир. Мазкур концепциянинг танланиши банкнинг фаолият соҳасига талабнинг пастлиги ҳамда хизматларнинг тор доирадаги мижозларга йўналтирилганда самара бериши мумкин.

4. Анъанавий маркетинг концепцияси банк хизматларининг молия-банк бозоридаги талаб хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиши ҳамда мижознинг истакларини устун қўйишга асосланади.

“Банк мижоз учун” шиори айнан, шу концепциянинг ифодасидир. Маркетинг концепцияси талаб ҳажми ва таркибининг танлашдан бошланиши ва натижада таклифни шакллантиришни тақозо қилади.

Юқорида санаб ўтилган маркетинг концепцияларининг умумий боғлиқлигини куйидаги график шаклида ифодалаш мумкин (1-расм). Бу ерда C_1 ўқи – банк мижозлари манфаатларининг кондирлишини ифодалайди; C_2 ўқи эса – банкнинг ўзининг манфаатини ифодалайди. Банкларни тўртта квадрантга бўлиш, уларга бўладиган хавф – хатар даражасини аниқлаш учун катта аҳамият касб этади. Шу асосда аниқ ва потенциал мижозлар билан ишлаш тактикаси ва стратегияси ишлаб чиқилади.



1-расм. Маркетинг концепцияларининг умумий боғлиқлиги


Биринчи квадрантга маълум даражада фойда олиб, мижозлар қизиқишини кондирётган банкларни киритиш мумкин, бу банклар барқарорлик (ишонч-лилиқ) рейтингда биринчи ўринни эгаллайди ҳамда бу квадрантга киритиладиган банклар мижозларга юқори сифат даражасида комплекс хизматлар кўрсатади,

бу банкларнинг мижозлари ҳам молиявий барқарор ҳисобланадилар. Иккинчи квадрантга мижозлари банк хизматлари бозорида етарли даражада маълумотга эга бўлмаган банкларни киритиш мумкин, шу сабабли аниқ банк хизматлари учун мижозлар бошқа банклардагига нисбатан ортикча пул тўлайдилар. Бу квадрантда кўпчилик ҳолларда банк технологияси учун ортикча харажатлар қилмасдан, юқори фойда олишни хоҳловчилар туради. Банкларнинг бу квадрантда туриши кўпчилик ҳолларда икки йилларга чўзилади, кейинчалик бундай банклар бизнес дунёсида ва мижозлар назарида ўз ҳурматини йўқотади. Учинчи квадрантга банкрот бўлган банкларнинг иқтисодий ва маркетинг соҳасидаги йўл қўйган камчиликлари туфайли ёки банклар томонидан сотиб олинган қимматли қоғозларнинг қиймати пастайиши оқибатида банкларнинг шартномавий мажбуриятларини бажармаслиги ҳисобланади. Тўртинчи квадрантга кўпчилик ҳолларда банк ссудаси ҳисобидан янги технологияларни жорий этадиган, саралаш сиёсатини ўзгартирадиган, бозор талабини ўрганмасдан ишлаб чиқариш ҳажмини оширадиган, умуман мижозлари хайрихоҳ банкларни киритиш мумкин [2]. Шунингдек, бу квадрантга болалар, қариялар, касаллар, ногиронлар учун товарлар ишлаб чиқарадиган мижозларга кредитлар берадиган банклар киради.

Ижтимоий – ахлоқий концепция. Бу концепция банкнинг мақсадли фалса-фаси, ғояси, сиёсати ва стратегияси тор тармоқлар манфаатига эмас, балки умуминсоний, умумжамоа манфаатларига қаратилишидан далолат беради. Бу концепция банк учун энг истиқболли концепция ҳисобланиб, унинг замонавий кўринишларидан бири “7-S” концепцияси ҳисобланади (2-расм).

Бу ерда банк маркетинги воситалари ёрдамида истеъмолчиларнинг, ишлаб чиқарувчиларнинг ва жамиятнинг манфаатлари уйғунлашади. Бошқача айтганда, мижозларнинг талабининг кондирлиши жараёнида банклар ўз фойдасини олади, жамият эса (банк ва мижозлар орқали) бюджет ажратмалари ёки ижтимоий объектлар қуриш шаклида ўз ҳиссасига эга бўлади. “7-S” тизимининг ҳамма элементлари аниқ мазмунга эга, улар ўзгарувчан, ҳар хил ташқи ва ички омилларга боғлиқ ҳисобланади. Банклар учун уларни бутун ҳажмда амалга ошириш кўп моддий харажатлар талаб қилади. Энди эса “7-S₂ системаси элементларини кўриб чиқамиз. C_1 – банк мижози ёки банк хизмати истеъмолчиси. Ҳар қандай банк агар унинг хизматларига истеъмолчи бўлган

ҳолдагина яшай олади вабозорда банк ҳамда истеъмолчи учрашади. Молия бозорининг ўзига хос – хусусияти шундан иборатки, бунинг асосий субъектлари бир – бири билан чамбарчас боғланган, улар орасидаги муносабатлар ҳам аниқ, лекин кўп омилларга боғлиқ бўлади.



2-расм. Маркетингнинг иқтисодий-ахлоқий концепцияси “7-S” тизимининг элементлари

Банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши ҳар-бир мижоз билан муносабатларни ташкил этиш муаммоларига алоҳида эътибор беришни, банклар ва мижозлар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишни тақозо этади. Бу эса ўзнавбатиде рақобатда ютиб чиқишнинг гарови ҳисобланади. C_2 – кадрлар, яъни банк, мижоз ва рақобатчиларни бир – бирига боғловчи элемент ҳисобланади. Ҳар қандай банкнинг самарали фаолият кўрсатиш даражаси кадрлар малакаси ва уларнинг ўз ишларига муносабатига кўп даражада боғлиқ бўлади. Бу ерда банк учун асосий муаммо – кадрларни излаш ва раҳбар мижозлар ва рақобатчилар ҳақида ахборотларни йиғиш ҳисобланади. C_3 – коммуникация; бу дегани банк хизматлари истеъмолчиларига у ёки бу хизматлар бўйича асосий банк ғоялари ва аниқ тадбирларини етказишнинг шакл ва услубларидан иборатдир; C_3 - ўз ичига тўртта масалани қамраб олади; $C_{3.1}$ – коммуникациянинг техник таъминоти (телевизор, радио, интернет ва бошқалар); $C_{3.2}$ – истеъмолчилар, мижозлар учун шартноманинг предмети, банк хизмати ҳақида ва унинг тавсифи, банк хизматлари кўрсатиш тартиби ҳақида ахборотларнинг тўлаллиги; $C_{3.3}$ – мақсадни аниқ ва тушунарли қилиб баён этиш. Бу ҳолат вақтни тежайди, фаолиятнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради; C_4 – координация, яъни банк ташкилотининг объектлари ва субъектлари фаолиятида тўғри ва тесқари алоқаларнинг мавжудлиги; C_5 – сифат маълум бир мижозларнинг талабини қондириш мумкин бўлган хизматлар хусусиятларининг мажмуи; C_6 – рақобат: ўз мақсадларига эришишнинг фойда-

ли шароитлари учун ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги кураш ва ҳамкорлик жараёнидир, яъни айрим товарларнинг (хизмат) рақобатбардошлигини аниқлаш учун баҳо, ишлаб чиқариш харажатлари, фойда каби кўрсаткичларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (хизматнинг) юқори даражада рақобатбардошлиги маҳсулот ва хизматларнинг тенги йўқ сифати билан чамбарчас боғлиқ бўлади; C_7 – маданият: системанинг юқорида келтириб ўтилган ҳамма компонент-ларини ўз ичига олади ва жамиятнинг, шунингдек айрим қатламларнинг ривож-ланиш даражасини ифода қилади. Банкларнинг “7-S” концепциясини қўллайдиган маркетинг фаолияти модели кўп ўлчамли ва ижтимоий йўналтирилгандир. “7-S” маркетинг концепцияси банк тадбиркорлигининг системали фалсафаси ҳисобланади, чунки у банк фаолияти тўғрисида катта ҳажмдаги ахборотларни тўплаш, ишлов бериш ва таҳлил қилишни кўзда тутди. Албатта, бундай банклар тўла ахборотларга эга бўлмаган банкларга қараганда рақобатда бирмунча устунликларга эга бўлади. Лекин, бундай ахборотларни олиш катта ҳажмдаги харажатларни ва малакали ходимлар бўлишини талаб қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бу концепциялардан ҳар бири молия ва банк хизматлари соҳасида у ёки бу даражада қўлланилмоқда. Илмий изланишлар натижасида банк маркетингининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат эканлиги аниқланди, яъни банк хизматлари бозори ва унга талабларни комплекс ўрганиш ҳамда бўлғуси ривожини башорат қилиш; банкларнинг ишлаб чиқариш – сотиш, экспорт ва бошқа имкониятларини реал баҳолаш; узок муддатли маркетинг стратегиясини, унинг мақсади, вазифаларини, амалиётга жорий этиш йўллари кўрсатган ҳолда ишлаб чиқиш; бозор талаби ва банк потенциали асосида товар сиёсатини режалаштириш; талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш; сотишни режалаштириш ва ташкил этиш. Бу функцияларни жорий этиш банклар хўжалик фаолиятини яхшилаш учун шароит яратади. Шундай қилиб, банк маркетингларини молия хизматлари бозорида ва иқтисодиётда рўй бериши мумкин бўлган кризис ҳолатларни бартараф этишлари учун маркетинг фаолиятини бошқаришнинг ҳозирги замон усулларини билишлари талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2015 йил иқтисодиётимизда туб

таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вази-фамиздир. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган

иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналиш-ларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг маж-лисисидаги маърузаси, 2015 йил 17 январ.

2. Ламбен Ж.Ж. Стратегический маркетинг: учебник/Ламбен Ж.Ж –СПб: Наука, 2011г. 487с.

UDK:640.24

BUTIK MEHMONXONALARNING SHAKLLANISHI, RIVOJLANISHI VA AFZALLIKLARI, ULARNI O'ZBEKISTONDA YARATISH MUAMMOLARI

Suyarov A. Sh. (SamISI)

There are some points about boutique hotels in this article. Especially, you can see data of first boutique hotels, results of creation, developing, effects in hospitality and others like them. Furthermore, it has some opinions for boutique hotels in Uzbekistan.

В статье идет речь об одном из направлений гостиничного бизнеса индустрии туризма – гостиничных бутиках. В частности об их организации, развитии, преимуществах, доходах и другие. Даны предложения по организации гостиниц бутиков в Узбекистане.

Butun dunyoda turizm va unga bog'liq bo'lgan xizmatlar biznes faoliyati turlari jadal rivojlanib bormoqda. Hozirgi kunga kelib rivojlangan mamlakatlarda ushbu yo'nalish iqtisodiyotning muhim qismiga aylanib ulgurgan. Mehmondo'stlik sanoati tushunchasi bevosita ko'plab soha va yo'nalishlarga ega bo'lib, turizm uchun zarur mahsulotlarni ishlab chiqarish va yuqori darajadagi xizmatlarni ko'rsatishdan iborat. Uning tarkibiga joylashtirish vositalari – mehmonxonalar, hostellar, motellar kabilarni kiritish mumkin. Ularning har biri o'z vazifasi va maqsadiga ega.

Bugungi kunda har qanday sayyoh uchun eng keraklisi – bu qulay sharoit va kechasi yaxshi dam olish hisoblanadi. Shuning natijasida, zamonaviy mehmonxonalar uylarga xos bo'lib bormoqda. Qanchalik mehmonxona oddiy va zamonaviy qulayliklarga ega bo'lsa, shunchalik sayyoh uchun mos va shinam hisoblanadi. Shu bilan birga, sayyohlar oddiy qulayliklar va shinamlikdan ko'ra ko'prog'ini ham xohlashadi. Sayyohlarning aksar qismi taajjubda qolishni xohlashadi. Ular sayohatlarini rejalashtirish mobaynida bir ko'rishda boshqalardan farq qiladigan, lekin brend (zanjir tizimidagi) mehmonxonalaridagidek hisni beruvchi mehmonxonalar qidirishadi. Shuning uchun, butik mehmonxonalari hozirgi kunda ommabop bo'lib bormoqda.

Mehmonxonalarda “Butik” uslubi 1984-yil Nyu-Yorkdagi menejerlarlar Ian Shrager va Stiv Ryubellar Medison avenyusida “Morgans”ni ochganlarida yaratilgan. Bu uslub o'sha davr uchun g'alati va individual bo'lgan. Ammo, o'sha paytda yirik brend mehmonxonalar dominant bo'lishgan. “Butik mehmonxona” termini Ryubell tomonidan foydalanilgan bo'lib, u bu yangicha

turni xuddiki yirik do'konlarga qarama-qarshi qo'ygandek butik deya ta'rif beradi [4].

“Butik mehmonxona” tushunchasini umumiy ta'riflash uchun, biz jumladagi har bir so'zni alohida ko'rib chiqishimiz zarur. Demak, “Butik” – bu kichik va hashamadli bo'lgan kamyob turdagi mahsulotlar sotiladigan do'konlar bo'lsa, mehmonxona esa oddiy uylardan farqlanadigan qulayliklarga, shinamlikka va bezaklarga ega bo'lgan xonalarni qisqa muddatlarga taklif qiluvchi, asosan sayyohlarga mo'ljallangan joylashtirish korxonalari hisoblanadi.

“Butik mehmonxonalar” yirik zanjirli tizimga ega mehmonxonalarga juda zid tarzda qurilgan va faoliyat yuritadigan bo'lib, ularning hajmi kichik, ajoyib va maftunkor hududlarda joylashgan, noodatiy jihozlar bilan bezatilgan va bir kishi yoki oilaviy dam olish imkonini beruvchi qulayliklarga ega atmosfera shakllangan hisoblanadi. Yirik zanjir tizimli mehmonxonalardan farq qilib, butik mehmonxonalari g'ayrioddiy zavqni va dam olishni in'om etadi. Shunisi aniqki, kichik hajmli ushbu mehmonxonalar mijozlar uchun xavfsiz va o'zlarini erkin his qilish imkonini berdi. Butik mehmonxonalarda hordiq chiqarayotgan mijozlar bir-birlari bilan o'zaro tanishish va muloqot olib borish imkoniga bevosita ega bo'ldi va bir qancha yirik mehmonxonalar uddalay olmaydigan turli xizmatlar ko'rsatildi. Mijozga individual yondashildi.

Hozirgi kunga kelib esa g'ayritabiiylik va noodatiylik butik mehmonxonalarning asosiy xususiyatiga aylanmay qoldi. Butun dunyo bo'ylab “Butik mehmonxona” termini o'lcham jihatdan farq qiluvchi va quyidagi ko'rinishlarga ega mehmonxonalar uchun ishlatilmoqda:

- kichik hashamadli mehmonxonalar;
- ko'proq zamonaviy stilga ega;
- chindan ham ajoyib xizmatlarni taklif etadi;
- noodatiy ko'rinishga ega;
- hozirgi kunda o'zlarini "yashashning o'ziga xos uslubi" deya ataydigan va elegant hayot tarzini taklif etuvchi mehmonxonalar [4].

Yuqoridagilarning barchasini odatda 20 tadan 150 tagacha xonalar fondiga ega va kichik bo'lgan mehmonxonalarda his qila olasiz. Butik mehmonxonalarining ko'pchiligida "qutidagidek hissiyot"ni sezmaydiz. Bunga sabab esa ulardagi xonalarning barchasi individual bezatilgan va ajoyib noodatiy hisni tuyish imkonini beradi.

Quyida 2012-yildagi dunyoning eng mashhur uchta ajoyib Butik mehmonxonalari haqida ma'lumotni ko'rishimiz mumkin

1-jadval. Dunyoning TOP-3 butik mehmonxonalari [7]

№	Nomi	Joylashgan joyi	Xonalar fondi	Xususiyati
1	Maison 140	Kaliforniya, AQSh	44	4 qatorli yotoqlar, dizaynda turli ranglarning jilolanishidan foydalanganlik, noodatiy dekoratsiyalar. Delyuks Italyan choyshablari. Kelli Verstler tomonidan dizaynlashtirilgan.
2	Amandari	Bali, Indoneziya	30	Mehmonxona xuddiki tirik galereyani eslatadi. Bu yerdagi jihozlar va bezaklar qishloqlarga xos bo'lishi bilan birgalikda zamonaviy spa, basseyn va tennis kortlari ham mavjud.
3	Royce Hotel	Melburn, Avstraliya	100	Italiya marmari, SPA va nafis bezatilgan mebel jihozlari. Mehmonxona yoqimlilikga boy bo'lgan biznes markazini, katta ball zalini, banket va majlislar zalini, sport zali, kutubxona va shu kabilarni taklif etadi.

Butik mehmonxonalar mijozlari o'zlari uchun standard xonalardan ko'ra noodatiy turmush tarzini afzal biluvchilar hisoblanishadi. Shunday ekan, kichik butik mehmonxonalar zamonning o'zgarishi, mijozlar talab va ehtiyojlarining tinimsiz o'zgarish borishiga moslashishi zarur va butik mehmonxonalar bozori rivojida tinimsiz o'sishni amalga oshirishlari zarur.

Butik mehmonxonalar umuman olganda 100 tadan ortiq xonalarga ega bo'lmagan va hayotiy faoliyatning noodatiy turini taklif qiladigan,

dizaynga urg'u qaratgan va yuqori sifatli xizmatlarga xos mehmonxonalaridir. Hozirgi kunda ushbu mehmonxonalar bozori rivojlanayotgan bir paytda "Yashash uslubi"(Lifestyle) tushunchasi ham ko'paya bormoqda. "Lifestyle" mehmonxonalar ham xuddi butiklar kabi 100 ta atrofidagi xonalarda noodatiy hayot tarzini taklif etadi. Ushbu termin sohaga yirik mehmonxonalar zanjiri kirib kelgandan so'ng ishlatila boshladi. "Lifestyle" mehmonxonalar tipini taklif etuvchi yirik brendli zanjirlarga Starvud tizimidagi "W", Marriotdagi "Edition", InterContinental mehmonxonalar guruhining "Hotel Indigo"lari misol bo'la oladi. Ammo, ular unchalik ham kichik emas. Masalan, W-Barselona 473 ta xonalar fondiga ega bo'lsa, Londonning Liverpool ko'chasidagi Andaz mehmonxonasida 267 ta xonalar mavjud [6]. Qo'shimchasiga, ushbu zanjirlar o'zlaridagi boshqa mehmonxonalardan ham afzalroq va qulayroq hisoblanishadi, iqtisodiy jihatdan ham samarador. Albatta, butik mehmonxonalar bozorida zanjirlar tizimining paydo bo'lishi bilan ularning butik mehmonxonalar rivojidadagi o'rni va ta'siri, ular chindan ham "Butik" bo'la olishadimi, degan savollarga sabab bo'ladi.



1-rasm. W-Barselona "WET Deck" mehmonxonasi, manbaa: HVS.com

Bilamizki, xalqaro zanjirlar tizimidagi mehmonxonalar odatda standartlashgan va biznes mehmonxonalarni taklif etishadi. Ularning asosiy qismida esa bir xil uslub mavjud. Mijozlar biror begona mamlakatda yoki hududda bo'lishganida o'ziga tanish bo'lgan brend ostidagi mehmonxonani tanlashgan. Mijozlarning xohish va irodasini hisobga olgan holda zanjir tizimida ham mahalliy hududga moslashish va noodatiy uslubni taklif qilish rivojlana bordi. Butik mehmonxonalar sohasiga qadam qo'ygan yirik zanjirli tizimdagi mehmonxonalar individual butik mehmonxonalar kabi tabiiylik va noodatiylikni tanlab oldi. Xalqaro zanjirlar ushbu mehmonxonalar yaratilishida va

rivojlanishida o'zgarish ham olib kirishdi. Ya'ni, ular nomdor dizaynerlik uylari va urfda bo'lgan kompaniyalar bilan shrtnomalar imzolashdi. Masalan, Bulgari, Missoni va Armani kabilar butik mehmonxonalariga yanada hashamad taqdim etdi. Shundoq ham erkin butik mehmonxonalarining rivojlanayotgan bir davrida sohaga xalqaro zanjirlar tizimining kirib kelishi butik mehmonxonalar bozorida o'ziga xos raqobatni vujudga keltirdi va bu kelajakda rivojlanishdan dalolat berdi. Bu holat boshqa standard mehmonxonalarini ham umumiylikdan qochishga va boshqalardan farq qilishga unday boshladi. Butik mehmonxonalarining asosiy xususiyati – bu ulardagi noodatilik va eksklyuzivlik bo'lishiga qaramasdan, soha rivojlanishi bilan bir qatorda butik mehmonxonalarida individuallik, hashamadli sifat va mijolarga alohida e'tibor bilan xizmat qilish xususiyatlari ham paydo bo'la boshladi. Butik mehmonxonalar rivojlana boshlagandan so'ng, ulardagi ovqatlantirish xizmati ham boshqa mehmonxonalaridagidan farq qila boshladi.



2-rasm: "Missoni" mehmonxonasi, Edinburg, Buyuk Britaniya, manbaa: HVS.com

Butik mehmonxonalar jahon bozorida o'z o'rniga ega bo'lib ulgurgan va rivojlanib bormoqda. Shunday ekan, O'zbekistonda ham ushbu mehmonxonalarini yaratish jahon bozorida raqobatbardoshlikni ta'minlaydi. Mehmonxonaning "Butik" tipi mijozlarning yuqori qatlamini jalb etishda muhim hisoblanadi. O'zbekistonda hozirgi kunda bir nechta butik mehmonxonalar mavjud bo'lib, ammo ko'p emas. Butik mehmonxonasi yaratish davomida aynan mamlakatimiz sharoiti uchun quyidagi umumiy SWOT tahlilini ko'rib chiqish mumkin:

Yuqoridagi SWOT tahlilining "Kuchli tomonlar" bandida ko'rsatilgan barcha jihatlar mamlakatimizdagi shart-sharoitdan kelib chiqib tuzilgan. Ya'ni, mamlakatimizda yaratilishi mumkin bo'lgan butik tipidagi mehmonxonaning aynan yuqoridagidek kuchli tomonlari mavjud. Noodatilik dizayn yurtimiz milliy matolari va bezaklaridan

foydalangan holda shakllantirilishi mumkin. Albatta, ushbu dizaynning noodatilik deyilishiga sabab, milliy bezaklarning zamonaviy talqinda ishlatilishidir. Xodimlarning mijozlarga individual yondashishi butik mehmonxonalarida xalqaro standart kabi o'rnatilgan bo'lib, O'zbekistonda ham ushbu qoidani joriy qilish imkoniyati mavjud. Shubhasiz, bunday holatda xodimlarning etika-estetika, gigiyena qoidalari rioya qilishlarini nazorat qilish muhim. Shuningdek, mamlakatimizga tashrif buyuradigan mehmonlarning ko'pchiligi (ayniqsa, qo'shni mamlakatlardan) qayta tashrif buyurishga moyil hisoblanadi. Bunday holda, mehmonxonaning doimiy mijozlarga ega bo'lishi uchun imkoniyat yaratiladi. Doimiy mijozlarning o'zlari bilan do'st va tanishlarini olib kelish imkoniyati ko'proq.

2-jadval. Butik mehmonxonasini yaratish SWOT tahlili matritsasi [6]

Kuchli tomon (S)	Kuchsiz tomon (W)
Noodatilik dizaynga ega bo'lishi	Yuqori narx. Odatda butik mehmonxona harajatlarini qoplash uchun qimmat narx taklif qiladi.
Xodimlarning mijozlarga alohida yondashishi	Cheklangan sonli nomer fondi
Qayta keluvchi ko'plab mijozlar	Turizmning mavsumiyligi (bahor va kuz)
Qulay joylashuv (Shahar turistik markazida)	Ijtimoiy tarmoqlardagi passivlik. Bu holat reklamaning sustligiga olib keladi.
Qadimiy meroslarimizning ko'pligi	Texnologiyaning kam ishlatilganligi. Bunda asosiy AKT vositalari ham inobatga olingan.
Imkoniyatlar (O)	Tahdidlar (T)
Iqtisodiy tiklana olish	Muqim bo'lmagan global atrof-muhit
Mahalliy va xalqaro turistlarning sonining ko'payishi	Kuchli raqobat
Internetga tezda kira olish	Mehmonxona o'rnini egallovchilarning paydo bo'lishi
O'zbekistonning turizm jahon bozoriga yangidan kirib kelishi	Qo'shni mamlakatlardagi siyosiy holatning keskinlashuvi

Yurtimizdagi turistik shaharlar markazlarida doimiy ravishda joylashtirish vositalarini tashkil qilish uchun imkoniyatlar yaratiladi. Ko'chalar ham obod qilingan. Bu holat butik mehmonxonaning rivojlanishiga sabab bo'ladi. O'zbekistonda 3000 dan ziyod tarixiy yodgorliklar mavjud hisoblanadi. Ushbu omil orqali mamlakatimiz xalqaro turizm bozorida o'z o'rniga ega bo'lib bormoqda. Butik mehmonxonasi

faoliyatini tashkil qilishda ushbu jihatni ham hisobga olish zarur. Sababi, tarixiy obidalar yillar o'tgan sayin qadri yuksaladi va yanada ko'proq sayyohlarni o'ziga jalb etadi.

“Kuchsiz tomon” bandidagi ko'rsatilgan omillar ham xuddi yuqoridagidek yurtimiz sharoitidan kelib chiqqan. Butik mehmonxonani yaratishda va uning faoliyatidagi harajatlar juda yuqori hisoblanadi. Ushbu harajatlarni qoplash uchun esa yuqori narx o'rnatilishi mumkin. Odatda, yuqoridagi narxdagi mehmonxonalar daromad topishi qiyin. Nomerlar sonining chegaralanishi butik mehmonxonalarining o'ziga xos xususiyatlarini belgilaydi. O'zbekiston mehmonxonalari xalqaro ijtimoiy tarmoqlarda juda sust hisoblanadi. Shuni ham unutmaslik zarurki, ijtimoiy tarmoqlar (facebook, twitter, youtube) hozirgi kunda reklamaning eng samarali usulidir. Zamonaviy mehmonxonalarining o'ziga xosligini AKT vositalarining qanchalik darajada qo'llanilganligiga qarab ham belgilash mumkin.

Butik mehmonxona yaratishdagi “Imkoniyat”lar esa mehmonxona faoliyati va kelajak tahlillarida ko'rinadi. O'zbekistondagi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlariga yaratilgan shart-sharoitlar tufayli biznesmenlar iqtisodiy jihatdan qayta tiklana olish xususiyatiga ega bo'lib bormoqdalar. Bundan tashqari yildan-yilga yurtimizga tashrif buyurayotgan sayyohlar soni ortib bormoqda. Turizmda nu holat ijobiylikdan va taraqqiyotdan dalolat. O'zbekistonning xalqaro turizm bozorida yangi ekanligi unga nisbatan boshqalarda kuchli qiziqish paydo bo'lishini bildiradi.

$$\beta(\beta - 1)(\beta - 2) \neq 0, \quad 3\beta = \beta - 2, \quad \beta = -1,$$

$$\cos^{-3}(\mu\xi): \quad \frac{a\varepsilon^2}{3}\lambda^3 + 2b\lambda\mu^2 = 0,$$

$$\cos^{-2}(\mu\xi): \quad \frac{a\varepsilon}{2}\lambda^2 = 0,$$

$$\cos^{-1}(\mu\xi): \quad (a - c)\lambda - b\lambda\mu^2 = 0.$$

Решение этой системы приводит к

$$\lambda \left(\frac{a\varepsilon^2}{3}\lambda^2 + 2b\mu^2 \right) = 0, \quad a\varepsilon^2\lambda^2 = -6b\mu^2,$$

$$\lambda = \pm \sqrt{\frac{-6b}{a}} \frac{\mu}{\varepsilon}, \quad (a - c) - b\mu^2 = 0,$$

$$\mu^2 = \frac{a - c}{b}, \quad \mu = \pm \sqrt{\frac{a - c}{b}} \quad (13)$$

Тогда подставив (13) в уравнение (8), точное решение этого уравнения можно записать в виде ($0 < a < c, b < 0$)

$$u(x, t) = \pm \sqrt{\frac{6(c - a)}{a\varepsilon^2}} \sec \left[\sqrt{\frac{a - c}{b}}(x - ct) \right].$$

Частные случаи:

1) для уравнение Кортевега-де Фриза (это уравнение описывает, в частности, распространения локализованных волн без изменения их свойств (формы, скорости и т.д.) [5])

$$u_t + a uu_x + bu_{xxx} = 0$$

имеем решение вида (см. рис.1, [8, 10])

$$u(x, t) = \frac{3c}{a} \sec^2 \left[\sqrt{\frac{-c}{4b}}(x - ct) \right] \text{ при } c < 0$$

$$\text{или } u(x, t) = \frac{3c}{a} \csc^2 \left[\sqrt{\frac{-c}{4b}}(x - ct) \right] \text{ при } c < 0;$$

$$u(x, t) = \frac{3c}{a} \operatorname{sech}^2 \left[\sqrt{\frac{c}{4b}}(x - ct) \right] \text{ при } c > 0$$

$$\text{или } u(x, t) = \frac{3c}{a} \operatorname{csch}^2 \left[\sqrt{\frac{c}{4b}}(x - ct) \right] \text{ при } c > 0;$$





Рис.1.

2) для уравнения регуляризованных длинных волн

$$u_t + (a - 6u)u_x - bu_{xxx} = 0, \quad a, b > 0$$

имеем решение вида

$$u(x, t) = \frac{a - c}{2} \sec^2 \left[\sqrt{\frac{a - c}{4b}}(x - ct) \right] \text{ при } a > c$$

или

$$u(x, t) = \frac{a - c}{2} \csc^2 \left[\sqrt{\frac{a - c}{4b}}(x - ct) \right] \text{ при } a > c;$$

$$u(x, t) = -\frac{a - c}{2} \operatorname{sech}^2 \left[\sqrt{\frac{a - c}{4b}}(x - ct) \right] \text{ при } a < c$$

или

$$u(x, t) = -\frac{a - c}{2} \operatorname{csch}^2 \left[\sqrt{\frac{a - c}{4b}}(x - ct) \right] \text{ при } a < c.$$

3) для дисперсного уравнения (модифицированное уравнение Кортевега-де Фриза, которое описывает процесс нелинейной дисперсии и формирование структур, как капля жидкости и др. [5])

$$u_t - \delta u^2 u_x + u_{xxx} = 0$$

имеем решение вида

$$u(x, t) = \mp \sqrt{\frac{6}{\delta}} \mu \sec(\mu(x + ct)),$$

где δ - ненулевая положительная константа.

4) для уравнения Гарднера (смешанное уравнение Кортевега-де Фриза, которое очень широко изучено в различных областях физике

плазмы, гидродинамике, квантовой теории поля, физике твердого тела и др. [5])

$$u_t + 6(u - \varepsilon^2 u^2)u_x + u_{xxx} = 0$$

имеем решение вида

$$u(x, t) = \mp \frac{\sqrt{6-c}}{\varepsilon} \operatorname{sec}(\sqrt{6-c}(x-ct)),$$

2. Модифицированное уравнение Бенжамин-Бона-Махони. Рассмотрим уравнение вида [6]

$$u_t + a(1 + \varepsilon u + \varepsilon^2 u^2)u_x + bu_{xxt} = 0, \quad a, b > 0 \quad (14)$$

который описывает многие реальные физические явления, где a , ε и b являются постоянными, а $u(x, t)$ является неизвестной функцией.

Сначала для удобства уравнение (8) переписем в виде

$$u_t + au_x + a\varepsilon uu_x + a\varepsilon^2 u^2 u_x + bu_{xxt} = 0. \quad (15)$$

После анализа, представленного выше в $u(x, t) = u(\xi)$ и (2), уравнение (15) преобразуется в

$$-cu'_\xi + au'_\xi + \frac{a\varepsilon}{2}(u^2)'_\xi + \frac{a\varepsilon^2}{3}(u^3)'_\xi - cbu'''_{\xi\xi\xi} = 0. \quad (16)$$

Интегрируя (16) один раз и используя постоянную интегрирования равной нулю, мы находим

$$(a-c)u + \frac{a\varepsilon}{2}u^2 + \frac{a\varepsilon^2}{3}u^3 - cbu''_{\xi\xi} = 0. \quad (17)$$

Подставив (7) в (17) получаем

$$(a-c)\lambda \cos^\beta(\mu\xi) + \frac{a\varepsilon}{2}\lambda^2 \cos^{2\beta}(\mu\xi) + \frac{a\varepsilon^2}{3}\lambda^3 \cos^{3\beta}(\mu\xi) + \lambda b c \mu^2 \beta^2 \cos^\beta(\mu\xi) - \lambda b c \mu^2 \beta(\beta-1) \cos^{\beta-2}(\mu\xi) = 0. \quad (18)$$

Приравнявая показатели степени получим

$$\beta(\beta-1)(\beta-2) \neq 0, \quad 3\beta = \beta-2, \quad \beta = -1,$$

а приравнявая коэффициенты каждой пары функций косинуса в (18), мы находим следующую алгебраическую систему:

$$(a-c)\lambda \cos^{-1}(\mu\xi) + \frac{a\varepsilon}{2}\lambda^2 \cos^{-2}(\mu\xi) + \frac{a\varepsilon^2}{3}\lambda^3 \cos^{-3}(\mu\xi) + \lambda b c \mu^2 \beta^2 \cos^{-1}(\mu\xi) - \lambda b c \mu^2 \beta(\beta-1) \cos^{-3}(\mu\xi) = 0.$$

$$\cos^{-3}(\mu\xi): \quad \frac{a\varepsilon^2}{3}\lambda^3 - 2bc\lambda\mu^2 = 0,$$

$$\cos^{-2}(\mu\xi): \quad \frac{a\varepsilon}{2}\lambda^2 = 0,$$

$$\cos^{-1}(\mu\xi): \quad (a-c)\lambda + bc\lambda\mu^2 = 0.$$

Решение этой системы приводит к

$$\lambda \left(\frac{a\varepsilon^2}{3}\lambda^2 - 2bc\mu^2 \right) = 0, \quad \lambda = \pm \sqrt{\frac{6(c-a)}{a\varepsilon^2}}$$

$$(a-c)\lambda + bc\lambda\mu^2 = 0, \quad \mu^2 = \frac{c-a}{bc},$$

$$\mu = \pm \sqrt{\frac{c-a}{bc}} \quad (19)$$

Тогда подставив (19) в уравнение (14), точное решение этого уравнения можно записать в виде ($c > a$)

$$u(x, t) = \pm \sqrt{\frac{6(c-a)}{a\varepsilon^2}} \operatorname{sec} \left[\sqrt{\frac{c-a}{bc}}(x-ct) \right],$$

Частные случаи:

1) для волнового уравнения

$$u_t + (1+u)u_x - u_{xxt} = 0$$

имеем решение вида

$$u(x, t) = -3(1-c) \cos^{-2} \left(\pm \frac{1}{2} \sqrt{\frac{(1-c)}{c}}(x-ct-d) \right)$$

2) для дисперсного уравнения

$$u_t + (1+u^2)u_x - u_{xxt} = 0$$

имеем решение вида

$$u(x, t) = \pm \sqrt{6(1-c)} \cos^{-1} \times \left(\pm \frac{1}{2} \sqrt{\frac{(1-c)}{c}}(x-ct-d) \right)$$

3) для уравнения регуляризованных длинных волн

$$u_t + (a-bu)u_x - bu_{xxt} = 0 \quad a, b > 0$$

имеем решение вида

$$u(x, t) = \frac{a-c}{2} \operatorname{sec}^2 \left[\sqrt{\frac{a-c}{4bc}}(x-ct) \right] \quad \text{при } a > c$$

или $u(x, t) = \frac{a-c}{2} \operatorname{csc}^2 \left[\sqrt{\frac{a-c}{4bc}}(x-ct) \right] \quad \text{при } a > c;$

$$u(x, t) = -\frac{a-c}{2} \operatorname{sech}^2 \left[\sqrt{\frac{a-c}{4bc}}(x-ct) \right] \quad \text{при } a < c$$

или

$$u(x, t) = -\frac{a-c}{2} \operatorname{csch}^2 \left[\sqrt{\frac{a-c}{4bc}}(x-ct) \right] \quad \text{при } a < c.$$

Заключение. Основной целью работы было использование метода синус-косинус функций для обработки нелинейных волновых уравнений. С помощью предложенного метода были найдены новые точные решения. Цель была достигнута, и предлагаемая схема является надежной и эффективной. Из нелинейных дисперсионных уравнений с производными первого и второго порядка были построены точные решения. Таким образом, используя метода синус-косинус функций расширен способы решения нелинейных дифференциальных

уравнений с частными производными, возникающих в механике, физике и других областях.

Литература:

1. Wazwaz A.M. Partial Differential Equations: Methods and Applications, Balkema, The Netherlands, (2002).
2. Wazwaz A.M. A Sine-Cosine Method for Handling Nonlinear Wave Equations. Mathematical and Computer Modelling, 40 (2004), P.499-508.
3. Wazwaz A.M. Partial Differential Equations and Solitary Waves Theory. Higher Education Press, Beijing and Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 2009. – 761 p.
4. He J. H, Wu X. H. Exp-function method for nonlinear wave equations. Chaos, Solitons & Fractals.30 (2006): P.700-708.
5. Mohamad-Jawad A.J. The Sine-Cosine Function Method for Exact Solutions of Nonlinear Partial Differential Equations. Journal of Al Rafidain University College, No.32, pp. 124-143 (2013)

6. Zhang H., Wei G.M., Gao Y.T. On the form of the Benjamin-Bona-Mahony equation in fluid mechanics, Czechoslovak Journal of Physics, **51** (2001), pp. 373-377.

7. Polianin A.D. Handbook of linear partial differential equations for engineers and scientists. Chapman & Hall/CRC. New York, 2007. – 667 p.

8. Голоскоков Д.П. Уравнения математической физики. Решение задач в системе Maple. Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2004. – 539 с.

9. Полянин А.Д., Зайцев В.Ф., Журов А.И. Методы решения нелинейных уравнений математической физики и механики. – М.: ФИЗМАТЛИТ, 2005. – 256 с.

10. Эдвардс Ч.Г., Пенни Д.Э. Дифференциальные уравнения и краевые задачи: моделирование и вычисление с помощью Mathematica, Maple и MATLAB. 3-е издание.: Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2008. – 1104 с.

Маълумот учун

ТЕЛЕФОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Суннатуллаев С. (ТошДТУ)

В статье приведены сведения о возникновении и эволюции телефонов

In paper data about about origination and evolutions of earphones are resulted

TELEFON - (grekcha so'z bo'lib "olisdagi tovush, yoki ovoz") ma'nosini anglatadi, va biror tovushni yoki ovozni masofaga yetkazuvchi va qabul qiluvchi qurilma tushuniladi.

Xozirgi zamonaviy telefonlar ovoz, tovush, ma'lum bir axborotlarni yetkazib berish va qabul qilishni elektr to'lqinlar orqali amalga oshiradi.


Telefon deganda- uzoq masofaga tovush, yoki ovozni yetkazib beruvchi qurilmani tushunish mumkin. Yeng birinchi telefonlar mexanik qurilmalardan iborat bo'lib, ular tovushni asosan tekis muxitda, yoki elektromagnit to'lqinlarga ega bo'lmagan boshqa bir jism orqali yuborgan.

"Peking Gazette" ning xatiga asosan, 968 yilda xitoy ixtirochisi Kung-fu-ving "thumtsein" degan qurilma yaratadi bu qurilmada tovushlar quvurlar orqali uzatilgan. Bunday qurilmalardan hozirgi kunda xam, bir biridan uzoq masofada bo'lmagan bir biri bilan tez-tez bog'lanib turishi kerak bo'lgan joylarda (suv kemalarida, ba'zi korxonalar va tashkilotlarda) foydalaniladi. Arqonli, ipli, qo'ng'iroqli va birqancha boshqa turdagi aloqa vositalari xam bo'lgan.


ELEKTRIK TELEFON

Ming yillar ilgari uzok masofaga xabar

yuborish uchun xar xil usullardan foydalanishgan, do'mbira ovozi, tutun, olov, va qushlardan foydalanishgan, o'sha davrda eng ishonchlisi choparlar bo'lgan. Xabar yuborish va qabul qilishda elektr qo'llanilgan birinchi qurilma Elektr Telegraf bo'lib, u XIX asrning birinchi yarmida juda muvaffaqiyat bilan qo'llaniladi.




1849-1854 yillarda Parij telegrafi xodimi, muxandis Sharl Bursel tomonidan birinchi marta telefoniya g'oyasi ishlab chiqiladi. 1854 yildagi disertasiyasida u telefonning ishlash prinsipini bayon qiladi, lekin uning g'oyasi amaliyotga yetib bormaydi. Shunday bo'lsa xam Sh. Bursel telefon so'zini birinchi bo'lib tilga olgan.




Kelib chiqishi Italiyadan bo'lgan Amerika immigranti Antonio Meuchchi 1860 yilda sim orqali tovushni uzatuvchi qurilmani ishlab namoish etadi, va unga Telectrophon nom beradi. U 1871 yilda o'z ixtirosiga patent olish uchun ariza beradi.

1861 yilda Nemis fizigi, ixtirochi Iogann Filipp Reys boshqa qurilmani namoish qiladi. Bu qurilma faqat tovushgina emas, balki musiqa va insonlarning ovozlari gap va so'zlarni yubora olgan va qabul qilgan. Bu qurilma oddiygina mikrofon, dinamik va galvanik elementdan tashkil topgan. Reys o'z qurilmasini Telephon deb nomladi. Telefon ixtiro qilingunga qadar insonlar uzoq masofada turib bir birlari bilan aloqa qilishga extiyoj sezganlar. Shuning uchun telefon ixtiro qilinishi yangi texnika asri bo'ldi va olamshumul voqeaga aylandi.



1876-yilda AQSH da Aleksandor Bell tomonidan patetlandi va u so'zlashuvchi telegraf deb nom oldi. Bell ixtiro qilgan telefon go'shagi inson tovushini uzatishga va qabul qilishga navbat va navbat xizmat qilgan. A. Bell ixtiro qilgan telefonda qo'ng'iroq bo'lmagan. Telefon qo'ng'irog'I 1878-yilda A. Bellning hamkasbi T. Vatson tomonidan ixtiro qilingan. Bunda chaqiruvchi go'shak orqali hushtak chalib amalga oshirilgan. Bu tizimning uzunligi ya'ni aloqa masofasi 500 metr dan oshmagan.



A. Bell Vashingtonning patentlash buyrosiga 14-fevral 1876-yilda o'z arizasini bergan. 2 soatdan so'ng Chikagolik E. Grey "Vakal tovushlarni jo'natish va qabul qilishni telegraf usuli" deb nomlangan qurilma uchun ariza beradi.

A. Bell 1876-yil 7-martda o'zi ixtiro qilgan telefoni uchun patent oladi. Qizig'i shundaki A. Bell telefon emas, garmanik telegraf ixtiro qilmoqchi bo'lgan. Chunki o'sha davrda telegrafda judayam katta tizim tanqisligi vujudga kelgan edi.

A. Bell o'zi ixtiro qilgan telefoni 1876-yil 25-iyulda Filodelfiyada o'tkazilgan birinchi Jahon Elektro Texnika Ko'rgazmasida namoyish etadi.

1877-yilda ixtirochi Vaden abanentni chaqirish uchun tizimdagi qong'iroqni qo'shish uchun telegraf kalitini qo'lladi, keyinchalik u kalit chaqiruv tugmasiga almashtirildi. O'sha yilning o'zida Peterburg zavodida "Siemens va Golske" nomli nemis firmasi ikki go'shakli telefon apparatlarini ishlab chiqardi. Bunda bir go'shagi tovushni qabul qilish uchun ikkinchisi esa uzatib berish uchun xizmat qilib beradi. 1878-yilda rus elektrotexnik olimi P.M. Golubitskiy telefon apparatlarida kondensatorlarni qo'lladi. U bir nechta doimiy magnitlardan foydalanib birinchi rus telefonini orginal konstrusiyasini yaratdi. Golubitskiy 1885-yilda telefon apparat mikrafonlarini markazlashtirilgan quvvat sistemasini ishlab chiqdi

1877-1878-yillarda Tomos Edison mikrafonlarda komir tayoqchasi o'rniga komir kukunidan foydalanishni taklif etadi, ya'ni u komir kukunidan yasalgan komirli mikrafon ixtiro qiladi. U ixtiro qilgan mikrafonlar hech qanday o'zgarishsiz 1980-

yilgacha amalda qo'llaniladi, ba'zi joylarda hozirgi vaqtgacha qo'llaniladi.

Birinchi tijorat telefon so'zlashuvi 1927-yil 7-yanvarda New York bilan London orasida transatlantik telefon kabeli orqali aloqa o'rnatilgan. Ushbu kabel orqali 1936-yil 14-aprelda SSSR bilan New York bog'lanadi.

Simsiz go'shakli telefonlar.

Simsiz telefonlar (Radiotelefonlar) – Radioaloqa orqali telefon tizimi bilan bog'lanadi, bu bilan so'zlashuvchini sigma bog'lanib qolmay, aksincha erkin harakati taminlanadi. Bunday telefonlar baza va bir yoki bir nechta simsiz terminallardan (go'shaklardan) iborat bo'ladi, baza telefon tizimiga ulanadi. Go'shak va baza orasidagi aloqa radiotolqinlar orqali bog'lanadi. Bunday telefonlar faqatgina telefon tizimlari bilan emas balki baza bilan go'shaklar, yoki bir nechta go'shaklar bir biri bilan aloqa qila oladi. Bog'lanish doirasi 50-300 metrgacha.

Mobilniy telefon

Uyali (Mobil telefonlar) – foydalanuvchini istalgan joyda aloqa bilan taminlovchi radioaloqa tizimi. Bu sistema uyali telefonlarni va ko'p sonli baza stansiyalarini bir biri bilan bog'lovchi markaziy kammutatordan iborat. Uyali telefonlar korpus formasi jihatidan quyidagilarga bolinadi:

- Monoblok
- Ochilib yopiladigan
- Slayder ko'rinishda bo'ladi

Ochilib yopiluvchi uyali telefonlar 1989-yilda ishlab chiqarilgan.

Slayder uyali telefonlari 1999-yilda Siemens Mobile kompaniyasi Siemens SL10 uyali mobile telefonini ishlab chiqardi.

Sputnik telefoni - bu axborotni to'g'ridan to'g'ri maxsus kommunikatsion yo'ldosh orqali yetkazib beradi. Ba'zi bu aloqa operatorlari yer maydonining bir qismini, ba'zilar esa butun yer yuzini o'z ichiga qamrab oladi. Bu past orbitada harakat qiladigan bir nechta yo'ldosh qo'llaniladigan va yo'ldoshlar yetarli bo'lganda butun yer yuzini qamrab oladi. Agar geostatsional orbitadagi bitta yo'ldoshdan foydalanganda yer

yuzini butun qismini ko'ra olmaydi, chunki ular yerga nisbatan harakatlanmaydi.



Konfirens telefoni

Bu telefon operati guruh orasida audio muloqot olib borish uchun qo'llaniladi. Uning asosiy vazifasi bir guruh suxbatdoshlarni masofada turib baland ovoz bilan erkin suxbatlashishini taminlaydi. Konfirens telefoni odatda kelishuvlar xonasi yoki rahbarlar xonasiga o'rnatiladi. Konfirens telefoni odatda:

- Raqam teruvchi tugmalar (tastatura)
- O'z ichiga o'rnatilgan baland ovozli karnay
- O'z ichiga o'rnatilgan keng diogramma yo'nalishli mikrafon (odatda uchta mikrafon qo'llaniladi)

Aloqa radiusini uzaytirish maqsadida konfirens telefonlariga tashqi mikrafonlar ulatish mumkin.

Konfirens pristafka



Konfirens pristafka bu odatiy telefon operatiga ulanuvchi qurilma, bunda abanent raqamlarini terish oddiy telefonda amalga oshiriladi. Abanent raqamlarini teruvchi tugmalari bo'lmagan kanfirens aloqa operati konfirens pristafka deb ataladi. Konfirens pristafka juda kam funksialarni bajaradi. Unda bir nechta tugma bor halos:

- Javob berish
- So'zlashuvni tugatish
- Tovushni baland past qilish

УДК 6901(075)

КНАУФ КОМПАНИЯСИНИНГ “ҚУРУҚ” УСУЛИДАГИ ҚУРИЛИШ УЧУН ФЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ОШИРИЛГАН ГИПСОКАРТОН ЛИСТЛАРИДАН АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Райимкулов А., Сафаров И – (СамДАҚИ)

В статье освещаются вопросы производства, области применения и технические характеристики листовых материалов, выпускаемых предприятиями компании КНАУФ (в том числе в Узбекистане) и обладающими повышенными акустическими, тепло – звукоизоляционными, пожаростойкими и огнезащитными свойствами.

In article are illuminated questions production application and technical features sheet material, produced plant to companies KNAUF (including in Uzbekistan) and possessing raised acoustic, heat - a sound insulating, fire steadfast and fire defensive characteristic.

Ўзбекистонда маҳаллий хом ашё ресурслари ва турли ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида юқори сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ресурс ва энергия тежайдиган самарали технологиялар яратиш ва уларни ўзлаштириш бўйича илмий ва амалий изланишлар олиб борилмоқда.

Германиянинг КНАУФ компанияси ўзининг Бухоро вилоятидаги заводида янги инвестицион лойиҳасини амалга оширди. Бу компания қуруқ қоришмалар ва гипсокартон ясси листлар ишлаб чиқармоқда. Буларнинг ҳаммасини “КНАУФ Гипс Бухоро” хорижий корхонаси амалга оширмоқда ва бу корхона гипсокартон қопламаларини ишлаб чиқариш ва уларни қўллаш соҳаси бўйича МДХ мамлакатлари ўртасида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда.

Бу Корхонада юқори малакали ходимлар ишлашлари билан биргаликда маркетинг ва илмий изланишлар юқори даражада ташкил этилган. Унинг ўқув марказларида материалларнинг хоссалари, қуриш технологиялари талабаларга ўргатилиб келинмоқда. СамДАҚИ қошида очилган маслаҳат маркази бунга мисол бўла олади.

Гипсокартон икки ёқлама сирти картон қоғози ва ўртаси эса гипс ва бошқа қурилиш қўшимчалардан ташкил топган бирикмадан иборат. Гипсокартон қопламаларни тўлдирувчи аралашма гипс ҳисобланади ва қурилиш материалларининг афзаллик сифатларини кўрсатувчи тўлдирувчидир.

Стандарт қопламалар 93%, 2% сувли гипсдан, 6% картон қопламадан ва яна 1% фаол моддалар, крахмал ва намликдан иборат. Унинг афзаллиги қопламанинг ғиштли девордан енгиллиги ва арзонлиги, монтаж қилишга қулай ва ортиқча қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши камайишидир. Қурилиш муддати сезиларли қисқаради.

Материалларнинг оловбардошлиги (“КНАУФ-ФАЙЕРБОРД”ГКЛЮ) намликка қаршилиги (ГКЛВО) ва экологик тоза эканлигини таъкидлаш лозим. Яъни ҳаводаги ортиқча намликни ютади агарда етишмаса намликни қайтаради. Бундай хусусияти билан хонанинг шинамлигини таъминлайди. Электр тоқини ўтказмаслиги, зарарли моддаларни ўзида сақламаслиги, ионлашган нурлардан инсонни ҳимоялаши унинг нақадар афзаллик томонларини кўрсатади ва шунинг учун уни медицина ва атом энергиясида қўлланилади.

Товуш ва шовқинни ўтказмаслик хусусияти юқори даражада. Бунинг учун иккита гипсокартон орасига минерал момиқ ўрнатилса шовқиндан ҳимоялаб, хонада иссиқлик сақланади. КНАУФнинг бутловчи материаллари профил юзасига “КНАУФ Акустика” русумли материал ёпиштириш билан унинг акустик хусусияти оширилади.

Яна шуни айтиш лозимки, КНАУФ компаниясининг Россиядаги бўлимида КНАУФ “Сапфир” гипсокартонли листлари чиқарилиб бошланди. У ўзининг барча яхши хусусиятларини бирлаштирган, яъни намликка бардошли ва ёнғинга чидамлидир, ўрта қисмининг юқори даражада зич бўлиши шовқинни ўтказмаслик ва зарбага чидамлилигини таъминлайди, бу хусусияти билан ўзига катта қучлар таъсирини қабул қилади, агар унга оғир юклар осилса бемалол чидай олади.



1-расм. Оловбардош гипсокартон плиталарининг қўлланилиши.

“Сапфир” ўзига хос кодланган “DFN31R” бу унинг турли хусусиятларини кўрсатувчи белгидир.

Д-аниқ белгиланган зичлик кўрсаткичи

Ғ-ўзаги гипсли юқори даражада мустаҳкам очик аланга таъсирига чидайди

Г-намликка чидамли

І-сирти юқори даражада чидамли плитадир

Р-бўйлама ва қўндаланг чўзилишларга чидамли

Унинг шовқинни ўтказмаслик хусусияти оддий гипсокартонли плиталарга кўра 2-47Дб гача етади.

Ёнғинга бардошлилиги 15-30 минутни ташкил этиб хона ичидан одамларни эвакуацияси учун етарлидир. Намликка чидамлилик хусусиятидан уни намли хоналар, ошхона, ваннахона ва санитар тугунларида ишлатишига кенг имкон яратади. Оддий плиталарга нисбатан

“Сапфир”нинг сиртки юзасининг чидамлилиги 50% ортиқ ва сирт юзалари оч-мовий рангли қилиб чиқарилмоқда, бу эса хона ичи кўркамлигини таъминлайди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб КНАУФ компанияси инновацион ечимларни амалга ошириш билан бирга, ресурсларни юқори даражада тежовчи ва замонавий қурилишда доимо олдинлаб борувчи, хонани дизайнни мукамаллигини оширувчи янги келажак технологияси яратилмоқда.

Қуйидаги материалларнинг айримларини мисол тариқасида келтирамиз:

КНАУФ –Сейфборд рентген нурларидан химояловчи плиталари медицина корхоналари биноларининг хоналарида оралиқ деворлари, шифтларини қоплашда ишлатилади. Улар тулиқ медицина ходимлари ва даволанувчиларни радиация нурларидан химоялайди хатто қўшни хоналардаги инсонларни химоя қила олади. Яна бир муҳим хусусияти бундай қопламаларнинг махсус тола билан ишлаб чиқарилганлари қўл қуролидан отилган ўқ зарбига ҳам чидамли бўлиб, ўқ уни тешиб ўта олмайди. Яна бир инновацион ечимлардан бири шуки КНАУФ Comfortboard 23⁰ русумли плиталаридир. Хонадаги ҳаво ҳароратининг ошиши, плита таркибига кирувчи Micronal РСМ материалли фаоллаштиради ва хонанинг микроклим шароитини яхшилайдди. Бундай технология кондиционерларнинг энергия тежамкорлигини оширади.

УДК 551.3.053

ГЕОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР ТАЪСИРИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН АЖОЙИБОТЛАР

Махмудова Ш.Ж. (СамДАҚИ)

В статье приводятся сведения о геологических процессах, происходящих в литосфере земного шара, в результате которых порой создаются уникальные, неповторимые, вызывающие восхищение у людей образования из горных пород, примеры таких образований существующих в зарубежных странах и в Узбекистане.

The article provides information on geological processes occurring in the lithosphere of the globe, as a result of which unique, unrepeatable, admirable people in the formation of rocks sometimes create examples of such formations of existing in foreign countries and in Uzbekistan.

“Кўхна дунё”, - дейди халқимиз. Бу давр ичида табиат томонидан тоғ жинсларидан яратилган шундай ажойиб ва ғаройиб нарсалар борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос сиру синоатларга бой. Уларнинг ҳар бири тўғрисида кўплаб кўхна афсоналар, ривоятлар тўқилган, маълумотлар тўпланган, айримлари хатто одамлар томонидан илоҳийлаштирилган.

Бундай ажойиботларга тоғ жинсларидан пайдо бўлган ғаройиб ҳолатда мувозанатини сақлаб келадиган харсангтошларни, одам қўли билан тебратса бўладиган массаси тонналарни

КНАУФ-Теплая стена русумли тизими бинолар ичида иссиқликни йўқолишини камайтиради. Бу девор қалинлигини оширмасдан хонани совуқдан химоялайди энергия сарфини камайтиради. Мисол учун стандартдаги ҳолатда 510мм бўлган девор пишиқ ғиштли конструкциясида 110мм бўлган иссиқ сақловчи қатламидан иборат ва худди шундай иссиқлик сақлаш хусусиятига эга бўладиган фақат ғиштдан девор терилса қалинлиги 2м бўлар экан.

Бундан хулоса шуки, янги замонавий қурилиш материалларини яратиш уларни хусусиятларини ўрганиш замонавий илм фанни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Республикамизда айни пайтда иқтисодиётнинг саноат архитектура шаҳарсозлик каби турли соҳаларда барча қурилиш меъёрига мос келадиган гипс асосли қурилиш маҳсулотини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Адабиётлар.

1. Циприанович И.В. Старченко А.Ю. Комплексные системы сухого строительства. Учебник для подготовки и повышения квалификации специалистов строительных специальностей, -К Издатель ОАО “Мастера”, 1999, -182 с.

2. ГОСТ 6266-97. Листы гипсокартонные, Технические условия. -М:МНТКС 2001, -24 с.

3. www.kazpravda.kz/fresh/view/knauf-traditsii-kachestvo-innovatsii/ Проведение ЭКСПО-2017

ташқил қиладиган харсангтошларни ва ноёб шакл-шамойилга эга бўлган «қуйловчи» тошлар, «увилловчи» тепаликлар, «муסיқали» қояларни киритишимиз мумкин.

Ажойибот, - деб бемалол аташ мумкин бўлган бундай харсангтошлар бутун дунёда жуда кўп тарқалган. Масалан, инсон тафаккурига сиғмайдиган, физиканинг қонуниятларига номувофиқ ҳолатларда минглаб, хатто миллионлаб йиллар ўз мувозанат ҳолатини ўзгартирмай турган харсангтошларни кўрганда одам хайратга тушади.

АҚШ нинг Канзас штатидаги Смоки-Хиллз худудида жойлашган давлат парки ўзининг замбуруғсимон харсангтошлари билан машхур. 1-расмда кўрсатилган харсангтошга қараганда нафақат геологларда, уни кўрган ҳар қандай кишида ўз-ўзидан “Уни табиат яратганми ёки бирор ҳаётий куч бажарган ишнинг маҳсулими?” - деган савол туғилади.



1-расм. АҚШ нинг Канзас штатидаги замбуруғсимон харсангтош.

Табиатда шундай мувозанатда турган харсангтошлар борки, улар асосга омонатгина таяниб тургандай, худди ҳозир кийшайди-ю, ағдарилиб кетадигандай кўринадилар. Масалан, Канадага қарашли Янги Шотландиядаги денгиз қирғоғида тик турган жуда машхур харсангтош (2-расм, а).

Бу харсангтошнинг сурати деярли барча саёҳатчилар учун тайёрланган йўл кўрсатувчиларга киритилган. Унинг ёнига чиқиш учун 238 поғонали осма зина бўйлаб кўтарилиш керак бўлади.

а)



б)



2-расм. Канадада денгиз қирғоғида мувозанатда турган харсангтош (а) ва Англияда Бримхэм Мурда жойлашган Саждагоҳ (санам)-харсангтош (б).

Англияда Бримхэм Мурда қад кўтариб турган Саждагоҳ (санам)-харсангтошни кўрган кишининг ҳайратланмаслиги мумкин эмас (2-расм, б). Дарҳақиқат, харсангтошнинг ҳажми, унга мос оғирлигини кўз олдига келтирган киши эҳтимол ўша харсангтошнинг жинсидан бўлган, унинг таг қисмининг юзасидан ўнлаб марта кичик юзага эга таянчга таянган ҳолда қандай куч ҳисобига мувозанатда турганлигидан лол қолиши аниқ. Шунинг учун ҳам бу харсангтош Саждагоҳ (Санам) номини олган бўлса ажаб эмас.



3-расм. Поронгуруп миллий боғида (Австралия) мувозанатда турган харсангтош.

Шунга ўхшаш антиқа харсангтошнинг Австралиянинг ғарбида жойлашган Поронгуруп миллий боғида (Porongurup National Park) ҳам мавжудлиги аниқланган (3-расм). Бу харсангтошнинг вазни 180 тоннани ташкил қилади. Унинг ёнига бориб итариб юмалатгинг келади, лекин бу нарса ҳали ҳеч кимнинг қўлидан кел-

ган эмас, бу харсангтошнинг неча замонлардан бери шундай ҳолатда турганига одамнинг ишонгиси келмайди, яна қанча туришини ҳеч ким башорат қила олмайди.

Бундай ажойибот ҳисобланадиган харсангтошлар бизнинг юртимизда ҳам бор. Улардан бири Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Сангжумон қишлоғида жойлашган. Оқтовнинг ён-бағрида жойлашган бу қишлоқда барчани ҳайратга соладиган ноёб - тебранувчи тош бор (4-расм).



4-расм. Сангжумон қишлоғидаги тебранувчи харсангтош.

Бу харсангтошнинг вазни 280 тоннадан ортиқлигига қарамай, нафақат одам оддий қўли билан уни қимирлата олади, балки кучли шамолда ҳам бу тошнинг тебраниши кузатилади. Унинг айланаси 20 метр, диаметри 9 метр, баландлиги эса 6 метрга яқин. Тошнинг турли томонлари ҳар хил емирилган. Харсанг икки жойидан кўздек ўйилган. “Кўз”ларнинг узунлиги 2 м, эни 1,5 метрга яқин, чуқурлиги 30-60 см. Уларни ажратувчи “бурун”нинг эни 1 м дан зиёд. Атрофдан қараганда харсангтош кўзойнақ таққан жонзодга ўхшайди.

Ажабланишлиги шундаки, бундай ажойиботларнинг қўпчилиги сувсиз чўлларда, қисқаси, маниқан учрамаслиги керак бўлган жойларда қад кўтарган (5-расм). Расмдаги бу

бахайбат шакли тоғ жинси Африканинг Сахройи Кабирида жойлашган. Маълумки, у ернинг иқлими ўта жазирама, кундузи 42⁰С га-ча кўтариладиган иссиғи билан ажралиб туради. Бундай шаклларнинг пайдо бўлишида қайноқ, чанг-тўзонли шамолларнинг “хизмати” катта бўлганига ҳеч шубҳа йўқ.



5-расм. Сахродаги соябон қоятош.

Тоғ жинсларидан табиатда учрайдиган ажойиб шакл-шамойилга эга харсангтошларнинг пайдо бўлиши тўғрисида ҳар хил тахминлар мавжуд. Айрим мутахассисларнинг фикрича, бундай юзлаб тонна вазнга эга бўлган харсанглар миллионлаб йиллар аввал музликлар кўчганда улар билан бирга ҳозирги даврда турган жойига келиб қолганлар. Кейинчалик уларда ҳосил бўлган ўзгаришлар геологик экзоген жараёнлар билан боғлиқ. Биз ҳам шу фикрга қўшилаемиз.

Фойдаланилган манбалар:

1. <http://www.redbull.com/en/adventure/stories/1331710383341/bigprecari-ously-balanced-rocks>.
2. http://en.wikipedia.org/wiki/Brimham_Rocks.
3. <http://old.mahallagzt.uz/uz/page7/175-guzar19/4078-khatirchining-ajratli-kharsanglari>.
4. <http://digitalphotopix.com/unbelievable/worlds-spectacular-balanced-rocks>.

САМАРҚАНД МЕЪМОРЛАР МАКТАБИНИНГ ШИЖОАТЛИ НАЗАРИЁТЧИ-ОЛИМИ
Профессор Ахтам Уралов 70 ёшда



Ахтам Синдарович Уралов 1947 йил 13 апрель куни Самарқанд вилояти Нурота туманининг Қўрғон қишлоғида зиёлилар оиласида туғилди. Мана деярли 50 йилдан буён Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида талабаларга таҳсил бериб келмоқда. Устоз бизнинг илм олиш ва изланишларимизда бизнинг илҳом булғимиз бўлиб, биз шогирдларга ҳар томонлама ибрат бўлиб келмоқдалар.

Профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси А.С.Уралов институтдаги фаолияти давомида 300 дан зиёд илмий мақолалар ва тезислар, 11 та илмий монография, Олий таълим вазирлиги грифи асосида нашр этилган 5 та дарслик, 12 та ўқув қўлланма, 7 та услубий қўлланмаларни чоп эттирган. У Республика миқёсида, СамДАҚИда **Архитектура назарияси тарихи, Ландшафтлар архитектураси** бўйича ИЛМИЙ МАКТАБ яратган тажрибали педагог, тадқиқотчи олимдир. Унинг илмий ишлари ва яратган мактаби Халқаро миқёсда танилиб, 2004 йилда Шарқ мамлакатлари Халқаро архитектура академиясининг мухбир аъзолигига қабул қилинган.

А.С.Уралов раҳбарлигида 3 нафар фан номзоди тайёрланган, яна 5 нафари эса унинг илмий раҳбарлиги ва илмий маслаҳатчилигида тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Мунтазам равишда, тинимсиз, ўз устида ишлайдиган устозимиз ҳар йили яратган китобларини танловга тақдим этади. Жумладан, 2015 йилда “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” Республика кўриктанловида фахрли 1 ва 2-ўринни эгаллаган, “Йилнинг энг яхши педагоги” Республика кўриктанловининг ОТМ босқичида фахрли 1-ўринни олиб, Республика босқичида иштирок этган.

Унинг Архитектура соҳасида яратган монографиялари ва ўқув адабиётлари Ўзбекистон меъморлар уюшмаси ва Ўзбекистон давлат архитектура-қурилиш қўмитасининг “Йилнинг энг яхши меъморий асари” I ва II даражали дипломлари билан мукофотланган. Устоз раҳбарлиги ва ижросида сўнгги йилларда Вазирлик гранти асосида 2 та илмий-техник лойиҳалар бажарилиб, бунинг натижаси ўлароқ, 2 та инновация ишланмалари, 2 та моногра-

фия чоп этирилган ва олинган натижалар Самарқанд вилоятининг - Ургут, Жомбой, Булунгур, Тайлоқ, Окдарё, Иштихон, Пайарик, Пастдарғом, Самарқанд туманлари ҳокимлигининг архитектура бўлимида амалиётга жорий этилган.

Устознинг 50 дан зиёд меъморчилик назариясига оид муаммоли публицистик мақолалари “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Маърифат”, “Туркистон”, “Зарафшон”, “Самарқанд” рўзномаларида чоп этиб келинади. Айниқса, “Ландшафт архитектураси ва дизайни”, “Архитектураларнинг композиция ва лойиҳалаш асослари”, “Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш”, “Архитектураларнинг лойиҳалаш асослари”, “Ўрта Осиё анъанавий Чорбоғ услуби ва замонавий боғ-парк санъати”, “Ландшафт архитектураси” каби илмий асарлари илмий-услубий аҳамияти жиҳатидан мутахассислар томонидан юксак баҳоланган.

СамДАҚИ “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси профессори, А.Уралов институтда меъморчилик ва ландшафт архитектураси соҳасидаги илмий мактаб асосчиси сифатида Шарқ меъморчилиги назарияси ва тарихи бўйича салмоқли илмий изланишлар олиб бориб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. А.С. Уралов шогирдлари Рахимов К.Д., Султонова Д.Н., Дробченко Н.В., Камолова Д.З., Содиқова С.Н., Болгаева Ш.А., Рахимов Л.А., Мустаев Б.А., Қўшмонов Т.Ф. лар билан узвий илмий-ижодий алоқаларини олиб боради. Шу жумладан, шогирди К.Д.Рахимов ҳамкорлигида натурадан фотофиксация, ўлчов ва график реконструкция ишлари билан шуғулланиди. Ўтмиш ва ҳозирги замон боғ-парк санъати ва ландшафт архитектураси киёсий ўрганилди, хулосалар қилинди. Ишларининг натижаларини улар МАрХИ, (Москва), АЗИСИ (Баку), КазГАСА (Алма-ата), НАИ (Новосибирск), СамДАҚИ (Самарқанд), ТАҚИ (Тошкент) нинг илмий конференцияларида маърузалар қилдилар.

СамДАҚИ бағрида ўзининг 60 йиллик таваллудини ўтказган олим, мана бугун улғу устозимиз, ўзининг 70-баҳорини қаршилаб олмоқда. Умрини қайноқ ва серфайз ўтказётган бу инсон тўрт фарзанднинг ибратли Отаси, муносиб оила бошлиғи ва иқтидорли невараларининг суюкли бобосидир. Устознинг қадим Самарқанд шаҳридаги файзли хонадони эса меҳрибон устозни муборак куни билан қутлаш учун келаётган сеvimли шогирдлари, ҳамкасблари ва дўсту ёрлари билан ободдир.

Қолаверса, гуллаб-яшнаётган Озод ва Мустақил юртимизда меъмор ва қурувчиларни тайёрлаш бўйича Самарқанд Олий мактабида, келажак авлод меъмор кадрларининг сифатли тарбияси учун профессор А.С.Уралов каби салоҳиятли мутахассисларнинг илмий мактаби, унинг роли ва ўрни айниқса аҳамиятлидир.

Таҳририят

Мундарижа

МЕЪМОРЧИЛИК, ШАҲАРСОЗЛИК ВА ДИЗАЙН
АРХИТЕКТУРА, ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВО И ДИЗАЙН

Шукуров И. С., Бекназаров М. Б., Рустамов М. Особенности размещения жилой застройки на сложном рельефе	3
Умарова М.М. Организация сети учреждений и предприятий культурно-бытового обслуживания в Узбекистане	8
Шукуров И. С., Давронов П. З., Бекназаров М. Б. Использование склонов, откосов и сложного рельефа в ландшафтном дизайне склона «Окбулак» село Джам Нурабадского района	10
Самандаров Т.А. Архитектура ёдгорликларини тиклашда тарихий зилзилабардошлик тадбирлари	13
Джураева Г.Н. Изысканная роскошь стиля арт-деко	15
Мухаммадиев Э., Мухаммадиева Ш.Э. Ўрта Осиё тасвирий санъатида мавзу масаласига доир	17
Жонузаков А. Э. Жонузоқова Г. А. Масштаб ва унинг лойиҳалашдаги аҳамияти	20
Султанов Д. У., Адилова Д. Умный дом – новые методы планировочных и коммуникационных систем проектирования	22
Луқмонов Д.Қ., Рахимов Л.А. Илк Дехли султонлиги масжидларининг шаклланиш тамойиллари	25
Ачиддиев Р.М., Аббосова М. Улица – не только для автотранспорта.	27
Тўхбоева Н.М. Амир Темур оксаройлари.....	30
Бобоева Ф.С. Ландшафт и дизайн зимних садов	33
Мустаев Б.Б. Ўрта Осиё анъанавий боғларининг семантик хусусиятлари.....	35
Салимов О.М., Абдураимов Ш.М. Бухоро меъморчилигида қурилиш материаллари ва архитектуравий ечимлар	38
Маматмусаев Т.Ш., Саидов М.С. Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланишида меъморчилик масалалари (Тошкент шаҳри мисолида)	42
Джумақулов Ф.У. Тарихий шаҳарларни қайта тиклаш усуллари	45
Абдумоннонов М., Тўхташов Б. Касб-хунар коллежларида “чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда “компьютер графикаси” фани дастури ёрдамида икки ва уч ўлчамли чизмалар яратиш муаммолари.....	47

ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ, БИНО ВА ИНШОТЛАР
СТРОИТЕЛЬНЫЕ КОНСТРУКЦИИ, ЗДАНИЯ И СООРУЖЕНИЯ

Тулаков Э.С., Насреддинов А.Ш. Объемно-планировочные и конструктивные решения энергоэффективных промышленных здания	50
Фридман Г.С., Косимов Т.К., Туракулова Ш. Применение компьютерных технологий на кафедре «Строительные конструкции»	52
Собирова Д.А. Строительство водозаборного сооружения и строительство водопроводных сетей в микрорайоне Арабхона Нарпайского района Самаркандской области	55

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И ИЗДЕЛИЯ

Султанов А.А., Файзиллаев З.Б. Ўта енгил бетоннинг мустаҳкамлигини ошириш имкониятлари	57
Аъзамов Т.Н., Ражабов Н.А., Гайбулов К.М. Особенности технологии обжига керамических строительных материалов.....	59

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ
СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

Махмудов Р.М., Холмуродова З.И., Алмамедова А.Т., Бабаназаров С.Ш. Табиий юкори минераллашган паст потенциалли геотермал сувлардан амалиётда фойдаланиш	62
Бобоев С.М., Ҳолиқулов Ш.Т. Тоғ худудлари сой сувларидан аҳоли эҳтиёжлари учун муқобил энергия ишлаб чиқариш имкониятлари.....	64
Якубов К.А., Мирзаев А.Б., Нодиров Д.М. Система обеззараживания питьевых вод города Бухара	66
Мирзаев А.Б., Зокиров М.З., Рахмонов Ж.Д. Самарқанд шаҳрини ичимлик суви билан таъминлашда ер ости сувларидан самарали фойдаланиш ва сув манбаларининг сифат кўрсаткичларини таъсифи	68
Yakubov K.A., Mirzayev A.B., Nodirov D.M., Raxmonova Sh. Birlamchi tindirgichlarni hisoblash usuli.....	70
Бобоева Г.С., Бурхонов Х. Газ ва чангсимон моддаларни тозалаш қурилмаларининг унумдорлигини ошириш ва ташланмалар назорати.....	72
Бердиқулов А.А. Республикамизда атроф муҳит муҳофазаси ва мониторинги	74

Гадаев А.Н., Жураева Н., Ганиева Д. Ўзбекистон шароитида сув ресурсларини барқарор бошқаришни яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш 76

ҚУРИЛИШ ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ЭКОНОМИКА СТРОИТЕЛЬСТВА И УПРАВЛЕНИЕ

Суюнов А.С., Бобоев С.М., Суюнова Н.А., Бобаев Х.С. Некоторые особенности управления качеством работ в строительстве при реализации инвестиционных проектов.....	79
Муҳитдинов А.А., Абдурахманов Р.А. Шаҳар кўчаларининг бошқариладиган чорраҳаларида транспорт оқимини моделлаштириш	82
Бурунов О., Каржавов З., Раҳмонова Ф.М., Эгамов Р.М. Рақобатбардош қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сифат кўрсаткичларини баҳолашнинг баъзи усуллари	84
Мухаммадиев У.А., Жуманов Ш.Н., Мирахмедов И. Вероятностные закономерности возникновения неполадок строительного потока	86
Норкулов О.Н. Милиев А., Норкулов О.О. Роль охраны труда в строительстве	88
Милиев А., Норкулов О.Н., Ильмуродов А., Норкулов О.О. Экологик таълим тарбиянинг вазифаси ва унинг илмий тадқиқот методларига тавсифи	91
Норкулов О.Н. Милиев А., Норкулов О.О. Таълимда экологик масалаларнинг айрим жihatлари	93
Мирзаева Д.А., Мирзаев З.А., Банк соҳасида маркетинг фаолияти концепцияси	94
Suyarov A. Sh. Butik mehmonxonalarning shakllanishi, rivojlanishi va afzalliklari, ularni o'zbekistonda yaratish muammolari	97
Karimova K. G'. Xom ashyodan to hisobdan chiqarilguncha avtomobil shinalarini atrof-muhitga ta'siri	101
Адилов О.К., Мамаева Л.М., Хошимова Ш.С., Адилов Ж.А. Техник химат кўрсатиш станцияларида хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш	104
Азизов А.А. Экспериментальные исследования взаимодействия колеса с деформируемым грунтом.....	106
Азизов А.А. Методика расчета показателей безотказности составных элементов проектируемой машины с применением коэффициентов сложности.....	108
Ачилдиев Р.М., Аббосова М., Соибназаров Н. Проектирование дорожной одежды жёсткого типа и охрана окружающей среды	110
Исмоилов А.И., Абдуллаев Қ.Ю. Регистон майдони обидаларини тарихий табиий – техник тизимларини ва микроклим параметрларининг мониторинги тавсиялари	113
Камалова М. Ш. Кимёвий моддалар билан зарарланиш ва уни бартараф этиш чора тадбирлари.....	115
Дачева Ю. А. Применение программы Рапогата для ведения земельного кадастра.	117
Абдуллаева М.Т. Применение программного комплекса «CREDO» при ведении земельного кадастра в Узбекистане.	119
Саидов А.А., Усмонов Ж.Т., Файбулов Қ.М. Темир йўл тизимида божхона назоратини ташкил этишда ахборот оқимини бошқариш алгоритмлари.....	120
Мухаммадиев У.А., Худойқулов У.Ч. Своевременное представление фронта работ как фактор повышения производительности труда при строительстве крупных комплексов	124

ИНЖЕНЕРЛИК ИНШОТЛАРИ НАЗАРИЯСИ ТЕОРИЯ ИНЖЕНЕРНЫХ СООРУЖЕНИЙ

Руми Д.Ф., Аюбов Г.Т. Волновые процессы в высотном сооружении с динамическим гасителем колебаний (ДГК).....	125
Усаров М.К., Усаров Д.М. К решению задачи изгиба и колебания трехслойных пластин с трехмерным заполнителем.....	128
Абдукодиров А.Т., Шодиев А.А. Плитинг бино деворларига босим кучининг консолнинг узунлигига боғланишини текшириш.....	132
Кудратов А.Э., Абдирашидов А. Применение метода синус-косинус функций к решению нелинейных дифференциальных уравнений в частных производных	134

ИНФОРМАЦИЯ

Суннатуллаев С. Телефоннинг ривожланиш тарихи.....	138
Райимкулов А., Сафаров И. КНАУФ компаниясининг “Куруқ” усулидаги қурилиш учун фойдаланиш хусусиятлари оширилган гипсокартон листларидан амалиётда қўлланаш масалалари.....	140
Маҳмудова Ш.Ж. Геологик жараёнлар таъсирида ҳосил бўлган ажойиботлар.....	152
Самарқанд меъморлар мактабининг шижоатли назариётчи-олими профессор Ахтам Уралов 70 ёшда	145

**ПРАВИЛА ОФОРМЛЕНИЯ СТАТЕЙ ДЛЯ ЖУРНАЛА
«Проблемы архитектуры и строительства»**

1. Объём статьи не более 4 страниц машинописного текста. Текст статьи печатается через 1 интервал, размер шрифта 12 пт. Рисунки шириной не более 9 см. Формулы – в редакторе Microsoft Equation.

2. К статье прилагаются: список литературы, аннотации на узбекском, русском и английском языках (объём 3-5 строки). Титульная страница должна содержать: УДК, название статьи, затем фамилию (или фамилии) и инициалы автора (ов).

Под списком литературы указать институт или организацию, представившую статью, а также указать сведения об авторах и их контактные телефоны.

3. Для каждой представляемой статьи должен быть представлен акт экспертизы той организации, где работает автор.

4. Текст статьи должен быть представлен в электронном варианте, а также в распечатанном виде - 2 экз.

5. Представленная статья проходит предварительную экспертизу. Независимо от результата экспертизы, статья автору не возвращается. Решение о публикации статьи в журнале принимается главным редактором совместно с членами редколлегии по специализации представленной статьи.

6. Автор(ы) должны гарантировать обеспечение финансирования публикации статьи.

Редколлегия

Мухаррирлар: Х.М.Ибрагимов, Ш.Қосимова.
Корректорлар: т.ф.н. доц. В.А.Кондратьев, У.Хушвақтов.
Компьютерда саҳифаловчи: Х.М.Ибрагимов

Теришга 2017 йил 20 сентябрда берилди. Босишга 2017 йил 28 сентябрда рухсат этилди.
Қоғоз ўлчами 60x84/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,9. Қоғози – офсет.
Буюртма № 17/2. Адади 200 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

СамДАҚИ босмаҳонасида чоп этилди.
Самарқанд шаҳар, Лолазор кўчаси, 70. Email ilmiy-jurnal@mail.ru